Ўз6
4Ч
С34

Шахриёр САФАРОВ

Когнитив тилшунослик



КИТОБНИ ҚУЙИДА КУРСАТИЛГАН
муддатдан кечиктирмай қайтаринг

3126
2041

АП ТПК Е—5961—1 млн.—97 г.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Шахриёр Сафаров

КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК

2012 Шб
Проверено

«Сангзор» нашриёти
Жиззах - 2006

Ғ38
Ч11
С34

Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. “Сангзор” нашриёти,.
92-бет. 2006

Масъул мухаррир: филология фанлари доктори, профессор **Д.У. Ашурова**

Тақризчилар: филология фанлари доктори, профессор **Б. Йўлдошев**, филология фанлари номзоди, доцент **А. Рахимов**

Ушбу рисолада изчил тараққиётдаги замонавий илмий-тадқиқот парадигмаси – лисоний фаолиятнинг когнитив таҳлилига оид масалалар ёритилган. Когнитив тилшунослик – янгидан шакл топаётган соҳа, шу сабабли асосий эътибор ушбу йўналишнинг мақсади, таҳлил услублари, методологик тамойилларини ёритишга қаратилган.

Рисола замонавий тилшуносликнинг тадқиқот методлари билан қизиқувчи илмий ходимлар, магистрантлар, аспирантларга фойдаланиш учун тавсия қилинади.

Жи 3896
19 й.

© $\frac{004-B138-100}{4,0-2007-68}$ *SANGZOR*

СЎЗ БОШИ

Лисоннинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёс. Лисонсиз инсонлар бир-бирини тушуниш, воқеликни, тирик дунёни ўзлаштириш, ўзаро фикрлашиш қобилиятига эга бўлмас эди. Ёки лисон бўлмаганда ахборот қандай жамланар, қай йўсинда бир кишидан бошқасига узатилар ва бир авлоддан иккинчисига етиб келарди?!

Тил тизимининг вазифалари ва инсон лисоний қобилиятини намоён этувчи омилларнинг амалдаги ҳаракати ҳақида кўплаб саволлар туғилиши табиий. Зеро, инсон дунёга келар экан, Оллоҳнинг бебаҳо инъоми – тил унинг хизматида бўлади. Бу инъом мўъжизакор ва бетакрордир.

Лисоннинг айтилган сифатлари исботини ҳар қадамда сезиш, кўриш ва англаш мумкин. Ўтган асрнинг охирги чорагида бўлиб ўтган бир воқеани эслатмоқчиман. Маълумки, ядро хомашёсини ишлаб чиқариш қудратига эга бўлган мамлакатларда ядровий қолдиқларни сақлаш ва йўқотиш муаммоси мавжуд. АҚШда ушбу қолдиқ чўл ҳудудларида махсус қазилган, чуқурлиги юзлаб метр бўлган хандакларга кўмилади. Аммо бу қолдиқнинг радиоактивлиги яна ўн минг йил давом этади. Бу муддатда ҳар қандай империя (ҳар қанча буюк қудратга эга бўлмасин) емирилиши, ҳар қандай цивилизация инқирозга юз тутиши мумкин. Бундай цивилизациядан фақатгина ёзма ёдгорликларгина сақланиб қолиши мумкин. Аммо тарихга назар ташласак, охирги фиръавндан сўнг бир неча аср ўтиши билан улар қолдирган иероглифларнинг ўқилиш сири, имкони ҳам йўқолди. Худди шундай ҳолат ўн минг йил давомида бизда ҳам юзага келиш эҳтимоли йўқ эмас. Хўш, биз келажак авлодларни ёки Ерга ташриф буюрган планетамиз меҳмонларини радиоактивлик хавфидан қандай огоҳ этамиз?

АҚШ ҳукумати ҳузуридаги ядро маҳсулотлари назорати билан шуғулланувчи комиссия (Nuclear Regulatory Comission) тилшунос Томас Себеокка ушбу муаммоларнинг ечимини топиш топшириғини беради. Махсус лойиҳа асосида иш олиб борган Т.Себеок лисоний белги, (ўн минг йил давомида тил

тамоман ўзгаради, ёзувни тушуниб бўлмайди) ёки бирор бир рамзий белгидан ҳатто электр кўрсаткичларидан (манба тугаши сабабли) фойдаланиш имконини шу заҳотиёқ инкор этади. Олим бу мақсадга пиктография усулининг ҳам мос келмаслигига ишонч ҳосил қилади. Ниҳоят, Т.Себеок ўзига хос «руҳонийлар муқаддас жамоасини» тузиш мумкинлиги ҳақида ўйлайди. Бу жамоага ядро мутахассислари, антропологлар, тилшунослар, психологлар ва ҳеч қандай истисносиз бошқа соҳалар вакиллари жалб қилиниб, улар олдига мавжуд хавф ҳақидаги ахборотнинг узлуксиз фаоллигини, «тирик»лигини таъминлаш вазифаси қўйилади. Бу мақсадда улар турли ривоятлар, мифлар яратадилар ва тарқатадилар. Мабодо, бу «руҳонийлар» инсониятни хавфдан огоҳлантириш вазифасини унутсалар ҳам, огоҳ воситалари маълум даражада сақланади.

Т.Себеокнинг хулосаси қанчалик тўғри эканлигини айтиш қийин, аммо қўйилган муаммо тилнинг бетакрорлиги, унинг инсоният тараққиётида тутган ўрни, жамиятдаги вазифаси нақадар буюклигининг гувоҳидир.

Лойиҳага ажратилган маблағ ва имкониятлар сарфланишига қарамасдан, муаммо сақланиб қолганининг сабаби ҳам ягонадир – лисон ўта такомил, мураккаб, кўп қиррали, кўп вазифали, бир пайтнинг ўзида ижтимоий ҳам индивидуал, яратилган ва яратувчанлик кучига эга бўлган, турғун ва ҳаракатдаги, тизимли ва нотизимий хусусиятли ҳодисадир. Буларнинг барчаси тилнинг моҳиятини аниқлаш, унинг табиатини англаш мушкул эканлигидан гувоҳлик беради. Тилшунослар бу мушкулотларни бартараф этиш йўлини қанчалик изламасинлар, лекин ҳамон мушкулот – мушкулотлигича, муаммо муаммолигича қолмоқда.

Албатта, бу муаммолар устида минг йиллар давомида бош қотираётган тилшунослар кўп нарсаларга эришдилар. Тил ҳақидаги фан ҳам бир жойда тўхтаб тургани йўқ, у узлуксиз ўз метод ва амалларини такомиллаштиришга ҳаракат қилади, янги ғоялар билан бойийди ва бу ғоялар негизида янги йўналишлар шаклланади. Бироқ қўйилган вазифани Т.Себеок эслатган «руҳонийлар уюшмасисиз» бажаришнинг имкони йўқ эканлиги равшан бўлиб қолди. Бу «руҳоний»лар муқаддас, пок

ниятда бўлишдан ташқари, турли соҳалар билимдонлари бўлишлари керак. Яккаликда «чанги чиқса ҳам донғи чиқмаган» фан соҳаси бошқа фанлар «оғушида» бўлмоғи лозим.

Когнитив тилшуносликнинг шаклланиши айнан «руҳоний»лар ҳамкорлиги натижасидир. Лисоний қобилият барча соҳалар эътиборини тортиши аниқ. Тарихан шундай бўлиб келган ҳам. Зеро, инсоннинг мулоқот қобилияти ва бу қобилиятни таъминловчи асосий восита – тил тизими муаммолари билан кимлар шуғулланмаган: тилшунослар, адабиётшунослар, файласуфлар, руҳшунослар, маданиятшунослар, этнографлар, нейрофизиологлар… Лекин «чўпон кўп бўлгани сари» «арқон»нинг турли томонга тортилиши тургап гап эди. Фанда (умуман, ҳаётда) бир муаммодан иккинчисининг туғилиши муқаррар. Бироқ, туғилаётган ҳар бир муаммо «калава»ни янада чигаллаштириб, унинг учини топишни тобора мушкуллаштираверса, фан тараққиёти учун муҳим бўлган илмий хулосаларга эришиш ҳам мушкуллашаверади. Мушкулотларнинг олдини олиш учун фанлар ҳамкорлигини умумий мақсадга йўналтириш лозим. Шу пайтгача, турли фан соҳалари тил тизимини, лисоний қобилиятни ўз эҳтиёжлари учун, ўз қизиқиши доирасида, турли таҳлил услублари воситасида тадқиқ этиб келдилар. Чунки турли соҳаларнинг вакиллари ҳамкорлиги даврий, вақти-вақти билан намоён бўлиб, илмий таҳлил предмети ва объектнинг ягона эканлигини англаш қийин бўлган. Ниҳоят, лисон муаммолари билан қизиқувчи фанлар «кўрпани ҳар ким ўзи томонига тортиш» касалидан қутулишиб, ягона бир объектни мажмуавий, ҳар томонлама тадқиқ қилиш йўлини танлашди ва натижада соҳалараро фанлар, йўналишлар шаклланди.

Когнитив тилшунослик худди шундай соҳалараро мулоқотнинг маҳсулидир. Бундай мулоқотнинг тез, осонгина, ихтилофларсиз кечиши қийин. Шу сабабли когнитив тилшуносликнинг мустақил йўналиш сифатида таркиб топиши ҳам мураккаб жараён, лисондек ўта мураккаб тадқиқ объектини танлаган ҳар қандай фан соҳасининг мураккаб муаммолар қамровида қолиши ҳам муқаррар. Бундай қамров ва қуршовдан қутулиш изланишларда изчилликни, тўхтовсиз-

ликни ва кўпқамровлиликни, амалий воситалардан (методлар ва усул-амаллардан) фойдаланишда мунтазамликни ва мустаҳкам назарий асосга таянишни талаб қилади.

Охирги йиллар давомида когнитив тилшунослик доирасидаги тадқиқотлар сони кескин ошиб бормоқда, турли илмий марказларда бажарилаётган тадқиқотлар ва чоп этилаётган адабиётлар сонини бевосита кузатиб бориш, улар билан бемалол танишишнинг имконияти йўқ. Боз устига, бу адабиётларнинг кўпчилиги ўзбек ўқувчисигача бевосита етиб келмайди. Шу сабаблар каминани қўлингиздаги китобчани нашрга тайёрлашга ундади. Мақсад - ўзбек ўқувчиларини когнитив тилшуносликнинг асосий муаммолари, тадқиқ методлари билан таништириш.

Мен ўз ўқувчиларим сифатида, аввало талабаларни, магистратура босқичида, аспирантурада таҳсил олаётганларни, ўз илмий фаолиятини тилшуносликдек ўта ақлий, фидоийликка талабгор фанга бағишлашга аҳд қилишаётган ёшларни танладим. Инчинун, фанимиз келажаги бўлган бу авлод доимо янгиликка интилади, уларда дунё тилшунослигида кечаётган воқеалар, шаклланаётган янги йўналишлар, методологик қарашлар билан танишиш истаги кучли, шунга эҳтиёж ният ҳам шу - ёш тадқиқотчиларга когнитив тилшунослик ҳақидаги асосий маълумотларни етказиш. Ниятнинг ўзи ҳам ёшлар билан мулоқот жараёнида, магистратурада замонавий тилшунослик муаммолари муҳокамасига оид махсус курс ташкил қилиш жараёнида дунёга келди.

Ушбу нашр камчиликлардан холи эмас, ундаги нуқсонларнинг бўлиши табиий. Аммо у сизда мавзуга нисбатан бир оз бўлса-да, қизиқиш уйғотса, шу мавзуга доир бошқа адабиётларни излаш, варақлаш истагини туғдирса муаллиф учун етарли. Камчиликлар, нуқсонлар тўғрисидаги ҳар қандай мулоҳазани мамнуният билан қабул қилишга тайёрман.

Муаллиф билан мулоқот қилиш истагида бўлганлар учун электрон манзил:

Safarovsh@rambler.ru

Хатлар учун: 703000. Самарқанд, Бўстонсарой, 93.

Самарқанд давлат чет тиллар институти.

КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар бир фан тарихида юксалиш даври бўлганидек, инқироз босқичлари ҳам бўлиши муқаррар. Бундай ҳолатнинг юзага келиши ўз - ўзидан олимлардан ўрганилаётган объектга «янгича кўз» билан қарашни, олдингиларидан фарқ қиладиган нуқтаи назардан ёндашувни талаб қилади. Бинобарин, XX аср бошларида назарий физикада юзага келган инқироз узоқ вақт давом этди. Тадқиқотларда янгича усулларнинг тадбиқ этилиши натижасида тамоман янги йўналишлар, ўзга кўринишдаги назариялар пайдо бўлди. Назарий тилшуносликда худди шундай ҳолат ўтган асрнинг иккинчи ярмида туғилди. Тилшуносликдаги инқирознинг асосий сабаби ахборот технологияларининг ривожи билан боғлиқдир. Зеро, инсоннинг «сунъий интеллект» тизимига оид воситалар билан мулоқоти тил тизими ва лисоний фаолият тадқиқига бутунлай янгича ёндашувни талаб қилади.

Дарҳақиқат, айнан шу даврда тилшунослик фанининг турғунлашган ёки анъанавий услуб ва хулосалари кескин тараққий этаётган интеллектуал ахборот технологиялари амалиётида юзага келаётган саволларга жавоб бера олмаслиги маълум бўлди. Тил тизимини ва нутқий фаолият маҳсули бўлган матн қурилишини шу пайтгача филологик нуқтаи назардан таҳлил қилиб келаётган бу фан доираси эндиликда идрок этиш, билиш, тушуниш, таҳлил қилиш фаолиятларига оид тушунча ва категориялар билан кенгайди. Натижада, тилшуносликнинг мантиқ, психология, билиш назарияси каби когнитив фан соҳалари билан ҳамкорликка эҳтиёжи янада кучайди. Бу ҳамкорлик, бир томондан, тилшуносликни инсон тафаккур фаолияти муаммолари билан шуғулланувчи когнитология фани тармоғига киритган бўлса, иккинчидан, тилшуносликнинг ўзини яна бир соҳа – когнитив лингвистика соҳаси билан бойитди.

Аслида когнитологиянинг таянч нуқтаси бўлган тилшуносликнинг когнитив кўриниш олиши нима билан боғлиқ ва унинг тадқиқ объекти, мақсади, вазифалари

нималардан иборат? Табиийки, барча йўналишдаги лингвистик тадқиқотларнинг ўрганиш объекти ягона – тил тизими ёки, аниқроғи, лисоний фаолият ва унинг маҳсули. Аммо уларнинг барчасида (систем-структур тилшунослик, психолингвистика, социолингвистика, матн тилшунослиги ва ҳ.к.) асосий эътибор тайёр маҳсулот – сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн кабиларнинг тузилиши ва таркибини, маълум ҳолларда маъно хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Тайёр маҳсулот таҳлили билан қизиқаётган бу соҳалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик етарли даражада эмас. Бунинг устига, баъзи ҳолларда тадқиқотчилар орасида бирор бир лингвистик ҳодисанинг қайси соҳа объекти бўлиши ҳақида ёки умуман бу ҳодисалар қай даражада тил тизимига оид бўла олиши ҳақида мунозарали баҳс бормоқда. Асоссиз тортишувлар ва натижасиз муҳокамалар фанда қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Бу ҳатто тил тизими «аниқ ва ажратилган тадқиқот объекти бўла олмайди» (Н.Хомский) деган фикр туғилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. «Гап тил бирлигими ёки нутқ тизимига оидми?», шунингдек, «Анафора фақатгина матн таркибида юзага келадиган ҳодисами ёки уни гап грамматикаси ўрганилаётганда ҳам эътиборга олиш лозимми?» қабилидаги бефойда, назарий хатоликларга сабаб бўлувчи мунозаралар билан машғул бўлиш ўрнига юқорида айтилган соҳалар ўртасидаги туташ нуқталарни излаш лозим. Соҳалар ўртасидаги ҳамкорлик натижасида объектнинг, умуман, воқеликнинг янги қирраларини, илгари кўз илғамаган хусусиятларини сезиш мумкин. Бу эса, фанда мажмуавий муаммо ва вазифаларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мажмуавий муаммо соҳалараро ёндашувни талаб қилади. Файласуфларнинг эътироф этишича, «агарда объектнинг алоҳида хусусиятини тасвирлаш ва ўрганиш лозим бўлса, бунга якка бир фан соҳасининг имконияти етарлидир». Объектнинг ўзгариши, бошқа кўриниш олиши ҳақида гап кетганда эса, мажмуавий (комплекс) ёндашув зарур бўлади, «чунки объектнинг бошқа томонлари (хусусиятларини) ни ҳам ўрганиш эҳтиёжи туғилади» (Кочергин 1988: 5). Бинобарин, гап таркибидаги бўлаклар тартибини аниқлаш учун синтактик таҳлилнинг ўзи етарли. Гап тузилишидаги ҳар қандай

ўзгаришлар (инверсия, эллипсис ва бошқа шаклий ўзгаришлар) ва маъно кўчишларининг (синтактик полисемия, омонимия кабилар) турлари, уларнинг юзага келиш сабабларини ёритиш мақсадидаги таҳлил, сўзсиз, матн синтаксиси ва прагматикаси даражасига кўтарилади. Бундай таҳлил тилшунослик соҳаларининг ҳамкорлиги намунасидир.

Тил тизими ва лисоний фаолиятни ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларга хос ҳодисаларнинг белги-хусусиятларини батафсил ёритиш учун тилшуносликнинг турли соҳаларини бириктирадиган, уларнинг барчаси учун бир хилда таянч нуқтаси хизматини ўтайдиган умумлашган таҳлил тизимини топиш лозимлиги олимлар томонидан кўп бор таъкидланган эди (Қаранг: Бодуэн де Куртенэ 1963: 206; Sapir 1929: 166). Тил ҳодисаларига асосли ва айни пайтда, холисона изоҳ бериш имконини яратадиган бундай таҳлил услуби тизимини излаш ҳаракати ҳозиргача давом этмоқда. Муаммо долзарб, аммо умумлашган таҳлил тизимини таъминловчи «таянч» гояни топиш фан ривожи учун муҳим.

Кейинги йилларда, тилшунослар бундай «таянч»ни когитология (cognitive science – тафаккур ҳақидаги фан)дан топгандай бўлишмоқда. Сўзсиз, лингвистик таҳлил – когнитив таҳлилнинг бир тури, унинг маълум бир кўринишда намоён бўлишидир. Ҳали XIX аср охирларидаёқ тилшуносликнинг психологик ва социологик рухда бўлишини қайд қилган Бодуэн де Куртенэ «тилда руҳий ва ижтимоий факторлар ҳаракатда бўлиши сабабли, тилшунослик учун ёрдамчи фан сифатида дастлабки ўринда психологияни ва сўнг инсонларнинг жамиятдаги мулоқот, муносабатлари ҳақидаги фан – социологияни танлаймиз» деб ёзганлигини (Бодуэн де Куртенэ 1963: 217) эслаймиз. Фанлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапирганда, уларнинг бирини иккинчисига «ёрдамчи» сифатида қараш унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Акс ҳолда, фанлар ҳамкорлиги асосида юзага келадиган йўналишларни алоҳида соҳа сифатида ажратиш мумкин бўлмас эди. Тилшунослик, психология, социология, маданиятшунослик каби соҳалар ҳамкорлиги когнитив фаолият асосида воқеланувчи ҳодисадир. Когнитив тилшунослик ҳам

инсоннинг билиш фаолияти билан шуғулланувчи фанлар таркибига киради.

Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча **«cognitive – билишга оид»** сўзи билан боғлиқ. (Қиёсланг: «cognize – билмоқ, англамоқ, тушунмоқ», «cognition – билиш»). Маълумки, дунёни, воқеликни билиш, уни идрок этиш оддий ҳодиса эмас. Айрим ҳолларда билишни тўғридан тўғри фаҳмлаш, тушуниш ҳаракатлари билан боғлаб қўйишади. Аммо ҳайвонларга ҳам қисман (оддий шаклда бўлса ҳам) фаҳмлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилияти хос эканлиги маълум. Шу сабабли билиш фаолияти ҳақида гап кетганда, фақатгина cogitation (латинча), яъни «ақл, тафаккур» ҳодисасини тасаввур қилиш билан чекланмасдан, балки cogitatorium – тафаккур фаолияти шахсини ҳамда бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча турдаги номентал (ижтимоий, маданий, лисоний) ҳодисаларни ҳам инобатга олиш керак бўлади. Шуни унутмаслик лозимки, тафаккурнинг ўзи инсоннинг мақсадли фаолияти натижасида ҳосил бўлиб, у инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида воқеликка нисбатан билдирилаётган фаол муносабатнинг ифода топишидир.

Тафаккур фаолияти жараёнида юзага келадиган билим турли кўриниш ва хусусиятга эга бўлади. Бу фарқ дастлабки ўринда билимнинг қай йўсинда ва қандай мақсадда ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Воқелик ҳақидаги оддий, «кундалик» билим тажриба натижасидир. Билим маданий ҳодиса сифатида талқин қилинганда, бу шаклдаги билимнинг маълум ижтимоий гуруҳ маданияти учун хос бўлган меъёрларга қанчалик даражада мос келиши назарда тутилади. Лисоний билим иккинчи тургa оид, чунки тил миллатнинг маданий бойлигидир. Бу билим инсоннинг онгли фаолияти заминида шаклланади ва бу фаолият амалга ошишида муҳим рол ўйнайди. Айнан лисоний билим лингвокогнитив таҳлил сифатида танланиши ҳам бежиз эмас.

Шубҳасиз, билим – инсон хотирасида сақланган (ҳеч бўлмаса «из қолдирган») тизимлаштирилган маълумотлар тўпламидир. Аммо бу тўпламнинг қандай таркиб топиши, ундан фойдаланиш механизмини ўрганиш анча қийин вазифа. Америка беҳейвористлари инсон билимлари дунёсини «қора

қути» (яъни ўқилиши мушкул бўлган манба) деб таърифлашган, чунки билим жамланишини таъминловчи воситаларнинг «иш тартиби»ни бевосита кузатишнинг имкони йўқ (Sehnelle 1981). Тўғри, инсоннинг билиш қобилиятининг нейрофизиологик асослари, айниқса, мия яримшарлари фаолияти билан боғлиқ томонларини ўрганиш борасидаги изланишлар давом этмоқда. Психолингвистлар ва нейролингвистлар нутқий фаолият ижроси ва унинг қабул қилинишини (аниқроғи, идрок этилиши) таъминловчи мия қисмлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотларни тўплашган бўлса-да, ушбу нейрофизиологик тизимнинг ўзи ҳануз сирлигича қолмоқда. Олимлар мия чап яримшари нутқий ахборотни қабул қилувчи ва узатувчи ҳудудлар (бу ҳудудлар нейрофизиологлар Брака ва Вернике номлари билан аталади) ўзаро мураккаб муносабатда эканлигини доимо уқтиришади (Иванов 1978: 28; Wardhandu 1994: 90-91). Лекин бу муносабатлар қандай юзага келади-ю, уларнинг заминида нима туриши тўғрисидаги фикрлар у қадар аниқ эмас. Балки нейрофизиологик тузилмаларнинг вазифалари ва уларни ҳаракатлантирувчи механизмларнинг иш фаолиятини аниқлаш учун дастлаб лисоний фаолиятнинг когнитив тизимини батафсил ўрганиш лозимдир. Бу эҳтимолнинг ҳақиқатга ўта яқинлиги когнитив тилшунослик тараққиёти жараёнида ўз исботини топмоқда.

Билим олиш ва сақлаш, уни амалда қўллаш ва узатиш манбаи ва ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими когнитив таҳлил объекти эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бироқ бундай шубҳа бир пайтлар айрим тилшунослар томонидан билдирилганлигини ҳам эслаймиз. Жумладан, генератив тилшунослик ғояларининг фаол тарғиботчиларидан бири Ж.Катц (Katz 1981; 1984) тил ҳеч қандай онтологияга эга бўлмаган мавҳум ҳодиса эканлиги учун тилшунослик фани ҳам мавҳум предмет билан машғул бўлишини уқтиришга ҳаракат қилган эди. Унинг фикрича, тилшунослар «сўзловчиларнинг ўз тили ҳақидаги билими билан улар биладиган тиллар ўртасида катта фарқ мавжудлигини англамоқлари зарур» (Katz 1984: 34).

Албатта, ижтимоий қўлланишдаги тил билан когнитив ҳодиса - билим ўртасидаги фарқни инкор қилмоқчи эмасмиз.

Аммо тилни, айниқса, нутқни бутунлай мавҳум ҳодиса сифатида талқин қилиб бўлармикан?! Нутқий бирликларни жисман кузатиш ва ҳис этиш мумкин. Шу сабабли улар ҳақидаги ҳар қандай билим онтологик хусусиятга эга бўлган предмет-ҳодиса ҳақидаги билимдир. Аслини олганда, билим тилга нисбатан анча мавҳум, чунки уни жисман кузатиб бўлмайди. Билимнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигидан. Тилнинг ўзи эса когнитив тизимнинг фаолияти маҳсулидир, лисоний таркиблар тафаккур фаолияти натижасида шаклланади.

Лисоний ҳодисаларнинг билим, тафаккур, хотира ва мия кабилар билан муносабати масаласи талқинида бехейвористлар нуқтаи назаридан ёндашув қандай салбий натижаларга олиб келиши барчага маълум. Психолог Б. Скиннернинг 1957 йилда нашр этилган Verbal Behavior «Лисоний ҳаракат» номли китобида билдирилган фикрлар кўпгина тадқиқотчиларга дастлаб эътиборлидек туюлди. Улар лисоний хатти - ҳаракатни ҳар қандай бошқа ҳаракатдан фарқи йўқ ҳодиса сифатида ўрганиш ғоясини илгари суришди. Наҳотки инсон лисоний фаолияти доирасида бажариладиган ҳаракатларни лаборатория шароитидаги тажриба жараёнида турли катта-кичик ҳайвонлар бажараётган ҳаракатлар (майли, улар айрим сўзларни ёд олиб, такрорлаётган бўлишсин ҳам) билан бир қаторга қўйиб бўлса?! Бундай ғоянинг илмий жиҳатдан нотўғри эканлиги кейинчалик олимлар томонидан тўлиғича исботланди. Б.Скиннернниг рисоласи чоп қилинганидан икки йил ўтмасданоқ Н.Хомский батафсил тақриз эълон қилиб (Chomsky 1959), бехейворизмнинг қанчалик асоссиз эканлигини исботлашга уринди. У бехейвористларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракат (лисоний ёки нолисоний бўлишидан қатъий назар) бирор бир стимул – қўзғатувчи воситасида «ўрганиш ёки ўзлаштириш» натижасидир деган фикрини инкор қилиб, тилнинг ментал ҳодиса сифатида қаралиши лозимлигини кўрсатди. Дарҳақиқат, лисоний фаолият фақатгина инсонга хос фаолиятдир ҳамда у яна бир инсонга хос бойлик – тафаккур билан бевосита боғлиқдир.

Тил ва тафаккур муносабати муаммосининг узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган муҳокамаси турли

методологик хулоса ва тавсияларни юзага келтирди. Ташқи дунёнинг онгдаги инъикоси пайдо бўлишида тил асосий рол ўйнашига алоҳида урғу берган олимлар (Сэпир, Ҳойжер, Ҳоккет, Будагов, Панфилов ва бошқалар) таъкидича, лисоний структура (қурилма) инсоннинг воқеликни идрок этиш қобилияти ва тажрибасининг шаклланишини таъминлаб, ижтимоий онгга таъсир ўтказади ҳамда шу йўсинда инсоннинг дунёқараши, воқеликни англаш қобилиятини шакллантиради. Тафаккур қанчалик даражада лисон билан боғлиқ ҳодиса бўлмасин, унинг фақатгина тил воситасида амалга ошиши ёки, бошқача айтганда, тилсиз тафаккур бўлмаслиги ҳақидаги хулоса унчалик ҳақиқатга яқин эмас. Тил ва тафаккур айнан бир нарса бўлмаса керак. Тафаккур предмет, ҳодисаларнинг алоқа ва муносабатлари ҳақида маълумот берувчи воқеликнинг умумлашган ҳолдаги инъикосидир.

Воқеликнинг мияда акс этиши фақатгина нутқий тафаккур ҳаракати натижасида юзага келмаслигини исботлаш мақсадида Б.А. Серебренников (1983: 104-110) тафаккурнинг лисоний ва нолисоний турларини фарқлашни таклиф этганлигини эслаймиз. Булар қуйидагилар:

а) аниқ тафаккур – аниқ, конкрет муҳитда юзага келадиган воқеликнинг умумлаштирилган образи (акси);

б) рамзий тафаккур – хотирада мавжуд бўлган бутун бир воқелик ёки предмет-ҳодисаларни алоҳида бир муҳит-шароитга боғлиқ бўлган ҳолда қайта эслаш;

в) амалий тафаккур – бевосита мақсадли ҳаракатлар бажарилиши билан боғлиқ фикр;

г) лингвокреатив ёки лисонни шакллантирувчи тафаккур, яъни бу турдаги тафаккур ҳаракатлари бевосита тил тизими заҳиралари билан боғлиқ;

д) нолисоний тушунча тафаккури - (бу турдаги тафаккурнинг алоҳида ажратилиши, воқелик ҳақидаги тушунчанинг пайдо бўлиши нутқий ҳаракатдан олдинги босқичга оидлиги билан боғлиқдир).

Тафаккур қайси ҳолатда ва қандай кўринишда ҳаракатга келмасин, ягона бир вазифани бажаради – у воқелик ҳақидаги ахборотни қабул қилиш, тўплаш, қайта ишлаш ва тартибга солиш усулидир. Бу усул воситасида ҳосил бўладиган ғоя ёки

фикр воқеликнинг онгда акс этиш шаклидир. Тафаккурнинг ҳаракатланиши ва фикрнинг шаклланиши воқеликнинг бевосита онгда акс этишини таъминловчи жараён – билиш фаолияти билан боғлиқ. Тилнинг билиш фаолиятидаги ўрни алоҳида, у воқеликни идрок этиш ва билиш воситаси – қуролидир. С. Д. Кацнельсон (1972: 110) «Тил – нафақат мулоқот қуроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи қуролдир» деб ёзган эди. Тилнинг тафаккур фаолиятидаги ролини билиш учун онг ва тилнинг муносабатига оддий бир ҳол (ҳодиса) сифатида қарамаслик лозим. Бу муносабат икки мустақил ҳодисанинг ўзаро «мулоқот»идир. Худди шу «мулоқот» ментал фаолиятнинг лисонийлашувига олиб келади, зеро, лисоний ва мантиқий фаолиятлар бир-бирига ҳамроҳ бўлиб, улар ягона нутқий тафаккур жараёнини ташкил этади. Демак, тил онгни ҳаракатлантирувчи воситалардан биридир, у онгда энг оддий, бирламчи (элементар) тафаккур категориялари пайдо бўлишини таъминлайди. Ушбу категорияларсиз «алоҳида нутқий тузилмалар – гапларни тушуниш ва фикр (ғоя)нинг шаклланишини ҳамда шу йўсинда билимнинг фаоллашувини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди» (Кацнельсон 2001: 480).

Қай даражалигидан қатъий назар, тил ва тафаккур муносабати масаласининг фалсафа, тилшунослик ва психология фанлари доирасида анча батафсил муҳокама қилиниши когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустаҳкам замин яратди. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот йўналиши (соҳаси) бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташқари, сунъий интеллект назарияси, психолингвистика, нейролингвистика каби фан соҳаларига оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради. Маълумки, нутқий бирликларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг тушунилиши ақлий фаолият натижасидир. Бу фаолиятнинг бажарилиши бевосита лисоний билимга эга бўлиш шарти билан боғлиқ. Негаки, лисоний билимсиз воқеликни билиш, кечаётган воқеа – ҳодисалар ҳақидаги ахборотни акс эттирувчи мантиқий структураларни лисоний ифодалашнинг имкони йўқ. Шундай экан, когнитив тилшуносликка лисоний қобилиятнинг таркиб топишини тушунтирувчи фан сифатида қаралиши бежиз эмас.

В.З.Демьянков (1994: 17) бу соҳанинг асосий вазифасини инсон томонидан тилни ўзлаштириш механизмлари ҳамда бу механизмларнинг таркибини «системавий тасвирлаш ва тушунтиришдан иборат» деб таърифлаши бундан гувоҳлик беради. Ҳақиқатан, когнитив таҳлилда оламни билиш жараёнида юзага келадиган мантиқий (ментал) структураларнинг лисоний ифода топишини таъминловчи механизмлар қамровидаги услуб ва воситалар тадқиқи асосий ўринга кўчади.

Воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни билиш, идрок қилиш қатор мантиқий – руҳий ҳаракатларни ўз ичига олган таркибли фаолиятдир. Бу фаолиятнинг дастлабки босқичини, албатта, маълум бир объектни бошқа объектлар қаторидан ажратиш ҳаракати ташкил қилади. Бир объектни бошқасидан ажратиш учун унинг фарқловчи белгиларини топиш лозим. Кейинги босқичда эса, фарқловчи белгиларининг чоғиштирилиши асосида объектнинг ҳиссий рамзи юзага келади. Навбатдаги босқичда пайдо бўлган рамзнинг хотирада сақланаётган бошқа рамзлар билан ўхшаш томонлари изланади. Ниҳоят, воқеликни билишнинг муҳим босқичи – умумлаштириш ҳаракати амалга ошади (Горский 1985). Санаб ўтилган ментал ҳаракатлар когнитив структураларни (тафаккур фаолияти қисмларини) ташкил қилиб, объект ҳақидаги тушунчанинг шаклланишини таъминлайди. Тушунча – ментал тузилма, у ақлий фаолиятнинг ўзига хос шакли (тури) дир. Тушунча «қандайдир бир синфга кирувчи предметларни умумлаштириш ва ушбу синфни унга кирувчи предметларнинг умумий ва фарқловчи белгилари мажмуасига нисбатан ажратувчи мантиқий фаолият натижасида ҳосил бўлади» (Войшвилло 1989: 91).

Мантиқий фаолият ҳосиласи бўлган **«тушунча»** ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган **«концепт»** атамаларини бир хил мазмунда қўллаш мумкинми? Сўзсиз, бу иккала ҳодиса ҳам тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлади. Буларнинг иккаласининг ҳам бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет – ҳодисанинг ҳис қилиниши ва образли тасаввур қилиниши билан боғлиқ. Пайдо бўлган ҳиссий образ дастлаб ҳар бир шахсда алоҳида, индивидуал

кўринишда бўлади. Масалан, «гул» бир киши учун «атиргул» бўлса, бошқаси учун «райҳон», яна бири учун «лола». Ҳиссиёт ва тафаккур фаолиятининг юқори босқичларида индивидуал образ аниқ предметдан узоқлашиб боради ва асл мантиқий (ақлий) ҳодисага айланади. Воқеликнинг бир хилда бундай ҳис ва тафаккур этилиши, умумлашган ҳамда қисман мавҳумлашган образнинг юзага келиши барча учун бир хил код – рамзий белги ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бу хилда пайдо бўладиган мантиқий тузилмани психолог Н.И.Жинкин «универсал предмет коди - УПК» деб аташни таклиф қилади. Олим бу ҳодисанинг юзага келишини инсон миясининг ирсий ва наслий хусусиятлари қаторига киритади. Унинг фикрича, ақлий қобилият «тушунча, ҳукмни яратади, воқеликни тасвирлаш ва инсон фаолияти сабабини кўрсатиш учун турли хулоса ва мулоҳазаларга келади. Бу мантиқий ҳаракатларнинг бажарилиши шахснинг қайси тил соҳиби эканлигига боғлиқ эмас. Худди шунинг учун ҳам интеллект (ақл) умумий бошқарув функциясини ижро этади, бу универсал предмет коди кўринишидаги кодлаштиришдир» (Жинкин 1982: 88).

Шундай қилиб, тушунча ва ҳукмнинг ҳосил бўлиши ақлий фаолиятнинг турли босқичларига оиддир. Кўпчилик ҳукмнинг бирламчи эканлигини эътироф этишади. Ҳақиқатан ҳам мантиқий субъект ва предикат бирикишидан ҳосил бўладиган ҳар қандай оддий ҳукм (Масалан, *Қор ёғмоқда*) предмет образларининг ўзаро муносабатдалиги, боғланишидан бошқа ҳеч нарса эмас. Тушунчалар муносабати эса иккиламчи, у нутқий тафаккур фаолиятининг юқори босқичида юзага келади. Бунинг исботини биз А.Ф.Лосевнинг мулоҳазасида ҳам кўрамиз. Унинг фикрича, соф ҳукмда тушунчалар «мазмунига» ҳеч қандай ишора йўқ, шу сабабли ҳукмга предметни унинг воқелигидан узоқлашган ҳолда тасаввур қилишнинг услуби ва қонунияти сифатида қаралиши лозим (Лосев 1990: 129 -130). Бизнингча, ҳукм ва тушунчани фарқловчи белги ва хусусиятлар ҳақида гапириш билан бир қаторда, бу икки ҳодисанинг диалектик умумийликка эга бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Зеро, тушунчанинг ҳосил бўлиши воқеликдаги предметлар, содир бўлаётган ҳодисаларни мантиқан идрок этиш, улар ҳақида ҳукм чиқариш билан

бевосита боғлиқдир. Фақатгина тушунча мураккаб когнитив таркибга эга тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлади.

Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди. Таниқли файласуф ва психолог Жерри Фодор воқеликнинг онгда инъикос этиши ва бу инъикоснинг тафаккурда «қайта ишланиш» жараёнини ўрганаётиб, бу жараённи «тафаккур лисони»га ўхшатади. Чунки «ҳар қандай мантиқий тасаввур ҳаракати маълум кўринишдаги структурага эга бўлади ҳамда бу структура табиий тил бирлигининг синтактик шакли такрорига ишорадир» (Fodor 1975: 110).

Концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир (Кубрякова и др. 1996: 90). Концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Одатда, концептнинг умумий хусусиятлари сифатида унинг ички тузилиш жиҳатидан аниқ кўринишга эга эмаслиги қайд қилинади, бироқ бу қайд унчалик ҳақиқатга яқин эмас. Зеро, концептнинг асосини ташкил қилувчи предмет образи етарлича аниқ ва иккиламчи ўринни эгаллаган бўлаклари мавҳумликка эга бўлиши билан биргаликда, улар ягона негиз (ядровий асос) атрофида ўзаро муносабатга киришиб бирикадилар. Шу сабабли концепт таркибининг тизимий характерга эга эканлигини эътироф этиш маъқулдир. Унинг тизимий хусусиятлари тузилиш жиҳатидан мураккаб тартибли бўлишида ва бир бутун ментал тузилма сифатида идрок қилинишида намоён бўлади.

Предмет – ҳодисаларнинг онгли идрок этилиши ва уларнинг тасаввурда образ ҳосил бўлиш йўли билан жамланадиган билим турлича шаклланади ва ҳар хил характерга эга бўлади. Бу бевосита турли гуруҳдаги ва тузилишдаги концептлар шаклланишига сабаб бўлади. Концептларнинг гуруҳланишида уларнинг лисоний ифодаланиш услубларига таянилади. Тадқиқотчилар лексик ва фразеологик концептлар билан бир қаторда, грамматик

Инв 3896

(аниқроғи, синтактик) концептлар гуруҳларини ҳам ажратишни таклиф қилишмоқда (Бабушкин 1996; Волохина, Попова 1999; Langacker 1987).

Ҳар қандай ҳолда ҳам эгалланган билимнинг шаклланиши ва тизимлаштирилишнинг асосий воситаси тил тизимидир. Тафаккур бирлиги ва ментал ҳодиса сифатида юзага келадиган концептнинг лисоний воқеланиши ҳам нутқий тафаккур фаолияти натижасидир.

КОНЦЕПТНИНГ ЛИСОНИЙ ВОҚЕЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Юқорида айтилганидек, когнитология турли фан соҳалари чорраҳасида юзага келган фандир ва унинг тадқиқот соҳаси «билимни тўплаш ва қўллаш усулларини тадқиқ қилиш» сифатида белгиланади (The Blackwell Dictionary of Cognitive Psychology 1990). Америкалик психолог Ҳ. Гарднер когнитив фанлар чорраҳасида олти фан соҳаси туташишини ва ягона бир илмий мақсад – табиий ва сунъий тизимларда билимнинг жамланиши, қайта ишланиши ва қўлланиши муаммолари ечимини излаш билан банд бўлишини қайд қилган эди (Gardner 1987). Ушбу соҳалар муносабати қуйидаги шаклда акс эттирилади:



Кўриниб турибдики, ушбу соҳалар ўртасидаги алоқа бир хилда амалга ошмайди, бинобарин, компьютер фанлари (сунъий интеллект) ва антропологиянинг фалсафа билан алоқаси кўпинча билвосита амалга ошади.

Тилшунослик ушбу фанлар чорраҳасида мустаҳкам ўрин олган ва барча қавм соҳалар билан бевосита муносабатдадир. Шу сабабли когнитив тилшунослик инсоннинг билиш қобилияти ҳақидаги фан – когнитологиянинг марказий соҳаларидан бири сифатида эътироф этилади. Тилшунослик когнитология фани шаклланишида асос ёки пойдевор бўлиб хизмат қилган уч соҳа қаторидан бежиз жой олмаган бўлса керак. Бу соҳалар қуйидагилар: 1) инсонларга хос топшириқларни бажариш қобилиятига эга бўлган компьютер дастурларининг яратилиши; 2) когнитив психология доирасида билиш фаолиятининг руҳиятга оид томонларининг чуқур

ўрганилиши; 3) генератив грамматика назариясининг тараққий этиши ва ушбу назария билан боғлиқ лингвистик йўналишларнинг пайдо бўлиши (Миллер 1964).

Кўрсатилган соҳалар ҳамкорлигида шаклланган когнитологиянинг «туғилиш» санаси 1956 йилнинг 11 сентябридир. Айни шу куни Массачусет технология институтида ўтказилаётган симпозиумда уч маъруза тингланди. Биринчи маърузанинг («7±2 сеҳрли сони») муаллифи психолог Жорж Миллер (ҳа, айнан эслаб қолиш қобилиятини 7±2 меъёрида белгиловчи Миллер қонунининг муаллифи) эди. «Тилнинг уч модели» деб номланган иккинчи маъруза тилшунос Ноим Хомский томонидан тақдим этилди. Ниҳоят, учинчи маъруза «Logic Theory Machine» («Логик назариётчи») сунъий интеллект соҳаси бўйича мутахассис Ален Ньюэлл ва бўлғуси Нобель мукофоти соҳиби, иқтисодчи Ҳерберт Саймонлар ҳаммуаллифлигида битилган эди.

Худди шу маърузаларда когнитив тадқиқотларни ягона бир фан доирасида, ягона бир «соябон» остида бириктириш фикри олға сурилди. Бу воқеани Ж.Миллер қуйидагича хотирлайди: «Мен симпозиумдан амалий – тажрибавий психология, назарий тилшунослик ва билиш жараёнини компьютерда дастурлаш соҳалари ягона бир бутунликнинг қисмларини ташкил этишига руҳан қаттиқ ишонган ҳолда чиқдим. Келажакда уларнинг умумий мақсад сари ўзаро мувофиқлашувига ҳам ишонч пайдо бўлди. Ушбу фан шаклланиши сари мен йигирма йил интилдим ва ниҳоят, энди унга қандай ном беришни билдим» (Қиёсланг: Gardner 1987).

Когнитология фанининг пайдо бўлиш санасини 1956 йилдан деб ҳисоблаётган мутахассислар (Muers, Brown 1986) унинг асосий вазифасини ақлий тасаввур қоидалари ва мантиқий хулосалар қонуниятларига таянган ҳолда табиий тил тизимини «қайта ишлаш»нинг талабга ва ҳақиқатга мос назариясини яратишда кўрадилар. Демак, cognition (когниция), яъни билиш фаолияти ахборот (маълумот)ни қабул қилиш, тақдим этиш ва яратиш ҳаракатларини қамраб олади. Бу турдаги ҳаракатлар ижроси лисоният заҳираларидан озуқа олади, бевосита ёки билвосита лисон билан алоқада бўлади. Инсоннинг билиш қобилияти унинг лисоний қобилияти билан

ҳамоҳангдир. Ўтган асрнинг бошларида олмон файласуфи (кейинчалик АҚШда яшаб ижод қилган) Эрнест Кассирер инсоннинг билиш фаолиятига борлиқни худди кўзгудек акс эттирувчи эмас, балки предметларнинг ички ёки ташқи моҳиятини акс эттирувчи ҳодиса сифатида қаралиши лозимлигини уқтиради. Бу фаолиятни, яхшиси, тасаввур ва идрокни уйғотадиган ёруғлик манбаига ўхшатиш маъқул: ёруғлик қанчалик равшан бўлса, манба шу қадар кучли бўлади ва биз предметни шунчалик аниқ кўрамиз (Cassirer 1923: 26). Билиш жараёнида ҳосил бўлган ментал тузилма – концепт мазмунида айнан шу турдаги равшан ва аниқ кўринишга эга бўлган белги - хусусиятлар ўрин олади ҳамда концептнинг лисоний воқеланишида худди шу хусусиятлар етакчилик қилади.

Воқеликни акс эттириш тўғридан-тўғри тилнинг вазифасига кирмайди, бу вазифани дастлабки ўринда тафаккур бажаради. Лекин тафаккурда юзага келган ментал тузилмалар тил тизимида ўз ифодасини топади. Сўз, худди бошқа тил бирликларидек, алоҳида бир предметни ёки воқеани атовчи оддий бир ёрлиқ бўлмасдан, балки воқеликни билиш воситасидир. Лисоний бирликлар воситасида ахборот йигилади, сақланади ва авлоддан-авлодга ўтади. Бир сўз билан айтганда, тил бирликларининг когнитив жараён кечишидаги ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ментал тузилма – концептнинг лисоний белгига ўтиш жараёни қандай кечиши масаласи баҳсли мавзудир.

Дастлабки ўринда концептнинг лисоний моддийлашуви онг ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсули эканлигини унутмаслик керак. Олдин айтилганидек, концепт шаклланишининг бошланғич нуқтаси воқелик бўлаги (предмет) ҳақидаги тасаввур – образнинг юзага келишидир. Бу образ оддий схема ёки шакл бўлиб қолмасдан, балки мазмунли ҳодисадир. Бошқача айтганда, субъект образнинг оддий шаклини кўрмайди ёки унинг мазмунини идрок қилмайди, у *мазмунли образни* идрок этади. Худди шу мазмунли образ лисоний белгига айланади ва бу белги маъносининг ўзагини ташкил қилади. Лекин воқелик – онг – лисоний белги ўртасидаги бундай узвийликни оддий такрорлаш кўринишида

талқин этмаслик керак. Чунки онг воқеликни лисоний белги воситасида оддийгина акс эттирмайди, балки субъект учун муҳим бўлган белги-хусусиятларни ажратади ҳамда улар асосида идрок этилаётган объект (предмет, ҳодиса) нинг намунавий моделини яратади. Онгнинг бу турдаги аналитик – таҳлилий фаолияти амалга ошишида лисоний белгиларнинг роли алоҳида эътиборга лойиқ. XVIII асрда яшаб ижод этган машҳур фаранг мантиқшуноси Этьен Бано де Кондильяк (1715 - 1780) бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Бирор бир белгининг ёрдамисиз биз ўйимизни маълум қисмларга ажратолмас эдик ва шу йўсинда фикр юритиш воқеликнинг бўлакларини алоҳида кўриш (идрок этиш – Ш.С.) имконини беришини англай олмас эдик» (Кондильяк 1980: 84).

Билиш жараёнининг руҳиятда кечиши масаласи билан махсус шуғулланган психологлар (Ж. Бруннер, Л.М. Веккер, Б.Ломов ва бошқалар) воқеликнинг онгда акс этиши турли хусусиятларга эга эканлигини қайд қилишади. Жумладан, **муқимлик** (идрок этилаётган предметнинг доимий, муқим бўлиши), **предметлик** (объектнинг алоҳида мавжуд бўлиши), **бутунлик** (предмет қисмлари ва бўлакларининг янги бир даражада бирикиши), **умумийлик** (предметнинг муҳим хусусиятларини фарқлаш) булар қаторига киради (Диянова, Щеголева 2006: 11). Сўзсиз, ушбу хусусиятларнинг барчасининг ҳам билиш жараёнида ўз ўрни бор, уларнинг ҳар бири билишнинг иккала босқичида (образ яратиш ва тушунча ҳосил бўлиши) ўзича намоён бўлади. Концептнинг ҳосил бўлиши ва унинг лисоний воқеланишида эса умумийлик (аниқроғи, умумлаштириш) хусусияти алоҳида рол ўйнайди. Биз воқеликнинг бирор бир бўлаги, предметини лисоний номлаш ёки умуман лисоний тафаккур фаолияти дастлабки ўринда умумлаштириш ҳаракати билан боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Бунда номланаётган предмет – воқеанинг алоҳида, яққол кўзга ташланадиган ва сезиладиган белгиси аввал фарқланади, кейин эса ушбу белгининг бутун бир гуруҳ учун умумийлиги эътиборга олинади. Мантиқшунослар билиш фаолиятининг асосий босқичлари сифатида қиёслаш, умумлаштириш ва идеаллаштириш (мавҳумлаштириш) ҳаракатларини қарашлари бежиз эмас. Бу ҳаракатлар билиш

объектининг умумлашган образини ҳосил қилади. Албатта, умумлашган образ мантиқий фаолият натижаси сифатида воқеликдаги предмет, ҳодисаларни лисоний номлаш учун мантиқий ва маънавий асос яратади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам концептнинг лисоний ифода топиши предметли амалий тафаккур фаолияти шароитида кечади. Нутқий ҳаракатнинг болалар онгида шаклланиши, унинг онтогенезиси билан махсус шуғулланган Ж.Бруннер (1984: 22) тил ўзаро фаолият воситаси сифатида ўзлаштирилишини таъкидлаб, «тилни ўзлаштиришда лисоний қобилият туғма бўлмасдан (айрим тилшунослар ўйлаганидек – Ш.С.), балки инсон диққати ва амалий фаолиятининг айрим хусусиятларигина туғма бўлиши мумкин», деб ҳисоблайди. Ўз ота-онаси, атрофдагилардан амалий ҳаракат намуналарини ўзлаштираётган болада кўраётган предметлари ва кузатаётган ҳодисаларини номлаш қобилияти шакллана боради ва бунинг натижасида унинг билим доираси кенгая боради. «Тил ўзлаштириш жараёнида предмет ва ҳодисаларни нафақат бевосита идрок этиш мумкин, балки уларни тушунчалар, турли муносабатлар тизимига киритиш имконияти ҳам туғилади. Бу эса ўз навбатида, улар (предмет - ҳодисалар) ҳақидаги билим миқёсини кенгайтиради» (Пиаже 1984: 326). Ушбу муаллиф эътирофича, билимнинг сарчашмаси доимо ҳаракатдир, янгидан-янги объектларни идрок этишга йўналтирилаётган билиш ҳаракати амалий концепт шаклланишига туртки бўлади.

Концептнинг лисоний моддийлашув жараёни яна бир муҳим ментал босқични босиб ўтади. Воқеликнинг тафаккурдаги умумлашган инъикоси – образнинг мантиқий «қайта ишланиши» натижасида ҳосил бўлган концепт лисоний «либос» олишидан олдин ушбу «либос»нинг тасаввурдаги акси – модели юзага келади. Лисоний воқеланиш режаси пайдо бўлган заҳотиёқ уни амалга ошириш услуби изланади. Режа ҳамда «сўзсиз» модел нолисоний ёки «ботиний нутқ» жараёнида юзага келади.

Ботиний нутқнинг юзага келиш муаммоси билан шуғулланган психолог ва психолингвистлар ушбу ҳодисани турлича талқин қилиб келишмоқда. Улардан айримлари ботиний нутқни оддийгина қилиб, ўз-ўзига гапириш билан

тенглаштирсалар, бошқалари уни алоҳида ташқи (зоҳирий) нутқдан бутунлай фарқ қилувчи ҳодиса сифатида таърифлайдилар. Бироқ, энг муҳими, ботиний нутқ зоҳирий нутқнинг асосини, негизини ташкил қилишини олимлар эътироф этиб келишмоқда. Дарҳақиқат, нутқий фаолият ижро (талаффуз) ва эшитиш (мазмун идроки) босқичларидан ташқари яна бир босқични ўз ичига олади. Бу ташқи ёки зоҳирий нутқни режалаштириш билан боғлиқ яширин жараёндир. А.Р.Лурия айтганидек, бўлғуси нутқий ҳаракат ният ва режадан бошланади ва ушбу режа нутқий фаолиятнинг «ички ҳаракатчан схемаси» вазифасини ўтайди (Лурия 1975: 38).

Ички схема ўзига хос дастурлаш хизматини ўтаб, лисоний номланиши лозим бўлган концептнинг мундарижа-сида мужассамланган асосий мазмуний хусусиятларини акс эттирмоғи даркор. Ботиний нутқ концептнинг лисоний воқеланишини таъминловчи жараёндир. Ушбу жараёнда бўлғуси лисоний бирликнинг тузилиши ва мундарижаси шаклланади. А.А. Леонтьев лисоний бирликнинг ботиний дастури ва қолипи муҳим мазмун кўрсаткичларидан таркиб топишини ва бу кўрсаткичлар нутқий тузилма учун муҳим бўлган субъект, предикат, объект бўлакларининг муқобил «изи» дан иборат бўлишини исботлашга ҳаракат қилган эди (Леонтьев 1969: 159). Ботиний нутқнинг энг асосий хусусияти унинг шароитида лисоний бирлик мазмунан тўлиқ шаклланиши ва турли маъновий ўзгаришлар босқичларини (маъно кенгайиши; мураккаб тушунчаларни ифодалаш учун маъно бўлакларини бир-бирига «ёпиштириш» каби) босиб ўтиши билан боғлиқ эканлигини Л.С.Выготский ҳам таъкидлаган.

Хуллас, ботиний нутқ жараёнида концепт, биринчидан, маълум мазмун шаклини олса, иккинчидан, лисоний белги танлови босқичига тайёргарлик кўради. Худди шу ҳозирлик лисоний моддийлашувдан олдинги ҳаракатлар воситасида номинатив бирликнинг денотатив асосини мазмунан бойитади. Бу билан лисоний танлов имконияти ҳам кенгаяди. Лисоний танлов эса алоҳида кўринишдаги лисоний тафаккур фаолияти натижасидир. Бу фаолиятнинг кўчиши тил ўзлаштирилиши ва

нутқий қобилият ҳосил бўлиши жараёнларига мос равишда кечади. Маълумки, инсон тил ва моддий оламни бир хил услубда ҳамда бир хил йўналишда ўзлаштиради. Моддий дунё идроки айни пайтда идрок этилаётган предмет – ҳодисалар ҳақида тушунча туғилишини, кейинчалик ушбу тушунча ментал намуна – *концепт* сифатида шаклланиб, моддий ном олишини тақозо қилади. Бу хилдаги кўп босқичли лингвопсихик фаолиятнинг натижали (натижа муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишидан қатъий назар) кечишида асосий ролни *лисоний хотира* ўйнайди.

Юқорида қайд этилганидек, моддий олам ўзлаштирилишининг илк босқичида инсон онгида дастлаб алоҳида олинган предметнинг образи, рамзи ҳосил бўлади, кейинги босқичда ушбу предметни инсон моддий фаолияти доирасида уни қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар схемаси юзага келади. Инсон фаолияти натижасида идрок этилаётган предмет ҳақидаги тушунчалар, тасаввурлар доираси ҳам кенгайиб боради ҳамда ушбу предметни бошқа предметлар билан қиёслаш, улар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш эҳтиёжи туғилади. Бу хилдаги тизимий боғлиқликларни аниқлаш асосида юзага келадиган янада умумлашган образлар, ҳаракат дастурлари лисоний хотира шаклланиши учун муҳимдир. Чунки хотира тартибли, тизимли тафаккур қурилмасидир, шу сабабли концептуал идрок ҳам тизимли равишда кечиб, унинг натижасида пайдо бўладиган умумлашган ва маълум даражада мавҳумлашган *лисоний ҳаракат дастурлари* ҳам тизимлашган бўлади. Шу сабабли лисоний хотира нафақат тил бирликлари ва категориялари ҳақидаги ахборотни сақловчи психик тузилма, балки нутқий фаолият учун зарур бўлган ушбу турдаги ахборотни тезда топиш, қўллаш имконини яратувчи манба ҳамдир. Лисоний хотира негизини «ички лексикон» яъни хотирадаги луғат заҳираси ташкил этади. Е.С.Кубрякованинг таъбирича, «ички лексикон маълум шароитда зарур бўлган бирликни излаб топиш имконини таъминловчи мажмуавий «омбор» бўлишдан кўра, кўпроқ ҳаракатдаги тизим бўлиб, бу тизимда ҳар бир бирликнинг фаоллашув имкониятлари, улар қўлланилишининг прагматик, семантик ва формал кўрсаткичлари қайд қилинган» (Кубрякова 1991: 18).

Танлов кўрсаткичларидан фойдаланиш услублари турли хил бўлиб, уларнинг қўлланиши лисоний ва нолисоний факторлар билан белгиланади. Булар орасида энг кенг кўламда қўлланиладигани *аналогия услубидир*. Ушбу услуб намуналар ва қолиплар асосида янги лисоний номлаш бирликлари ясаш ҳамда улардан нутқий фаолиятда фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, воқеликни идрок этиш жараёнида вужудга келган концептни олдиндан лисоний заҳирада мавжуд бўлган бирликлар ёрдамида ифодалаш ҳам мумкин. Қандай бўлмасин, қайси услуб қўлланилишидан қатъий назар, концептнинг лисоний воқеланиши *нутқий тафаккур фаолияти* маҳсули сифатида намоён бўлади. Зеро, инсоннинг лисоний қобилияти хотира билан боғлиқдир. Хотирада луғавий заҳирадан ташқари, ушбу заҳирадан фойдаланишга оид кўрсатмалар ҳам сақланади ва бу кўрсатмалар нутқий фаолиятнинг кўнгилдагидек кўчишига имкон беради, тил бирликларининг ўз ўрнида, рисоладагидек қўлланишини таъминлайди.

Концептнинг лисоний воқеланиш жараёни, унинг табиати ва уни ҳаракатга келтирувчи механизмлар ҳақида гапираётиб, Н.Хомскийнинг нутқий фаолият ва лисоний ижодни таъминловчи ботиний ва зоҳирий структуралар ҳақидаги фикрини яна бир карра эсламасликнинг иложи йўқ. Ушбу ғоя ботиний структуранинг зоҳирий тузилмага ўтишини фақатгина формал жиҳатдан таҳлил қилинишига йўл қўйганлиги ва натижада шакл мазмун (семантика) дан устун бўлиб қолганлиги айблови билан узлуксиз танқидга учраб келаётганига қарамасдан, когнитив тилшунослик учун анча муҳимдир. Н.Хомский тилшуносликда биринчилар қаторида (худди буни психологияда Л.С.Виготский бажарганидек) нутқ ижоди фаолияти бевосита ментал тузилмаларнинг «ташқи», яъни лисоний тузилмаларга кўчиши жараёнидан иборат, деган ғояни ўртага ташлади ва бу ғояни нутқ ижоди фаолияти таркибида базис (таянч) ҳамда натижа босқичларини фарқлаш билан исботлашга ҳаракат қилди. Н.Хомскийнинг тилшуносликдаги энг катта хизмати сифатида тан олинган ушбу ғоя психологларнинг ахборот инсон миясининг турли қобиқларида кўп босқичли «қайта ишловдан» ўтиши ҳақидаги

фикрларига (Прибрам 1975) қанчалик мос келишига эътибор берайлик.

Тилшунос учун энг муҳими тафаккур бирлиги бўлган концептнинг тилда (аниқроғи нутқда) акс этишини таъминловчи структуралар, ҳаракатлар, қоидаларни аниқлашдир. Бу вазифа яна тафаккур жараёни, ташқи дунё идроки ҳаракатлари қандай шаклда ва қайси воситалар кўлланишида кечишини билиш масаласига бориб тақалади. Замонавий фалсафа ва тилшуносликда (айниқса, когнитологияда) ментал ва нутқий ҳаракатлар бир хил шаклда ижро этилиши, ўз навбатида, матн лисоний тафаккур фаолияти маҳсули бўлиши ахборот ғояси (яъни узатилиши ва қабул қилиниши) нуқтаи назаридан изоҳланмоқда. Дарҳақиқат, ахборот барча тирик мавжудотлар ҳаётининг тагзамини (пойдевори)дир.

Ахборот фаолияти тафаккур ва лисоннинг кесишиш майдони. Тафаккур воситасида инсон атроф-муҳит билан ўзаро муносабатга киришади, унинг воситасида воқелик образлари фарқланади, ҳиссиёт органлари ва мия томонидан қабул қилинаётган ахборот қайта ишланади ва амалий фаолиятга жалб этилади. Ахборот фаолиятини таминловчи ушбу жараён махсус белгилар қўлланиши ҳамда ахборотни рамзий шаклларда ифодаланиши билан бошқа тус олади. «Рамз (символ) инсон табиатини билишнинг калитидир» деб ёзган эди Э.Кассирер. Чунки инсон «сунъий воситасиз (яъни лисонсиз – Ш.С.) ҳеч нарсани кўра ва била олмайди» (Кассирер 1988: 26;29). Худди шу йўсиндаги фикрни Э.Бенвинист мулоҳазаларида ҳам илғаш мумкин: «инсон борлигининг энг асосий ва балки энг муҳим хусусиятларидан бири инсоннинг на бошқа бир шахс, на дунёвий воқелик билан тўғридан-тўғри, бевосита ва табиий муносабати бўлмаслигидадир. Доимо воситачи – тил ва тафаккурни ҳозир қилувчи рамзий тузилма даркор. … рамзийлаштириш қобилияти инсонга хос бўлган қобилиятларнинг асосийсидир» (Бенвенист 1974: 31). Муаллифнинг фикрича, воқелик предмет – ҳодисаларини воситачилик вазифасини ўтаётган белгилар, рамзлар орқали онгда идрок қилиш ва лисоний тақдим қилиш тафаккур юритиш фаолиятининг асосини ташкил қилади, зеро,

«тафаккур – нарсалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва ушбу тасаввур воситасида фаолият кўрсатишдан бошқа нарса эмас» (Ўша асар, 29-б).

Инсон тафаккури ва, умуман, маданиятининг рамзли талқини унга ҳақиқатан ҳам хос бўлган хусусиятга асосланади, аммо инсонни фақатгина лисоний шакллар «асири»га айлантириб қўйиш ва шу йўсинда барча турдаги ментал фаолият намуналарини лисоний белги воситачилигига боғлаб қўйиш нечоғлик ҳақиқатга яқин келаркин? Бу инсоннинг билиш қобилиятини агностик нуқтаи назардан (яъни билиш ҳақиқатга интилмайди деган ақида билан) талқин қилишга олиб келмасмикан?

Бу гумонимиз бежиз эмас. Зотан, замонамизнинг таниқли антропотилшуносларидан бири бўлган Ю.Н.Караулов кўпчилик томонидан (айниқса, систем-структур тилшуносликда) илгари сурилган «тил – белгилар тизимидир» деган тезиснинг абсолют ҳақиқат сифатида қабул қилиш имконининг йўқлигини исботламоқчи бўлади. Олим бошқа муаллифларнинг тафаккур категорияларининг бевосита, тўғридан-тўғри матнда ифодаланиши ҳақидаги фикрларига ҳамда психосемантика доирасида «маъноларнинг индивидуал тизимини» қайта тиклаш йўли билан инсоннинг ташқи оламни билиш қобилиятини аниқлаш мумкинлиги тўғрисидаги фаразларига (қаранг: Петренко 1997) қарши чиқади. Унинг эътирофича, семантика ва гносеология (маъно ва уни билиш) бир-бири билан билвосита боғланади, аниқроғи, улар ўртасида *оралиқ босқич* бор. Бу босқичда образ, гештальт, фрейм, пропозиция, формула каби намунавий бирликлар (улар ҳақида кейинги саҳифаларда тўхталамиз – Ш.С.) юзага келади. Энг асосийси, айнан шу босқичда «оралиқ тили» фаолият кўрсатади. *Оралиқ тили*, Ю.Н.Карауловнинг таърифича, интеллектуал фаолият ва унинг лисоний воқеланиши жараёнида юзага келади ва «товушли, ташқи нутқ ва мия (онг)нинг ўзига хос тили оралиғидан ўрин олади» (Караулов 1987: 184). Оралиқ тилнинг яна бир хусусияти шундаки, у би биладиган кўринишдаги луғат таркибига эга эмас, шу сабабл оралиқ тилни моддий жиҳатдан фарқлаб бўлмайди ҳамда ушбу тилда битилган қандайдир бир «оралиқ» матннинг ўзи ҳам йўқ

Унда оралиқ тил қандай вазифани бажариши номаълум бўлиб қолмайдими?

Ю.Н.Караулов оралиқ тилнинг вазифасини унинг биологик, физик-кимёвий табиатга эга бўлган мия тили (яъни нейронлар муносабати тили) ва инсоннинг ҳақиқий тили (табиий тил – Ш.С) ўртасидаги воситачиликда кўради (Ўша асар 9-б). Соф маънода тафаккур тили сифатида эътироф этилаётган ушбу ҳодисанинг воситачилик вазифаси унинг тафаккурда ҳосил бўлган билимнинг лисоний мазмунга айланиш воситаси ролида хизмат қилишида кўринади. Бундан ташқари, оралиқ тили образлар воситасида мия ўнг яримшари ва ёркин лисоний ифода кучига эга бўлган чап яримшари фаолиятларини «ўзаро боғловчи қатлам» вазифасини ўтайди деган фараз ҳам мавжуд (Ўша асар 187-б).

Энг муҳими, Ю.Н.Караулов оралиқ тилнинг намунавий бирликларини семиотик белги хусусиятига эга эмас деб ҳисоблайди. Унингча, тафаккур фаолиятига нисбатан «белги(ли) воситалари» тушунчасининг қўлланиши нотўғридир: «Белги фақатгина оралиқ тилдан ташқи (табиий – Ш.С.) тилга ўтгандан сўнг ва фақатгина ижтимоий “либосга” киргандан сўнггина ўз шакли - зарбини олади, белгига айланади» (Ўша асар, 208-б).

Муҳокама қилинаётган муаммонинг қанчалик долзарб ва муҳимлиги ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Бу муаммонинг ечимини топиш когнитив тилшунослик тараққиёти учун ҳам муҳимдир. Жумладан, концепт лисоний воқеланиш жараёнининг таркибий қисмлари, алоҳида босқичларида юзага келадиган ҳаракатлар, уларни таъминловчи воситалар муносабатини аниқлаш ва илмий таҳлил қилиш бевосита *икки буюк наҳанг – тил ва тафаккур*ни боғловчи занжир қай йўсинда ўзаро бирикишини билиш билан боғлиқ. Ушбу ҳодисалар моҳияти ва улар ўртасидаги муносабатнинг талқини озгина бўлса-да, нотўғри асосланса, чалкаш хулосалар шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бинобарин, Ю.Н.Карауловнинг тафаккур фаолияти белги кўринишидаги воситалардан холи эканлиги ҳақидаги фикри ҳақиқатдан бирмунча йироқдек кўринади. Белгини фақатгина зоҳирий нуткка хос ҳодиса сифатида баҳолаш белгининг функционал (вазифавий)

хусусиятларини инкор қилиш, уни фақатгина моддий мавжу ходиса сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ. Бу эса белг ходисасининг субстанционал талқини натижасидир.

Унутмайликки, белги ментал фаолиятнинг амали воситаларидан (аниқроғи– «воситачиси») бўла олмаслигин таъкидлаган Ю.Н.Карауловнинг ўзи ҳам оралиқ босқи бирликларининг воқеланиши лисоннинг белгилар тизим билан бўлган алокаси орқали амалга ошишини эътироф этади «Бу бирликлар ана шу алоқаларсиз изсиз йўқоладила (воқеланмайдилар), ҳеч бўлмаганда, қисман лисони воқеланмаган яъни белги олмаган фикр қочади ва қайт тикланмайди, такрорланмайди» (Караулов 1987: 208).

Ҳақиқатан ҳам тафаккур жараёни ва лисоний фаолия бевосита йўналтирилган ахборот фаолиятининг (уни жамлаш сақлаш, узатиш ва қабул қилиш) лисоний ва рамзий белгила тизими воситасисиз амалга ошиши мумкинлигига ишони қийин. Белги ўз-ўзидан ахборотни ярата олмайди, у фақатгин воқеликнинг ҳали лисонгача бўлган тасаввур образига шак беради ва шу йўсинда ахборотни таркиблаштириб, тартиб солади ҳамда тақдимотга тайёрлайди. Шу ўринда Гегелни сўзларини эслатмоқчимиз: «Материя ҳақидаги фикр, сўзси шакл тамойилини талаб қилади ва шу сабабли биз ҳеч қаер амалда шаклсиз материяни учратмаймиз» (Гегель 1974: 293 Шундай қилиб, белги инсон тафаккур фаолиятин тизимлаштириш учун хизмат қилади. Тафаккур ва мулоқ қисман инсондан бошқа мавжудотларга ҳам хос бўлиш мумкин, аммо тўпланган тажрибани рамзийлаштириш, ун қайта ишлаш ва ундан ижтимоий мақсадда фойдаланиш махсус восита-белгиларни қўллаш фақатгина инсонга хо хусусиятдир. Шундай экан, белгилар тизимини оддий жамла сифатида тасаввур қилмаслик лозим. Ушбу тизим инсонни билиш фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Усиз концепту билим ва унинг доирасида юзага келадиган бирликлар тартиблаштириш, маълум таркибий қисмларга ажратиш гуруҳлаштиришнинг имконияти йўқ. Ушбу хусусиятлар аниқлаш учун концептлар турларини фарқлаш ва умум лисонгача бўлган бирликларнинг систем-структурав

кўрсаткичларининг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш лозимдир.

Тафаккур ва лисонни боғловчи «кўприк» бўлишини уқтирган ва мазкур вазифани ўтайдиган «оралиқ тил» мавжудлиги ҳақидаги илмий фаразни таклиф қилган олим Ю.Н.Караулов ушбу «тил»нинг структураси, тузилиши ҳақида савол туғилиши мумкинлигини ҳам унутмайди. Табиийки, ҳар қандай структуравий тузилма ўз таркибий қурилишига, қисмлар ва бўлаклар боғланишини таъминловчи муносабатлар тизимига эга бўлиши керак. Бу шартлар бажарилмаган тақдирда тизимлилик хусусияти ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин *концептуал босқич* (концепт юзага келиши ва лисоний воқеланишга тайёргарлик жараёнини шу хилда аташ маъқулроқ.) бирликларини фарқлаш ва уларнинг систем-структуравий муносабатларини ёритиш анча мушкул вазифа. Тадқиқотчи бу ерда мантиқий, методологик қийинчиликларга дуч келиши, ушбу материал тадқиқига мос келадиган таҳлил методларини танлашда қийналиши ҳам табиийдир. Дарҳақиқат, мутахассислар (тилшунос ва психолингвистлар) оралиқ босқичда юзага келадиган ходисаларнинг фақатгина индивидуал хусусиятларини эътироф этишаётган бир ҳолда, уларни ўзаро фарқлаш ва тизимлаштириш ҳақида ўйлаш мумкинми?

Бир гуруҳ психолингвистлар қўйилган муаммо билан шуғулланишнинг ўзи истиқболсиз машғулот эканлигини ва у ҳеч қандай илмий натижага олиб келмаслигини таъкидлашга ҳаракат қилишди (Қаранг: Исследование речевого мышления в психолингвистике. -М.: Наука. 1985: 68). Бундай гумоннинг пайдо бўлиш сабаби, биринчидан, структуравий бирлик сифатида фақатгина белги либосидаги бирликларнинг қаралишида бўлса, иккинчидан, ушбу бирликларнинг хусусиятларини аниқлашда интроспектив метод қўлланишини ягона йўл сифатида эътироф этилишидадир. Интроспектив метод ўз-ўзини кузатиш тажрибасига асосланган тадқиқот методидир. Ушбу методнинг психология учун муҳим ва самарадор эканлигини инкор этмоқчи эмасман. Аммо тилшунослик фанида инроспектив ёндашув ҳар доим ҳам ўзини оқлай олмаслиги маълумдир. Сўзсиз, воқеликни идрок

этиш жараёнида юзага келадиган бирликларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш ниятининг ўзи бесамар мақсаддир. Бу жараёнда ҳосил бўладиган бирликларнинг сони, худди ташқи дунё предмет - ҳодисаларининг миқдоридек чексиз. Бунинг устига, бу бирликларни ва «оралиқ тил» заҳирасидаги воситаларни бевосита кузатиш қийин вазифадир. Оралиқ босқич бирликларини «қайта тиклаш» лозим бўлади ва шундагина уларни тадқиқ қилиш мумкин. Лекин ушбу қийинчиликлар бу босқичга оид ҳодисалар тартибсиз, уларни тизимлаштириш ва таркиб-структура жиҳатидан ўрганишнинг имкони йўқ деган хулосага олиб келмаслиги керак.

Табиий тил қурилишининг систем-структур таҳлил услубларини олиб кўрсак, аслида бу ўринда ҳам тадқиқотчи «қайта тиклаш» ҳаракатини бажаришга мажбур. Ахир бу ўринда ҳам тилшунос оғзаки нутқ (ёки унинг матндаги акси) фактларига таянган ҳолда бевосита кузатилмайдиган тил тизими ҳақида фикр юритади ва илмий хулосалар чиқаради-ку?! Шундай экан, оралиқ ёки концептуал босқич бирликларини ҳам турларга ажратиш, гуруҳлаш, умумлаштириш имкони бор. Гап фақатгина ушбу тизимлаштириш ҳаракатини қандай методологик нуқтаи назардан ва қайси услуб асосида бажаришда. Ю.Н.Караулов бу вазифани ўртача намуналарга яқинлаштириш ҳамда меъёрий кўрсаткичларни аниқлаш ва умумлаштириш йўли билан бажаришни таклиф қилади. Бундай йўл математикада, масалан, ушбу мантиқий ҳаракатларнинг эркин ассоциацияларни ўртачалаштириш (намунага яқинлаштириш) ва ассоциатив меъёрларни аниқлашда қўл келганлиги маълум (Караулов 1987: 188). Шундай экан, меъёрлаштириш ва мантиқий намуналарга таяниш услубларини концептуал бирликларни ажратиш, ўзаро фарқлаш ва уларнинг тизимдаги муносабатларини ўрганиш мақсадида ҳам қўллаш мумкин.

Айтиш жоизки, ушбу босқичга оид бирликларнинг турлари ва уларнинг гуруҳлари ҳақида турли таклифлар берилмоқда. Ана шундай таклифлардан бири Ю.Н.Карауловнинг юқорида бир неча бор эслатилган рисоласида келтирилган. Ушбу асарда оралиқ тил бирликлари қаторига «образ», «гештальт», «схема», «фрейм»,

«пропозиция», «картина», «символ», «формула», «диаграмма», «сўз» кабилар киритилган (Караулов 1987: 189-210). Бошқа муаллифлар эса хотирада эгалланган билимнинг акс топишини ифодаловчи тузилмалар қаторини «скрипт», «сценарий» (Rumelhart 1975), «когнитив модел» (Fillmore 1977), «ментал модел» (Johnson – Laird 1983), «ситуация модели» (ван Дейк 1989) кабиларни киритиб бойитишади. Ушбу структуравий бирликлар қанчалик бир-бирларидан фарқ қилишларига қарамасдан, умумий бир хусусиятга эгадирлар. Улар хафизада тўпланган ва сақланаётган ахборот қисмларини сақловчи «қутича»лардир.

Ушбу «қутича»ларнинг таркиби ва иш фаолияти хотира фаолияти билан боғлиқ. Хотирада мавжуд бўлган билим заҳираси янгидан идрок қилинаётган воқеликни ментал «қайта ишланиши»да муҳим рол ўйнади. Янги воқелик эскиси билан киёсланади, янги билим мавжуд бўлган билим асосида юзага келади. Бу ўринда олдинги тажрибани қўллаш асосида шаклланадиган билим концептуал қурилмаларнинг умумлашган тузилишга эга эканлигидан далолат беради. Олдинги тажрибанинг фаоллашуви идрок шахсининг фаол ҳаракати асосида юзага келади. Борлиқни биз ўз қизиқишимиз, эҳтиёжимиз доирасида қабул қиламиз. Севишган оламга эҳтиросли кўзлар билан боқса, оч қолган одам егулик излайди, унинг учун нон, гўшт, узум муқобил, чунки уларнинг барчаси ҳаётликни қондира олади. Архитектор ва дин ҳомийси учун меъморий ёдкорликлар бир хил мазмунни касб этмайди. Архитектор, масалан, Шердор ва Бибихоним ёдгорлик биноларини қурилиш услуби, нақшлари, сақланиши ва қайта тикланиши жиҳатидан баҳоласа, дин ҳомийси уларнинг ибодат ёки таълим маскани бўлишига эътибор қаратади. Натижада, инсоннинг идрок фаолияти жараёнида (унинг қизиқиши ва эҳтиёжига нисбатан) предмет ва ҳодисаларнинг идрокий (тушунчавий) умумлаштирилиши юзага келади» (Хофман 1986: 63) ҳамда «овқат», «дарахт», «дарё», «бино», «мадраса» каби тушунчалар ҳосил бўлади.

Воқеликни қисмларга ажратиш ва умумлаштириб идрок этиш фақатгина инсонга ато қилинган қобилиятдир. Оллоҳ бандасига бу қобилиятни туҳфа қилмаганда, одамзот

ахборотлар баҳрида чўкиб кетган бўлар эди. Фақатгина кўрсатилган когнитив қобилиятгина учраётган янги объектлар, ҳодисаларни олдинги тажрибага таянган ҳолда қабул қилиш имконини беради. Чўпон учун сурувдаги ҳар бир қўй ҳиссий жиҳатдан ҳар хил бўлиши мумкин, лекин у уларни гуруҳларга ажратиш ҳамда «қўчқор», «совлиқ», «панжи», «чори» сифатида таснифлаш имконига эга. Айнан умумлаштириш қобилияти ва ҳаракати ахборотни ихчамлаштириш, иккинчи даражали маълумот берувчи белги, хусусиятларни инкор этиш ҳамда концепт структурасини шакллантириш учун муҳим томонларни танлаш имконини яратади. Олмон психологи Ф.Клекс ва унинг шогирди И.Хофман қайдича, «ташқи оламнинг идроки жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва у билан муносабатдаги ноқулайликларни камайтириш истаги тушунчалар асосида таснифлаш тизимининг шаклланишидек ютуққа сабаб бўлди» (Хофман 1986: 63-64). Тушунча ва концептлар воқелик ҳақидаги билимни тизимлаштириш билан бир қаторда, ушбу билим маълум *қолиплар асосида шаклланишини* исботлаш қудратига эга.

Воқеликдаги ҳодиса ва ҳолатлар такрорланиши, бир-бирига мос ҳолда кечиши уларнинг стандарт – намунавий бир хил мақомдаги кўринишга эга бўлишини тақоза этади ҳамда билиш ҳам айнан шунга монанд стереотип (бир хил қолипда) шакл олади. Бу турдаги билим ёритилаётган ҳолатни ҳамда у ҳақидаги ахборотни тўлиқ тиклаш ва тасвирлаш имконини беради. Қолиплашган билимни тавсифлаш учун турли моделларга мурожаат қилинаётганлигини олдинги саҳифаларда таъкидлаган эдим. Навбатдаги саҳифаларда улардан айримларининг хусусиятларини ёритиш (қисман бўлса-да) ниятидаман.

СЦЕНАРИЙ

Сценарий бирор бир типик ҳодисага хос ўзаро боғлиқ фактларнинг уларнинг узвийлигини акс эттирувчи намунавий шакл мисолида ёритилишидир. Ушбу намунавий структура маълум воқелик бўлагига оид ҳаракатлар, ҳолатлар узвий муносабатларидан иборат (масалан, ресторанда тушлик, дарс жараёни, институтга қабул, музей зиёрати ва ҳоказо).

Сценарий (scenarios) тушунчасини когнитологияга оид тадқиқотлар доирасига биринчилардан бўлиб сунъий интеллект бўйича мутахассислар Р.Шенк ва Р.Абельсонлар киритишган (Schank et al. 1975) ва уларнинг талқинича, ушбу тушунча воқеалар кетма-кетлигини, уларнинг ўзаро боғланишини кўрсатиш учун зарур. Ҳар бир сценарий таркибида *слотлар* (кичик мазмундаги қисмлар) ажратилади ва бу слотларда воқеа иштирокчиларининг роли, мақсади кабилар ўз аксини топади.

«Озиқ-овқат дўкони» сценарийси тақдимига мисол келтирамиз:

Сценарий: дўкон

Роллар: мижоз, сотувчи, хазиначи.

Мақсад: озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун дўконга бориш.

1-саҳна: дўконга кириш:
Маҳсулотларни кўздан кечириш,
Маҳсулотлар нархи билан танишиш,
Сотувчи билан маслаҳатлашиш,
Маҳсулотларни танлаш.

2-саҳна: танланган маҳсулотларни аравачага солиш, хазиначи томон юриш.

3-саҳна: хазиначидан ҳисоб-китобни сўраш,
Пулни тўлаш,
Чекни олиш,
Дўкондан чиқиб кетиш.

Кўриниб турибдики, ҳар бир ҳаракат бир-бири билан сабаб боғланишига эга, яъни олдинги ҳаракат кейингисига шарт-шароит тайёрлайди.

Одатда, компьютер тилшунослигида сценарийларга ажратиш услуби асосан матн қурилиши таҳлилида қўлланилади. Сценарий таркибидаги «саҳна» - атроф - муҳит, воқеликнинг алоҳида бир қисми. Бир пайтнинг ўзида қабул қилинаётган ахборотнинг миқдори чегараланган бўлиши керак. Бу ҳиссиёт ва идрок органларининг имконияти ва талабидир. Акс ҳолда, инсон ўз диққатини алоҳида бир объектга йўналтира олмайди, паришонхотирлик юзага келади. Алоҳида диққат пайтида юзага келадиган образ кечаётган воқеликнинг маълум бир саҳнаси учун асос бўлади. Ажратилаётган ҳар бир саҳна («дўконга кириш», «маҳсулот танлаш», «ҳисоб-китоб» кабилар) умумлашган когнитив структуралар (сценарий, скрипт, концепт кабилар) учун ўзига хос «қурилиш материали» вазифасини ўтайди. Айни пайтда, ҳаракатдаги воқелик бўлагини ифодаловчи саҳна, концепт шаклланишида иштирок этиши билан биргаликда, ўзи ҳам ушбу иштирок жараёнида умумлашаверади ва когнитив бирлик даражасига кўтарилади. Санкт-Петербург давлат педагогика университети «Нутқ статистикаси» лабораториясининг профессори В.Я.Шабес кичик когнитив бирликлар образ, сцена ҳамда концепт ҳодисалари ўртасидаги муносабатларнинг диалектик хусусиятини қуйидагича таърифлайди: «Агар образ нисбатан яккалик, ноёблик хусусиятига ҳамда бевосита саҳна билан боғлиқлик хусусиятига эга бўлса, концепт тўлиқ бир образлар синфининг умумий ва муҳим хусусиятларининг умумий мажмуасидир» (Шабес 1989: 18). Бу эса хусусийлик ва конкретликнинг умумийлик ва мавҳумликка бўлган муносабатига ўхшайди.

Воқеаларнинг тафаккурдаги идроки шаклини акс эттирувчи концептнинг сценарий тузилишини қолиплаштиришда бажарилаётган ҳаракат *структуравий марказ* вазифасини ўтайди. Ёритилаётган воқеликнинг бошқа бўлаклари ушбу марказ билан мақсадли муносабатлар асосида боғланадилар. Муносабатларнинг мақсад ва мазмундаги фарқига нисбатан воқеа тузилмаси бўлакларининг семантик

ролларни фарқланади. Ж.Филлморнинг қайд этишича, семантик ролллар (semantic roles) кечаётган воқеа сценарийсининг хотирада акс этган структурасидир (Fillmore 1968). У actor (актёр – ҳаракат субъекти), recipient (реципиент–ҳаракатни қабул қилувчи), instrument (инструмент – восита - ҳаракат қуроли), objekt (объект – ҳаракат объекти), reason (сабаб), aim (мақсад), place (макон), time (замон) каби 8 турдаги семантик ролни фарқлашни таклиф қилади.

Кейинчалик, семантик ролларни номлаш ва уларнинг сони ҳақида турлича фикрлар билдирилиб (масалан, П. Линдсей ва Д. Норман уларнинг сонини 11 тага етказишди: Линдсей, Норман 1974), ҳар бир муносабатнинг юзага келиши ҳамда ментал тузилмаларда тутган ўрнини ўрганишнинг лисоний тафаккурнинг психологик мантиқий асосларини ёритишда муҳимлиги эътироф этиб келинмоқда (Қаранг: Кубрякова, Панкрац 1985; Сафаров 1983). Когнитив тилшунослик йўналишининг асосчиларидан бири Рональд Ланкагер (Lancager, 1991) семантик роллар мажмуасини role archectures – роллар намунаси тўплами сифатида қарашни таклиф қилади. Унингча, роллар лисоний ҳодиса бўлишдан кўра, кўпроқ когнитив моҳиятдаги воситадир. Бу намуналар бизнинг воқелик билан мулоқотимиз натижасида ҳосил бўладиган тажриба асосида юзага келади. Тажрибадан маълумки, биз шахслар ва предметларни ҳаракатга ундай оламиз (ҳаракат агенти – бажарувчиси), шунингдек, предметлар ташқи куч таъсирида ўз ҳолати, ўрнини ўзгартириши мумкин (пациент – иштирокчи) ва ҳоказо. Намунавий роллар, худди барча когнитив категориялар сингари, яққол фарқланиб турадиган категориялар қаторига кирмайдилар. Уларни тадрижий ҳодисалар қаторига киритиш маъқулроқ. Бу категорияларни Р.Ланкагер айтганидек, «санъат шундайлар ҳайкаллар қаторига ўхшатмасдан, балки тоғнинг энг баланд чўққисига ўхшатиш лозим» (Lancager 1991: 285).

Ҳар ҳолда намунавий когнитив структураларнинг барчаси, катта ёки кичиклигидан қатъий назар, хотирада жамланган ахборотни мақсадли намоён қилиш вазифасини ўтайдилар. Улар тизимида билиш ҳаракатларининг кетма-кетлиги, ахборотнинг тизимий хусусиятлари ўз аксини топади.

СКРИПТ

Скрипт (инглизча script сўзининг туб маъноси «қўлёзма, ёзув») намунавий концептуал тузилмаларнинг бир тури сифатида қаралиб, у инсон тафаккурида акс этаётган борликдаги воқеларнинг меъёрий кетма-кетлиги намунасидир. Скрипт таркибий тузилиши жиҳатидан сценарийга жуда ҳам яқин туради, ҳатто айрим ҳолларда уни тўлиғича такрорлайди. Скрипт таркибига кирувчи воқеаларнинг сабаб-оқибат муносабатлари асосида, тизимий боғланиши, кетма-кетлиги ҳамда ушбу воқеаларнинг стереотип такрорланувчанлик хусусияти унинг асосий тавсифий белгиси сифатида қаралади (Shank and Abelson. 1977).

Психологлар скрипт тушунчасини «хотира атамалари» қаторига киритадилар, бу ҳолда ушбу тушунча узоқ муддатли хотирада сақланаётган билим ҳамда олдиндан жамланган билим ёрдамида бирор ҳодисани тушуниш, англашни таъминловчи билиш қуролини англатади. Скриптларнинг катта қисми болалик давриданоқ, яъни ҳаёт жараёнида, ўзгалар ҳатти - ҳаракати, воқеликни кузатиш натижасида туғиладиган тажриба ва кечинмалар заминида шаклланади. Инсоннинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик тез ва аниқ, алоҳида ҳаракат ва таассуротларни маълум ментал тузилмалар, шарт-шароитлар билан боғлай олади. Демак, инсон воқеликдаги предмет-ҳодисаларни идрок этиш жараёнида ўз шахсий концептуал тузилмаларини идрок этилаётган предмет ва муносабатларга кўчиришга ҳаракат қилади (Seleawk. 1982).

Скриптлар тузилиш ва таркибий қисмлари жойлашув тартибидаги фарқларига нисбатан оддий ва мураккаб таркибли бўлиши мумкин. Охирги турдагиларини «макроскриптлар» деб аташади.

«Макроскрипт» бир неча оддий скриптларнинг воқеалар кетма-кетлиги тартибига мос равишда бирикишидан ташкил топади. Масалан, «тўй» макроскрипти «совчи бориши», «тўй маслаҳати», «тўй тайёргарлиги», «никоҳ ўқилиши», «тўй дастурхонини тайёрлаш», «меҳмонлар келиши», «никоҳ

гувоҳномасини тошириш» каби қатор оддий скриптларни қамраб олади. Аммо макроскрипт шаклланиши учун ҳодисаларнинг хронологик кетма-кетлиги доимо талаб қилинадиган шарт эмас. Масалан, «уруш» макроскрипти «армия», «ҳужум», «ғалаба», «мағлубият» каби микроскриптлар бирикишидан иборат.

Скриптнинг семантик хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уни Е.Рош талқинидаги «прототип» тушунчаси билан қиёслаш мумкин. Ушбу назария доирасида ахборотнинг субъекти онгида таркиб топиши фарқловчи ва умумлаштирувчи белгиларнинг кичик тўпламчаларининг ўзаро муносабатга киришувидан иборат деб таърифланади. Демак, скрипт бевосита, маълум лексик бирлик воситасида инсон онгида «уйғотиладиган» семантик ахборот тўпламидан ҳосил бўлади (Rosch. 1975).

Масалан, «Doctor» (доктор) скрипти қуйидаги семантик ахборот тўпламидан иборат:

- Subject (+ Human) (+ Adult)
- Субъект (+ шахс) (+ катта ёшда)
- Actvity : Study medicine
- Фаолият: тиббиётни ўрганиш
- Recieve patients: patients come
- Беморларни қабул қилиш: беморлар келишади
- doctor listens to complaints
- доктор бемор шикоятларини эшитади.
- doktor examins the patients, etc
- доктор беморларни кўрикдан ўтказади ва ҳоказо.

Place: Medical school
Макон: тиббиёт институти
Hospital at the doctors office
Касалхона ёки хусусий қабулхона
Time: Every day; Many years
Замон: Ҳар куни; кўп йиллар давомида

Шундай қилиб, ҳар бир шахснинг лисоний заҳираси турли алоқалар воситасида боғланган скриптлар тўпламидан иборат. Бу тўпламни тил соҳибларининг ҳаётий билимларини акс эттирувчи «семантик тўр» сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Кўриниб турибдики, «скрипт» ва «сценарий» тушунчалари ўзаро боғлиқ ва мундарижавий яқинликка эга. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ментал ва лисоний ҳаракатлар ҳамоҳанглигида юзага келишади, таянч луғавий бирликлар инсон онгида турли мавзудаги ментал тузилмалар – сценарий, скрипт, схема, фрейм кабиларни пайдо қилишда хизмат қилишади. Оралиқ босқичда ҳосил бўладиган концептуал тизим бирликлари ҳақида нисбатан тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун фрейм, пропозиция ва гештальт ҳодисалари таснифига ҳам бир оз бўлса-да, тўхталиш лозим бўлади.

ФРЕЙМ

Лисоний фаолият когнитив таҳлил назариясининг таянч тушунчалари бўлган ахборотни жамлаш ва қайта ишлаш, билим заҳираси, когнитив қолип, концептуал тизим кабилар эвазига айтиб ўтилди. Ушбу тушунчалар ўзаро муносабатда, зеро, улардан бири амалга ошиши учун иккинчиси шаклланган бўлиши керак. Дарҳақиқат, билимни жамлаш ва сақлаш учун ўзлаштирилган билим когнитив қолипга биноан ихчамлаштирилиши зарур. Когнитив қолиплар (концепт, образ) бўйича билимни ихчамлаштириш учун шу концептуал тизим бирликлари (фрейм, скрипт, сценарий, гештальт кабилар) тушини олмоги даркор.

Лисоний белгининг маълум маънога эга бўлиши белгининг воқелик билан тўғридан-тўғри муносабатда эвазигида эмас, балки белгининг шакл олиши ва мазмуни лисоннинг фаолият тажрибаси билан боғлиқ (Кравченко 1990). Лисоннинг ҳар қандай ахборотни эгаллаши бевосита унинг хотирасида сақланаётган олдинги тажрибаси ва билими доираси миқёсида амалга ошади. Ҳар бир инсон хотирасида маълум миқдордаги билимлар структураси заҳираси сақланади ва айнан шу заҳира ахборотни қабул қилиб идрок этиш асосида ролини ўтайди. Бошқача айтганда, ҳар бир шахс онгида «фреймлар тўри тўплами» мавжудким, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги «андоза»лар асосида амалга ошишини таъминлайди.

Фрейм худди шу гуруҳдаги андозали структуралар категориясига киради. «Фрейм» (Frame) тушунчасининг илмий қўлланишга киритилиши компьютерни дунёвий билим концептлари билан таъминлаш ва сунъий интеллект назариясини ривожлантириш борасидаги интилишлар билан боғлиқ. Компьютер билимлари бўйича мутахассис Марвин Минский фреймни «андозали воқелик ҳолатини акс эттирувчи ахборот структураси» деб таърифлайди (Minsky 1975: 212; Минский 1979). «Фрейм» тушунчасини тилшуносликка биринчилардан бўлиб Ч.Филмор тадбиқ этди (Fillmore 1985; Филлмор 1988). Аммо олдинги тажрибанинг янги ахборотни

қабул қилиш ва идрок этишдаги ролини махсус ўрганган психолог Ф.Бартлетт ушбу фаолият «билишнинг стереотип намуналари ҳамда маълум ижтимоий гуруҳ учун хос бўлган нормалар (меъёрлар)» замирида кечишини таъкидлаган (Қаранг: Величковский 1982: 42). Ф.Бартлетт фикрича, инсон ҳар қандай ахборотни қабул қилишда олдиндан тайёр структуралардан фойдаланади ва ушбу андозавий тузилмалар ахборотни эслаб қолиш, хотирада сақлаш вазифасини осонлаштиради. Бундан ташқари, фреймга монанд бўлган схема назариясига асос солиниши хотирада из қолдирган олдинги тажрибанинг янги ахборотни қандай йўл билан фаол идрок этилишига таъсир кўрсатиши масаласини ойдинлаштиришга имкон беради.

Тилшунос Ч.Филмор талқинида «фрейм» тушунчаси анча тор маъно касб этади. Унинг талқинича, фрейм тажрибани андозага солувчи когнитив тузилма бўлиб, ушбу тузилма лисоний бирликлар воситасида шаклланади ҳамда концептнинг негизини ташкил қилади.

Чарльз Филлмор фрейм тушунчасини изоҳлаш учун келтирган айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Бинобарин, «commercial event» (савдо воқеаси) деб ном олган фреймни олайлик. Ушбу фреймда акс этадиган воқеа инглизча buy «харид қилмоқ» фрейми қўлланиши билан тасвирланади. Дастлаб «А» шахснинг пули бор, бошқа бир шахс «В» да сотиладиган мол (товар) бор. Нарх келишилгандан сўнг «А» пулни «В» га тўлайди ва керакли молни сотиб олади. Воқеанинг якунида «А» харид қилинган товарнинг эгасига айланади. «В» эса – пулнинг эгаси. Айрим йўл-йўлакай учрайдиган ҳолатларни четлаб айтиш мумкинки, BUY «харид қилмоқ» категорияси камида яна тўрт категория билан боғланади. Булар BUYER «харидор», SELLER «сотувчи», GOODS «товар, мол» ва MONEY «пул». Айнан шу категориялар боғлиқлиги BUY «харид қилмоқ» фреймини ташкил этади (Fillmore 1977: 104):

BUY «харид қилмоқ»



Шакл - 2

Шаклдан кўриниб турибдики, фрейм тил тизимида акс топишдан кўра кўпроқ лисоний бирликлар воситасида вужудга келмоқда. Аслида, тескариси бўлиши керак: тафаккур фаолияти жараёнида шаклланган барча турдаги ментал бирликлар (шу жумладан, сценарий, скрипт, фрейм, пропозиция, гештальт каби тузилмалар ҳам) онг «қарамоғи» да бўлади, хотирада сақланади. Негизида андозали ментал тузилма ётган концептнинг лисоний «либос кийиши» фақатгина ботинийликдан зоҳирийликка кўчиш маҳсулидир. Аммо зоҳирий ва ботиний ҳолатларни бир-биридан кескин ажратиш мумкинмикан? Бундай ажратиш қандай оқибатларга олиб келишини биз генератив грамматика тажрибасида яққол кўрдик. Н.Хомский ва унинг издошлари томонидан тарғиб қилиниб келинаётган «ички» ва «ташқи» структураларнинг варама - қарши ҳаракати шу пайтгача бирор аниқ самара бергани йўқ. Фрейм ва бошқа турдош ментал тузилмаларнинг шакл топишидаги лисоний таъсир ҳукмронлиги табиий ҳолатдир. Зеро, воқеликнинг онгда акс этиши бевосита кўриш ҳам (кўриш, сезиш орқали предмет – ҳодисанинг рамзи, образи ҳосил бўлиши), лекин фикр юритиш орқали идрок қилиш ва концепт шаклланиши албатта воситани талаб қилади. Бошқача айтганда, тафаккур фаолияти рамзлар, белгиларсиз кечиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Тўғри, тафаккурнинг белгили воситаси ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин (масалан, санъат ходимлари, техника бўйича мутахассислар ҳар доим лисоний белгилардан фойдаланиш-

лари шарт эмас). Лекин тафаккурни «яланғочлаб» бўлмайди, бу муқаддас ҳодиса, доимо либосда бўлиши керак. Шу сабабли биз ментал тузилмалар таркибини ва ҳатто уларнинг мазмун-мундарижасини ҳам тасаввур қилишда беихтиёр лисонга, унинг белгили воситаларига мурожаат қиламиз. Бу билан мен тил ва тафаккурни айнилаштирмоқчи (икки ҳодисани бир нарса деб ҳисобламоқчи) эмасман, бу икки турдаги воқеликни чалкаштириш, уларнинг табиатига хос бўлган хусусиятларини инкор этишдан бошқа нарса эмас. Тил ва тафаккур ҳодисалари бир-бирини такрорламайди, улар олдинма–кейин ёки бири иккинчисини давом эттирадиган ҳодисалар эмас. Тушунча ва концептнинг шаклланиши, уларнинг лисоний воқеланиши билан ҳамоҳанг кечади ва лисоний моддийлашув «либос»ига эга бўлиши билан тугайди. Инсон онгида лисоний ном олиш ҳуқуқидан маҳрум ментал тузилмалар бўлмаганидек, бирор бир тушунча ёки концептни ифодалаш қудратига эга бўлмаган тил бирлигининг ўзи ҳам йўқ. Шунинг билан биргаликда, лисоний номлаш тизими ва ментал тузилмалар тизими тўлиқ изоморфлик (бир-бирини айнан такрорлаш, бир хиллик) хусусиятидан холи. Аммо тафаккур ва тил қанчалик мустақиллик, айрилик сифатига эга бўлмасин, бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалардир. Уларнинг инсонга оллоҳ томонидан инъом этилиши ҳам бир пайтда кечган бўлса керак ва оллоҳ бу инояти билан ягона бир мақсадни кўзлаган, шубҳасиз. Бу мақсад – homo sapiens билан чегараланиб қолмасдан, ҳақиқий homo яъни homo loguinsни яратиш эди.

Фрейм тузилиши ва таркиби ҳақидаги фикрлар таҳлилига қайтайлик.

Ч. Филморнинг фрейм ҳодисасига берган илк таърифига амал қилиб, ушбу тушунча оддий йўсиндаги лисоний белгилар танлови тизими сифатида тақдим қилинса, юқорида келтирилган BUY «харид» фрейми предикатив бирликнинг синтактик «манзараси»дан (syntactic perspective) бошқа ҳеч нарса бўлмай қолади. Масалан, қуйидаги гап қурилишини олайлик:

Аббос Рафиқдан дафтарни юз сўмга сотиб олди.

«Харид» фрейминиг «тугунлар»и (слотлари) «сотиб олмоқ» феълининг валентлик имкониятларининг такрорида-

туюлади: «Харид қилувчи» (Аббос) – субъект, «товар, мол» - (дафтар) – объект, «сотувчи» (Рафиқ) – нимадир, «Пул» (юз сўм) – восита.

Аммо фрейм алоҳида олинган предикатив бирликларнинг синтактик имкониятларини тасвирловчи ҳодисага айланмаслиги лозим. «Тафаккур тили»нинг бирлиги сифатида тавсияётган андоза ўзида бутун бир воқеа-ҳодисалар гуруҳининг стереотип хусусиятларини акс эттириши ҳамда концептнинг лисоний воқеланиши учун асос тайёрлаши керак.

«Фрейм» тушунчасининг тор маънодаги талқини номукаммалликлар туғдираётганлигини сезган Ч. Филлмор кейинчалик фрейм – когнитив тузилмалар эканлигини алоҳида таъкидлайди ва бу тузилмаларни билиш сўзлар воситасида шартли ифодаланган концепт мундарижасида назарга тутилишини қайд қилди: (frame) «are cognitive structures (…) knowledge of which is presupposed for the concepts encoded by the words» (Fillmore, Atkins 1992: 75).

Тилшунослар томонидан «фрейм» тушунчасининг кенг маънода талқин қилинишида икки йўналиш пайдо бўлаётгани сезилмоқда. Булардан биринчисида тадқиқотчилар, ҳануз гап тузилиши доирасидан чиқиб кетишмаса-да, фрейм фақатгина мажбурий компонентлардан иборат бўлмасдан, унинг таркибига ихтиёрий, иккинчи даражали бўлаклар ҳам киритилишини таклиф қилишмоқда. Иккинчи йўналиш вакиллари, фреймнинг кечаётган воқеа-ҳодиса акси эканлигини унутмасдан, фрейм – биргаликда ҳаракатга тушадиган ва бир-бирини «қўзғатадиган» мантиқий идрок элементларининг ўзаро муносабати асосида ҳосил келадиган тузилма эканлигини эътироф этишади. Натижада, фрейм кўп қисмли ва кўп табақали воқеа – тузилма (event frame) кўринишини олади. Бинобарин, Леонард Талме (Talmy 1985: 61) воқеа – фреймнинг мантиқий структураси ҳеч бўлмаганда олтита когнитив бўлакдан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайди. Булар қуйидагилар: Figure «фигура, манзара», Ground (макон), Path (йўналиш), Motion (ҳаракат), Manner (метод, услуб), Cause (сабаб, мотив).

Аммо Л.Талми келтирган мисолларда ушбу когнитив бўлакларнинг жойлашуви (ёки тақсимоти) таҳлил қилинса (Қиёсланг: The pensil layson the table «қалам столнинг устида

турибди»), фреймда акс топган воқеанинг лисоний моддий лашув яна ўша гап қурилиши чегарасида қолаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Менимча, фреймнинг мураккаб мантиқий қурилма эканлигини тушуниш учун яна ўша сунъий интеллект яратиш ҳаракатидаги олимлар тарғиботидаги ғояларга қайтишга мажбурмиз. М.Минскийнинг таърифича, фрейм мундарижаси мажбурий (иштироки талаб қилинадиган) ва номажбурий ихтиёрий (иштироки мажбур эмас) хусусиятлар умумлашмасидан ташкил топади. Булар фрейм тузилмаси умумий «тўқимаси»нинг тугунларини, охирги нуқталари (терминал) ўрнини эгаллашади. Мажбурий хусусиятлар лисоний воқеланиши жараёнида тил бирлигининг семантик тузилишининг узвий қисмлари сифатида намоён бўладилар. Ихтиёрий хусусиятлар эса фрейм таркибида аниқлаштириш вазифасини бажарадилар. Иккала турдаги хусусиятлар ҳам фрейм таркибида маълум «катакча»ларни (слотлар) ҳосил қилишади ва воқеликдаги объектни идрок этиш жараёнида ушбу «катакча»лар мос келадиган мисоллар ва маълумотлар билан тўлдирилиш лозим бўлади (Минский 1979: 7)».

Масалан, маълум даврда «хабар етказиш» мазмунидаги ҳодиса негизида «бирор нарса воситасида (кимгадир) хабар етказиш» фрейми турган. Кейинчалик, «миш-миш тарқатиш» овоза қилиш» фрейми олдинги фрейм андозасига мослашади ҳамда ушбу мослашув жараёнида «ноғора урмоқ» иккиламчи концепти ва лисоний бирликлари юзага келади.

Фреймнинг мураккаб таркибли тузилма эканлигининг исботини М.Минский нинг асосий структура таркибида субфреймлар (кичик фреймлар) ажралиши ҳақидаги таъкидида ҳам сезиш мумкин. Бинобарин, PLANE «самолёт» фрейми «учувчи», «хавфсизлик камари», «стюардесса», «ўриндиқ» каби қатор категориялар тўпламидан иборат. Бундан ташқари самолётда учиш муҳити билан боғлиқ яна қатор субфреймлар («Овқатланиш», «Кино томошаси», «Ҳожатга бориш» каби) воқеа тафсилотини тўлдиради. Ҳақиқатдан ҳам кундалик турмуш воқеалари мураккаб кечади ва шу сабабли бизнинг воқелик ҳақидаги билимимиз ҳам мураккаб фрейм тизимида шаклланади.

ГЕШТАЛЬТ

Ўтган асрнинг биринчи чорагида олмон психологлари В.Келер, М. Вертхаймер, К.Дункер ва уларнинг бошқа ҳамкасблари лабораторияларда олиб борган амалий тажрибалари асосида предметларнинг хусусиятларини уларни ташкил қилган янги муносабатларда, боғланишларда бўлишини ҳисобга олиш воситасида аниқлаш мумкин, деган хулосага келишди. Бу хулоса психологияда янги оқим – гештальтпсихология шаклланишига туртки бўлди. Янги йўналишнинг асосий тушунчаси «гештальт» олмонча gestalt (образ, структура, яхлит шакл) сўзидан олинганлигини эътиборга олсак, ушбу тушунча руҳий тузилмалар, образларнинг ўзига хос яхлитликни таъминловчи белги ва хусусиятларининг умумлашмасини англатади. Гештальт назариясининг асосчиларидан бири Макс Вертхаймер (1880 - 1943) ушбу муаммони қуйидагича баён қилган эди: «… мавжуд бирликлар асосида юзага келадиган яхлитлик (умумийлик) аввал алоҳида бўлаклар кўринишидаги элементларнинг кейинги жамланишидан иборат бўлмасдан, балки ушбу яхлитликнинг ички структур(авий) қонуниятлари билан белгиланади» (Вертхаймер 1987: 6).

Демак, воқеликни идрок этиш ва руҳан ҳис этиш яхлитликни «кўриш»дан бошланади. Айрим тадқиқотчилар предмет-ҳодисалар ҳақидаги тушунча, концептнинг ҳосил бўлиши ҳамда кейинги босқичда ушбу концептнинг лисоний воқеланишини предметнинг алоҳида (ёрқин кўзга ташланадиган) белги, хусусиятларини пайқаш ва алоҳида ажратиб олишдан бошланади деган фикрдалар. Бинобарин, инглиз файласуфи Ф. Бэконнинг фикрича, алоҳида нарсалар (предметлар) нинг моҳиятини билиш уларнинг таркибий қисмлари, оддий хусусиятларни билиш билан боғлиқ. Билишнинг бу тури предметларни мантиқан қисмларга, шаклларга ажратиш жараёнидан иборат бўлар эмиш.

Инглиз файласуфи таклиф қилаётган индукция методининг билиш жараёнида амалий аҳамиятини ҳеч ҳам инкор қила олмайди. Аммо ушбу метод қўлланилганда билиш

объектининг тўлиқ моҳияти очилмасдан қолади, бунда объектнинг кўпроқ ташқи қиёфасига оид хусусиятлар, унинг бошқа объектлар билан муносабатининг ҳам ташқи тасодифий томонлари эътиборга тушиб, ички моҳият назардан четда қолиши мумкин. Бундай билиш жараёни эҳтимолли билимдан бошқа нарса эмас. Объектнинг асл моҳиятини билиш учун асосий хусусиятни тасодифийдан ажрата олиш, ташқи муносабатлардан ички алоқага ўтишни таъминлаш ҳамда объектнинг аниқ, аёний образи ўрни идеал образга мурожаат қилиш имконини яратадиган метод зарур бўлади.

Билиш методларини танлашда бирини иккинчисига (масалан, индукцияни дедукцияга) қарама–қарши қўйиш нотўғри. Бу фан методологиясининг талабига тўғри келмайди. Бинобарин, яхлитлик ва яккалик (алоҳида бўлаклар) муносабатини олсак, бунда билиш жараёнининг йўналиши фақатгина яхлитликдан яккаликка (индуктив) ёки, аксинча, яккадан яхлитга йўналтирилса, кутилган натижага эришиш амри маҳол. Яхшиси, бу икки йўналишни ментал фаолиятнинг бир-бирини тақозо этувчи ҳамда айни бир пайтда ҳаракатга келувчи шакли деб ҳисоблаганимиз маъқул. Файласуфларнинг таъбирича, индукция ва дедукция тафаккур ҳаракатининг мустақил шакллари бўлишига қарамасдан, улар доимо жонли алоқада, ягона бир ментал фаолият доирасида юзага келадилар ва бундай ягоналик, умумийлик бўлмаган тақдирда билиш жараёнининг умумий мақсади рўёбга чиқмас эди. Балки яхлит ва ягонани (бўлакни) билиш бир пайтнинг ўзида амалга ошади дейиш тўғрироқдир. Аммо биз яхлитни қанчалик даражада бўлакларга ажратиб тадқиқ қилмайлик, бундай тадқиқот натижаларининг илмий билим тизимига кириши фақатгина ушбу натижалар яхлитнинг моҳияти ҳақида янгича билим бера олиши билан боғликдир.

Бизнингча, билиш жараёнида яхлит ва унинг бўлаклари ўртасидаги жонли алоқани эътироф этиш гештальт назарияси тамойиллари ва таҳлил услубларини инкор қилмайди. Гештальтпсихология ҳам яхлитликнинг бўлакларни идрок этишдаги таъсир ролини алоҳида таъкидлайди ҳамда бўлакларнинг яхлитлик таркибида бириктирувчи факторларни топиш вазифасини қўяди.

Худди шу нарсани борлиқни идрок этишнинг «гештальт қонуниятлари» ёки «гештальт тамойиллари»да кўриш мумкин. Бу тамойилларининг айримларини эслатмоқчиман (Ungerer 1996: 33).

- «яқинлик тамойили» (principle of proximity): бир-бирига яқин жойлашган элементлар ўзаро боғлиқ ҳолда идрок этилади;
- «ўхшашлик тамойили» (principle of similarity): бир-бирига монанд элементлар ягона бир бўлак ёки қисм сифатида идрок қилинади;
- «ёпиқлик тамойили» (principle of closure): идрок ҳаракати берк (тугалланган) шаклга йўналтирилади;
- «давомийлик тамойили» (principle of continuation): алоҳида элементлар ўртасидаги узилиш кам бўлса, улар яхлитлик сифатида идрок этиладилар.

Юқоридаги объектларни яхлитликда холистик идрок этишни худди шу тамойилларга асосланган. Масалан, турли кўринишдаги уй бинолари суратини солиштирсак, уларнинг барчасида умумий элементлар бор (дераза, эшик, девор, том ва ҳоказо). Биз бу суратларни биринчи кўрганимизда биноларни алоҳида қисмларга ажратмаймиз, аксинча, фақатгина бино сифатида кўрамиз. Бунда яхлитлик идроки, гештальт тамойиллари амал қилади: Бинонинг барча қисмлари бир-бирига яқин, боғлиқ («яқинлик тамойили»); бинонинг эшиклари бир хил («ўхшашлик тамойили»); бинонинг барча элементлари бир-бирини давом эттиради, ўзаро алоқада («давомийлик тамойили»).

Яхлитлик ва бўлакнинг бу турдаги муносабати бевосита бўлакнинг яхлитга «тобе» бўлишида намоён бўлади ҳамда ушбу тобелик қуйидаги қонуниятларда ўз аксини топади:

1) ягона бир элемент турли яхлит тузилмалар таркибида турлича идрок қилинади;
2) образнинг айрим элементлари алмаштирилса-ю, лекин улар ўртасидаги муносабатлар ўрами сақланса, образнинг умумий структураси ўзгармайди;
3) айрим ҳолларда маълум бир бўлаклар тушиб қолганда ҳам яхлитлик сақланади (Алафиренко 2005: 193).

Яхлитлик таркибидаги элемнтларнинг жойлашуви қанчалик мунтазам бўлса ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари узвий бўлса, ушбу яхлитликнинг тафаккурдаги образи ҳам шунчалик аниқ ва яққол кўриниш олади. Бундай тўлиқлилик баркамоллик «прегнантлик» (олмонча Pragnanz "аниқлик, мослик") номини олган қонуниятга амал қилиш натижасида юзага келади ва «яхши» гештальт ҳосил қилишга ундайди (Вертхаймер 1987: 274).

Гештальт тушунчасини тилшуносликда биринчилардан бўлиб тадбиқ этган Ж.Лакофф (1981: 360) ҳам уни лисоний, мантиқий, перцептуал (идрокий) ва бошқа турдаги жараёниларни акс эттирувчи структура сифатида таърифловчилар тарафдори. Ҳақиқатдан ҳам гештальт табиатан бир пайтнинг ўзида икки томонга, яъни тафаккур ва лисонга, интилувчи мантиқий структурадир. Бу структура яхлит тузилма сифатида матнни мазмуний қисмларга бўлиш ҳамда ушбу мазмун доирасида матн ва қисмларни кенгайтириш имконини беради.

Гештальтнинг когнитив тилшуносликдаги аҳамияти айниқса, матн тузилишини ўрганишда муҳимдир. Матн тилшунослигида узоқ давр индуктив метод ҳукмронлик қилганлигини биламиз. Матнни қисмлар йиғиндисидан иборат деб қараш таҳлилни йиғма аналитик усулда бажариш натижасида бу таҳлилдан гап синтаксисидан нарига ўтмаслик хавфи туғилди. Бундай хавфдан қочишнинг ягона йўли таҳлилни яхлитликдан қисмларга йўналтириш, гештальт назариясига мурожаат қилишдир. Зеро, ҳар қандай матн ягона бир мавзу, ғоянинг ёритилишдир. Ғоянинг ягоналиги қисмларнинг мавзу доирасида бирикишини, яхлитликни таъминлаб қилади. Қисмлар мазмуни эса яхлит мавзунинг эпизодларидир.

Воқеликни идрок этиш ва тафаккур фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган концептни лисоний воқелантириш мураккаб лисоний – ментал фаолиятдир. Ушбу фаолиятнинг самарали бўлиши учун, биринчи навбатда, тафаккурнинг ўзи маҳсулдор бўлиши лозим. «Яхши» гештальтнинг ҳосил бўлиши ҳам тафаккурнинг ижодий йўналтирилганлиги, самарага интилиши билан боғлиқ. Маҳсулдор тафаккур (productive thinking) ҳақиқий ғоя туғилиши жараёни ва бу барча турдаги мантиқий

амалларнинг (анализ, синтез, ўхшатиш, умумлаштириш ва бошқалар) юқори даражада шакллантирилиши, бажарилишини талаб қилади. Маҳсулдор тафаккур назариясининг асосчиси М.Вертхаймер (1987) ушбу назарияни шакллантиришда гештальпсихологиянинг асосий тамойилларига таянганлиги маълум. Яхлитлик, структуравийлик, ҳаракатчанлик, тизимийлик тамойилларига таянган маҳсулдор тафаккур мақсадли амаллар воситасида бажарилади. Булар қаторига қуйидаги амаллар киради:

- марказлаштириш: ҳар бир элементни умумий таркибда жойлашиши ва тутган ўрнига нисбатан идрок қилиш;
- гуруҳлаш: элементларни уларнинг структурадаги умумий вазифаси ва ўрнига биноан гуруҳларга ажратиш;
- фарқлаш (ажратиш): структурага оид муносабатларни тасодифий, структурадан ташқи алоқалардан фарқлаш.

Ушбу амаллар, уларнинг онгли ёки онгсиз равишда бажарилишидан қатъий назар, «яхши» гештальт ҳосил бўлиши учун фақатгина яхлитга эътиборни қаратиш етарли эмаслигидан гувоҳлик беради.

Тўғрисини айтганда, ижодий тафаккурда идрок объекти яхлитликдан бошланиши бирор бир муаммога сабаб бўлмайди. Бундай ҳолат айниқса, санъат асарлари яратилишида яққол кўзга ташланади, зеро, рассом аввал чизаётган асарнинг умумий ғоясини тасаввур қилади ва кейинчалик унинг деталларига чизги беради. Ёзувчи бадиий асарнинг умумий мазмуни, ғоясини турли мундарижавий қисмлар воситасида тасвирлайди. Олим дастлаб ёзилажак рисола ёки мақоланинг мавзусини танлайди, илмий фаразни шакллантиради, тўпланган материал ва тажриба натижалари таҳлили кейинги босқичларда бажарилади. Худди шунингдек, бастакорнинг машғулоти ноталарни бир-бирига бириктириш эмас, у асар яратишни юқори босқичдан, яъни мавзу шаклланишидан бошлайди ва фақат шундан сўнг ноталарга мурожаат қилади. Аммо яхлитликка, марказий ғояга қаратилган ушбу турдаги фаолият бўлакларсиз ўз мақсадига эришмаслиги эҳтимоли йўқ эмас. Булакларнинг ўзаро муносабатлари асосида яхлитлик ҳосил бўлиши барчага маълум. Бўлаклар таҳлили марказий ғояни янада аниқ тасаввур қилиш имконини беради, уларнинг

мавжудлиги яхлитнинг мавжудлигига сабабдир (фр. Raison detre – «мавжудлик сабаби»). Бунинг устига, бўлак яхлитнинг тизимдаги вазифасини аниқлаб бериш қобилиятига эга.

Ҳали ўтган асарнинг 30-йилларидаёқ, М.Вертхаймер воқеликни билишда яхлит ва бўлакнинг муносабатини ҳисобга олиш қанчалик муҳим эканлигини алоҳида уқтириб ўтган эди. Унинг ёзишича, «Кўпинча икки ўзаро боғлиқ йўналишнинг ҳамроҳлигини кузатамиз: бири - бўлаклардан яхлитликка, иккинчиси – яхлитдан бўлакларга. Бу ҳолат, одатда, мақсадли жараёнда яхши гештальт юзага келишида кузатилади. Бундай («яхши» -Ш.С.) гештальт бўлаклар табиати таъсирдан холи, мустақил бўлмайди, у бўлаклар хусусиятлари талабига мос келади» (Верхаймер 1987: 278). Демак, гештальтнинг шаклланишида бўлакларга хос хусусиятларнинг алоҳида ўрни бор. Фақатгина шу йўсинда ҳосил бўлган гештальтнинг тафаккур ва тил бирликларини категориялаштириш имконини беради. Категориялаштириш фаолияти эса прототипларни ажратиш ва қиёслаш ҳаракатлари негизида амалга оширилади.

ПРОТОТИП ВА КАТЕГОРИЯЛАШТИРИШ

Когнитив тилшуносликнинг асосий вазифаси инсон онгида кечадиган ментал жараёнларни лисоний фаолият билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир. Шунга нисбатан ушбу фаннинг эришган асосий ютуқларидан бири инсоннинг билиш фаолияти натижасида хотирада ҳосил бўладиган олдинги тажрибанинг «из»лари, яъни категориал тушунча ҳамда турли кўринишдаги юқори даражадаги таркибли тузилмаларнинг мантиқий ва лисоний тизимлари ҳақидаги маълумотлар мажмуасининг тўпланишидир. Бу икки тизим ўртасидаги алоқанинг узвийлиги категориялаштириш ҳодисасида яққол ўз аксини топади.

Билиш фаолиятида узоқ муддатли хотиранинг ролини махсус ўрганган америкалик психолог Ж.Брунернинг қуйидаги сўзларини эслайлик: «Тил ҳам ташқи таъсирларни бошқаришга ўргатувчи ҳар қандай таълим ҳам турлар ва категориялар ҳақидаги маълумотдан бошқа ҳеч қандай билимни етказмайди. Агарда бирор бир идрок (қилинаётган ҳодиса – Ш.С.) категориялар тизимига киритилмаса, яъни маълум бир категориядан ташқарида қолса, у якка шахс тажрибасининг тубсиз сукунатига кўмилган орзудаги марваридга, қақнусга айланади» (Брунер 1977: 160.

Лисоний тажриба «сукунатдаги қақнус» га айланиб қолмаслиги учун, биринчидан, ушбу тажриба натижаларини тизимлаштириш лозим бўлса, иккинчидан, тизимлар қайси асосда, қандай услубда ва қандай хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ўзаро фарқ қилиши мумкинлигини аниқлаш эҳтиёжи туғилади.

Маълумки, «категория» тушунчаси ўта кенг маънода талқин қилинади ва унда воқелик предмет – ҳодисаларининг энг умумий ва муҳим сифатлари, хусусиятлари, алоқалари ва муносабатлари ўз аксини топади. Предмет-ҳодисаларни категорияларга ажратиш ва уларни гуруҳлар бўйича таснифлаш амалиёти қадимдан мавжуд. Аммо таснифий белгиларни топиш ва улар асосида категорияларни ажратиш кўпинча оддийгина, шахсий тажрибага асосланган ҳолда, содда услубда, одмиёна кўринишда бажарилиб келинган. Когнитив

психология ва тилшунослик фанларининг ривожи категориялаштириш фаолиятининг ички қонуниятлари ва асосий тамойилларини қайтадан кўриб чиқишни тақоза этади.

Категориялаштириш – мураккаб ақлий ментал ва лисоний жараёндир. Ушбу жараён маълум турдаги ҳаракат босқичларини қамраб олади:

А) стимул (қўзғатувчи сабаб) танлови. Сезги тизимига кирувчи (кўриш, эшитиш, ҳид билиш каби) стимуллардан фақатгина диққатни жалб қиладиганлари танланади;

Б) ажратиш ва таснифлаш. Бу ҳаракат танланган стимулни хотирадаги билим билан қиёслаш, мослаштириш йўли билан бажарилади;

В) номлаш. Ҳосил бўлган когнитив категория (концепт) ном олади (Barsalou 1987: 102).

Категорияларни ажратишнинг психологик асосларини ўрганиш соҳасида 1970 йилларда Эллеонора Рош лабораториясида олиб борилган тадқиқотлар алоҳида эътиборга моликдир. Айниқса, ҳайвонлар, ўсимликлар, жиҳозлар кабиларнинг босқичли таснифий гуруҳланишига оид тадқиқотларда категорияларга ажратишнинг психолингвистик ва когнитив асослари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Рош хоним ва унинг ҳамкасбларининг фаразича, категориал тартиблашувнинг хусусиятлари ҳеч қандай тарихий тасодиф ёки эркин танлов натижаси бўлмасдан, балки маълум турдаги умумий психологик тамойиллар таъсирида юзага келадиган ҳодисадир. Булар «*когнитив тежамкорлик принципи*» ва «*идрок этилаётган борлиқ тамойили*» (Rosch 1978). Биринчи тамойилга биноан категория тизимида иложи борича камроқ когнитив ҳаракат бажариш йўли билан кўпроқ ахборотга эга бўлиш.

Иккинчи тамойилга биноан воқеликни турли кўринишдаги белги-хусусиятларнинг тасодифий учрашувидан иборат тартибсиз мажмуа сифатида қараб бўлмайди. Воқеликдаги барча объектлар тартибли структурага эга. Шунга асосан кам когнитив ҳаракат сарф қилиб, кўпроқ ахборотга эга бўлиш мақсади идрок этилаётган воқелик бўлагининг тузилишини аниқ акс эттирувчи категория тизими воситасида эришилади.

Ушбу тамойилларга мурожаат қилишдан асосий мақсад воқелик объектларининг категорияларга тақсимоти услубларини аниқлаштиришдир. Анъанага кўра, маълум турдаги объектларни бир гуруҳга киритишнинг сабаби улар ўртасида бирор бир ўхшашликнинг мавжудлигидир. Ўхшашлик эса ҳар доим ҳам бир хил услубда аниқланмайди. Ўхшашлик муносабатлари икки кўринишда бўлиши мумкин (Tversky 1977):

а) рефлексив – ҳар қандай объект ҳар доим ўзига ўхшайди;

б) симметрик – иккита объектнинг ўхшашлигидаги давомийлик қатори тартиби ўзгаришидан қатъий назар бир хилда сақланади.

Масалан, А ва Б қиёсланадими ёки Б ва А, натижа бир хил. Рефлексивлик муносабати доимо бир хил ва у изоҳталаб эмас. Симметрик муносабатлар эса мураккаб жараён. Ҳақиқатан ҳам агар объектлар ўртасидаги ўхшашликни билиш мақсадида ушбу объектларни хусусиятларга ажратсак, қиёслаш хусусиятларга нисбатан бажарилади. Аксинча, объектлар яхлит ҳодиса сифатида қиёсланса, ўхшашлик мақсадли мўлжал асосида аниқланади.

Масалан, қуйидаги жумлаларни олсак: «Ўғил отасига ўхшайди», «Сурат аслига ўхшайди», «Шогирд устозига ўхшайди» каби тасдиқ жумлалари бир хил қолипга эга: «А Б га ўхшайди». Агарда биз ўхшашлик муносабатларини шаклан сақлаб, А ва Б ларнинг жойларини алмаштирсак (Б А га ўхшайди), бундай ўхшашлик тасдиғи ҳар қанча тўғри бўлса ҳам, ҳосил бўладиган жумлалар сунъий тус олади ҳамда «Ота ўғлига ўхшайди», «Асл суратга ўхшайди», «Устоз шогирдига ўхшайди» кабилар тажнис (каламбур)дек туюлади.

Ўхшашлик муносабатларининг мўлжалли (маълум манзилга йўналтирилган) эканлигини тавсифлаш мақсадида А.Тверски қиёслашда «саноқ боши» хизматини ўтовчи объектни – «қиёслаш референти» деб аташни таклиф қилади. Қиёслаш ҳаракати бирор бир объектни референт билан солиштиришдан иборат. Аммо референт танлови оддий ҳолат эмас, у қиёслаш таянч нуқтаси бўлиши учун қиёсланаётган объектдан фарқ қилувчи бирор бир алоҳида хусусиятга эга

www.klett-sprachen.de

бўлиши керак (Tversky 1977). Қиёслашда намуна ёки эталон хизматини ўтайдиган референтнинг фарқловчи хусусияти турли сабаб ва манбаларга эгадир. Бундай сабаблардан бири дунёнинг, воқеликнинг тузилиши билан боғлиқ: «ўғил отасига ўхшайди», «қўғирчоқ аслига ўхшайди», чунки фарзандниг ота-онасига ўхшашига сабаб – у улардан туғилади, аждод бирламчи. Қиёслаш референтини танлашнинг яна бир муҳим сабаби ижтимоий – маданий фактлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, «овқат» категориясига кирувчи объектлар таснифида асосий намуна ёки эталон сифати турли халқларнинг референт танлови турлича бўлиши табиий (қозоқлар учун «бешбармоқ», ўзбеклар «палов», японлар «суши» ва ҳоказо). Худди шунингдек, бир мамлакат иккинчисига солиштирилаётганда, одатда, кичикроғи каттасига ёки кўпроқ ривожланганга қиёсланади: «Швеция АҚШга ўхшайди», «Шахрисабз Самарқандга ўхшайди».

Ниҳоят, қиёслаш намунасини танлаш сабаби психологик қонуниятларга асосланиши мумкин. Ушбу психологик қонуниятларнинг ўзи ҳам турли-туман, уларни ягона бир мажмуага тўплаш қийин масала. Э.Рош ва унинг шогирдлари ўтказган тажрибаларида гештальтпсихологиядан маълум бўлган «яхши» ёки «ёмон» образлар тушунчасига таяндилар. Улар ягона бир предмет – чой ичадиган идиш (чашка) нинг турли тасвирдаги расмларини фарқлаш ҳақидаги топшириққа информантлар «яхши» яъни эталон шакл сифатида, шакл жиҳатдан яхши кўринган ёки мураккаброқ кўринишга эга бўлган фигурани танлашган. Бундай йўсиндаги ўзига маъқулини эталон сифатида танлаш кўпроқ субъектив характердаги танлов. Бу ҳолда айрим асосий бўлмаган объектлар хусусиятларининг категориялар ажратилишида таянч категорияга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бинобарин, «Лисоний гештальтлар» тадқиқотининг муаллифи Ж.Лакоффнинг кузатишича, «ит» ва «стул» «сут эмизувчилар» ва «мебель» туркумига кирувчилар учун таянч категориядир, чунки уларда («ит» ва «стул») инсон тасаввуридаги белгилар юқори миқдорда тўпланган (Лакофф 1981: 357).

«Яхши» гештальт негизида турадиган таянч объектни Э.Рош прототип (prototype) деб атайди. Прототип қиёслаш

горизонтал, яъни тўғри қаторли тартибда бажарилганда, қиёслашнинг таянч объекти сифатида ажралади. Прототип категорияга кирувчи барча объектлар учун умумий, энг кўзга ташланадиган хусусият ёки белгига эга бўлиши керак ва фақат шундагина у қиёслаш учун намуна хизматини ўташи мумкин.

Прототип категорияси объектларнинг хусусиятларига нисбатан ажратилади. Тажрибалар ўтказган тадқиқотчилар баъзан биргина категорияга оидликни аниқлаш ва прототип белгиларни топиш учун объектларнинг луғатларда берилган тавсифига мурожаат қилишади ҳамда шу аснода ажратилган хусусиятларни қиёслаш учун асос қилиб оладилар. Масалан, «қушлар» категориясининг прототип сифатларини (белгиларини) аниқлаш учун изоҳли луғатларга мурожаат қиламиз ва улардан олинган тавсифларни информантлардан олинган маълумотлар билан тўлғазамиз (Қаранг: Longwan 1978; Ўзбек тили изоҳли луғати 1981):

Attributes Белгилар	Category members Категорияга кирувчилар				
	Robin Қораялоқ	Sparrow Чумчуқ	Dow Кaптар	Parrot Тўти	Ostrich Страус
Lay eggs–тухум қўяди	+	+	+	+	+
Blak – тумшуқ	+	+	+	+	+
Two wings–икки қанотли	+	+	+	+	+/-
Two legs –икки оёқли	+	+	+	+	+
Featters -патли	+	+	+	+	+
Can fly – уча олади	+	+	+	+	-
Chirps/ svags – чир-киллайди, куйлай-ди	+	+	+	+/-	-
Short tail – калта дум	+	+	+	+/-	-
Red breast – қизил кўкрак	+	-	-	-	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, барча турдаги сифат–белгилар бир хилда объектларни категорияга ажратиш учун прототип хизматини ўтай олмайдилар. Демак, категориялаштириш амалида қиёсланаётган ва бир категория доирасида тўпланиши мўлжалланаётган объектлар учун умумий бўлган белгиларни излаш лозим бўлади (масалан, страус учун «калта дум» ёки «сайраш» категориал белги эмас).

Категория учун умумий белгининг муҳимлиги ҳақида бир пайтлар машҳур инглиз файласуфи Людвиг Виттгенштейн гапирган эди. Турли хил ўйин турларини солиштирган олим тахта, карта, тўп ўйинлари ва олимпиада ўйинлари ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин, деган саволга жавоб топишда умумийликни излаш шарт эмаслигини қайд қилади: «Уларга боқсангиз уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган белгини кўрмайсиз, лекин айни пайтда, ўхшашликларни, ўзаро боғлиқликни кўрасиз» (Wittgenstein 1958: 66). Ҳақиқатдан ҳам ягона категория атрофида бирикаётган объектлардан умумийликни ахтаргандан кўра, ўхшашликни ва шу ўхшашлик асосида мавжуд бўлган муносабатларни аниқлаш муҳимроқ. Виттгенштейн турли ўйинлар ўртасида ўхшашликлар халқалари борлигини эътироф этади ва бирор бир элементнинг прототип билан ўхшашлик хусусиятини «оила ўхшашлиги» (family resemblance) гуруҳига киритади.

Л.Виттгенштейн фикрини давом эттирган Элеонора Рош ва олима Мервис категория тузилмаларини прототиплар асосида тавсифлашнинг қоидалари қаторига «оила ўхшашлиги» қоидасидан ташқари, яна қуйидагиларни киритишни таклиф қиладилар:

А) марказга интилиш (central tendency). Категорияни унинг таркибига кирувчи элементлар хусусиятларининг умумлашуви ёки учрашуви сифатида ажратиб бўлмайди. Яхшиси, прототип ёки марказий элементнинг хусусиятларини шу категорияга кирувчи элементлар хусусиятлари билан энг кўп миқдорда мос келишига эътиборни қаратиш керак. Ҳар ҳолда, прототип ўз гуруҳидаги элементларга қай даражада яқин турса, бошқа гуруҳдагилардан шу миқдорда узоқлашади.

Б) категориал сифат (goodness of category membership). Прототип категориянинг энг «яхши» элементи, шу сабабли

бошқа элементларнинг категориал сифати уларнинг хусусиятларининг қанчалик даражада прототип мазмунига мос келишига боғлиқ.

В) категория таркибининг бир хилда бўлмаслиги (heterogeneous membership). Прототип билан умумий хусусиятларга эга бўлган иккита элемент бир категория таркибига киради, аммо уларнинг ўзаро умумийлиги (ўхшашлиги) бўлмаслиги мумкин.

Г) ноаниқлик (fuzziness). Категория марказий элементини аниқлаш осон, аммо марказдан узоқларини баъзан ажратиш қийин, чунки улар бошқа категорияларга хос белгиларга эга бўладилар. Бошқача айтганда, категориялар чегараси ҳар доим ҳам аниқ бўлавермайди, айрим ҳолларда улар ўзаро «чатишиб» кетишлари ҳеч гап эмас.

Демак, категориялар бир хил бирликлардан таркиб топади, улар сон жиҳатидан чегараланган, барча бирликларнинг хусусиятлари мос келади қабилидаги анъанавий таърифлар тажриба тадқиқотларида ўз тасдиғини топмади. Яхшиси, категориялар прототип намуна асосида ажратиладилар, улар таркибида «яхши» ва «ёмон» бирликлар бўлади, бу бирликларнинг барча хусусиятларининг мос келиши шарт эмас, лекин улар «оила ўхшашлиги»га эга бўладилар, деган маъқулдир.

Прототип тафаккур жараёнида ҳосил бўладиган ментал тузилмалардан бири сифатида лисоний фаолият ва ижодга оид ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаш имконини беради. Бинобарин, гап қурилишининг когнитив-семантик асосларини ўрганишга ҳаракат қилган Ж.Лакофф гап таркибида юзага келадиган прототип муносабатларни аниқлаш муҳимлигини таъкидлайди. У Brutus killed Caesar «Брут Цезарни ўлдирди», John hit the ball «Жон тўпни тепди», Max broke the glass «Макс стаканни синдирди» каби тузилмаларни прототип агенс – патиенс гаплари деб ҳисоблайди. Ушбу гаплар қатор прототипик хусусиятларга эгадирлар:

1) маълум ҳаракатни бажарувчи агенс мавжуд;
2) янги ҳолатга кўчувчи патиенс бор;
3) патиенснинг ўзгариши агенс ҳаракати натижасидир;
4) агенс ҳаракати мақсадли;

5) агенс ўз ҳаракатларини идрок этади;

6) агенс – ҳаракат манбаи, патиенс – ҳаракат объекти;

7) агенс ҳаракатни бажариш учун бирор воситадан фойдаланади;

8) патиенснинг ўзгариши кузатиладиган ҳодиса ва ҳоказо (Лакофф 1981: 357-358).

Шундай қилиб, фрейм, сценарий, скрипт, гештальт, прототип, пропозиция (Бу тушунча ҳақида қаранг: Нурмонов ва бошқалар 1992:31) каби тушунчалар когнитологияда инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи билим – тузилмаларни англатадилар. Бу намунавий тузилмалар, биринчидан, ташқи олам объектлари ҳақидаги билимни категориялаштириш учун хизмат қилишса, иккинчидан, ушбу билимни лисоний воқелантириш жараёнида «таянч нуқта» вазифасини ўтайдилар. Юқорида санаб ўтилган тузилмалар воситасида инсоннинг ижтимоий ва шахсий тажрибаси тартибга солинади ҳамда улар ёрдамида инсон воқелик ҳодисаларининг қандай таркиб топиши ва қай йўсинда фаолият кўрсатишини англаши мумкин. Ушбу ёндашувлар воқелик ва лисоннинг инсон онгида категориялашувини когнитив қолиплар ва ментал майдон назариялари доирасида ёритишга қаратилган.

Ментал майдонда (Fauconnier 1985) – турли хил воқеликдаги ва тасаввурдаги вазиятлар мантиқий идрок этилади. Шу сабабли ментал майдон фақатгина тафаккур доирасида юзага келадиган ҳодиса сифатида қаралади ва у турли когнитив қолиплар асосида намоён бўлади. Бундай қолиплар пропозиция хусусиятига эга бўлиш билан бир қаторда (сценарий, скрипт, фрейм, пропозиция кабилар), метафора, метонимия кўринишини ҳам олиши мумкин. Когнитив тузилмаларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар негизида лисоний маъно ҳосил бўлади ва бу маънони англаш имконияти туғилади.

Когнитив фаолият бевосита лисоний мулоқот жараёни билан боғлиқ, зеро, бу жараёнда иштирокчилар ўзаро ахборот алмашадилар ва ўз билимини бойитиш имконига эга бўладилар. Аммо ҳосил бўлган билимнинг миқдори ва сифати масаласи муҳимдир. Ушбу масалани биринчилардан бўлиб

кўтарган Л.Виттгенштейн мулоқот учун ахборотнинг бутунлай янги ёки эски бўлиши бир хилда халақит беришини қайд қилган эди. Бунинг сабаби икки хил: а) бутунлай янги маълумот ортиқча, у тингловчини қизиқтирмайди ва мулоқотга ундамайди; б) бутунлай янги маълумот тингловчининг олдинги билими билан тезда бирикиб кета олмайди ва натижада уни хазм қилиш қийинлашади. Энг қулайи, алмашилаётган ахборот ва олинаётган билим бу икки қутбнинг ўртасида бўлиши.

Бундан ташқари, когнитив жараён ва билиш фаолиятининг ҳар қандай турдаги ҳаракатлари, сўзсиз, ижтимоий ва маданий факторлар билан боғлиқ ҳолда кечишини унутмаслик лозим. Когнитив модел ва тузилмаларнинг шакл топиши ва лисоний моддийлашувига социомаданий ҳодисаларнинг таъсири тилшунослар эътиборини тортиб келмоқда.

3) тил ва маданиятнинг субъекти – бу доимо индивид ёки ижтимоий гуруҳ – жамоа шахс ёки жамият;

4) меъёрийлик (норма) тил ва маданият учун умумий хусусиятдир;

5) тарихийлик – тил ва маданиятнинг муҳим хусусиятидир;

6) тил ва маданиятга «динамика - статика» қарама-қаршилиги бир хилда хосдир (Телия 1996: 225-226).

Дарҳақиқат, олима эслатганидек, тил ва маданиятни яқинлаштирадиган умумий хусусиятлар анчагина (бекорга кўпчилик тилни миллий маданиятнниг ажралмас қисми, бир бўлаги сифатида талқин қилишмаса керак). Айни пайтда, бу икки ҳодисани бир-бирига бутунлай қориштириб юбориш унчалик тўғри бўлмаса керак. Тил ва маданият ўртасидаги умумийлик қанчалик даражада бўлмасин, уларни фарқловчи хусусиятлар ҳам етарлидир. Бу фарқ, биринчи навбатда, ушбу икки ҳодисанинг тизимийлик кўрсаткичларида намоён бўлади: маданият ҳам белгилар системасидир. Аммо ушбу система, тил тизимидан фарқли ўлароқ, ўз-ўзидан тартиблашиш, тизимлашиш хусусиятига эга эмас. Умуман, тил ва маданият тизимлари таркибидаги белгилар структуравий тузилиши ва бажарадиган вазифаларига кўра кескин фарқ қилишларига нисбатан тамоман бошқа системалар сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тил барча учун бир хил вазифа бажарувчи, «жамоавий адресатли» ҳодиса бўлса, маданиятда эса кўпроқ элитарлик (саралик) намоён бўлади.

Демак, тил ва маданият ўртасидаги муносабат *изоморфликдан* (айнанликдан) кўра кўпроқ *ҳомоморфлик*, яъни структуравий ўхшашликдан иборат деган хулоса ҳақиқатдан узоқ эмас.

Ҳар қалай, ҳомоморфлик фақатгина бу икки тизимнинг таркибий тузилишида намоён бўлиб қолмасдан, уларнинг вазифа жиҳатидан ҳамоҳанглигида ҳам акс топса ажаб эмас. Тилнинг маданият учун «хизмат» қилишини маданий - маънавий бойлик, ахборот манбаларини сақлаш, уларни авлоддан - авлодга етказиш ҳамда маданий тушунчалар ва концептлар, стереотип ва эталон-намуналарни

шакллантиришда бевосита иштирок этишини ҳеч қачон инкор этиб бўлмайди.

Тил ва маданият ўртасидаги детерминизм, яъни ўзаро бир-бирини тақоза этиш ҳақиқий «ўзарочилик»дир. Шу сабабли турли мамлакатлар олимлари томонидан тил ва маданият муносабати масаласи турли йўналишларда ўрганилаётганлиги табиийдир. Бу муаммо тилшунослар (Ю.Сорокин, В.Телия, Е.Верещагин, А.Вежбицкая, В.Костомаров, Д.Олфорд, Д.Хаймс кабилар) билан файласуфларнинг (Г. Брутян, Э. Маркарян ва бошқалар), психологларнинг (Л.Выготский, А.Леонтьев, В.Петренко, П. Гульвисте) эътиборини тортиб келмоқда. Бу масала нутқ маданиятига оид тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллайди (Ю.Скворцов, Э.Бегматов, А.Маматов, Б.Ўринбоев ва бошқалар). Кейинги йилларда тилшуносликда лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида шакл топиши (В. Красных, В. Маслова, Д. Гудков, С. Тер - Минасова, Д. Ашурова) бу масаланинг долзарблашишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият ҳудудида, маданий муҳитда шакл топади ва фаоллашади. Шундай экан, инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган бирликларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс топиши табиийдир. Олдинги саҳифаларда инсон ҳар қандай воқеа - ҳодисани, предметни идрок этиш, унинг ҳақида маълум тушунчага эга бўлишда беихтиёр ёки баихтиёр олдинги тажрибасига таянишини эслатган эдик. Аммо «олдинги тажриба» қандай шаклда ва қай йўсинда пайдо бўлишини ҳам билиш керак. Сўзсиз, бу тажриба миллий маданият муҳитида, кундалик ҳаёт фаолиятида учрайдиган воқелик ҳодисалари таъсирида юзага келади. Шу сабабли турли маданият вакиллари учун категориялаштириш ҳодисаси бир хилда кечмайди.

Категориялаштириш фаолиятининг маданий - миллий хусусиятларини, унинг бевосита маданий муҳит билан боғлиқ томонларини илмий асослашга биринчилардан бўлиб ҳаракат қилишган тилшунос олимлар Вильгелм фон Ҳумбольдт ва

Эдуард Сепирлардир. Улар миллий тиллар луғат ва грамматик тизимлари ўртасидаги фарқни тил соҳиблари – инсонларнинг воқеликни қабул қилиш ва идрок этишидаги фарқ билан боғлашга ҳаракат қилишган.

В.Ҳумбольдт турли миллат ва маданият вакилларининг воқелик ҳақида тасаввури мос келмаслигини исботламоқчи бўлади. «Турли тиллар – ягона бир предметни турлича номланишидан кўра, ушбу предметни турлича кўриш, идрок этишдир» (Гумбольдт 1984: 9). Воқеликни турлича «кўриш» ҳамда категориялаштириш, айниқса, грамматик тизимлар қиёсида аниқ намоён бўлади. Э.Сепирнинг образли таърифича, «тил айрим ҳолларда ўз таснифларида бемантиқ ва қайсар…У ўзининг қатъий чегарали каптархоналарига эга бўлишни истайди ҳамда каптарларнинг бир уядан иккинчисига учиб ўтишига йўл қўймайди. Ифодага талабгор ҳар қандай тушунча тасниф қоидаларига бўйсуниши лозим» (Сепир 1934: 77). Тасниф қоидаларининг муҳимлиги ментал ҳаракатларда ҳам ўз аксини топади. Э.Сепирнинг фикрича, биз осмондан «тошлар» категориясига кирувчи предмет тушаётганини кузатаётганимизда, бу ҳодисани икки тушунчага тақсимлаймиз («тош», «тушмоқ» тушунчалари). Натижада инглиз тилида бу ҳодиса the stone falls жумласи воситасида номланади. Олмон ва фаранг тилларида «тош» сўзида род категорияси ҳам ифода топади, бироқ бу тилларнинг бирида мужской род, иккинчисида женский. Чиппева тилида эса род тушунчасидан кўра жонли/жонсизлик категорияси муҳимроқ. Кватиутл қабиласи вакили «тош тушаяпти» мазмунидаги жумлани тузишда сўзловчи тошни кўриш ёки кўрмаслиги ҳамда тошнинг унга яқин ёки узоқлигига эътиборни қаратади. Яна бир қизил танлилар тили – нуткида «тош» сўзининг ишлатилиши шарт эмас, улар бу жумлани ягона бир феъл шаклида ифодалайдилар (ўзбек тилидаги «тошламоқ» шаклини қиёсланг).

Бирор бир маданий муҳитда маълум турдаги тузилмаларнинг бўлмаслиги уларни лисоний ифодалашнинг имкони йўқлигидан дарак бермайди (масалан, бу ифода тавсифий баён усулида, жумлалар, гаплар воситасида бажарилиши мумкин). Худди шунингдек, грамматик

категориялардаги фарқлар у ёки бу категорияда ифода топадиган мазмун маълум муҳитда бошқа тилда сўзловчи томонидан мантиқан идрок этилмади, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Ўз даврида Прага лингвистик тўгарагининг собиқ вакилларидан бири Р.Якобсон ўзига хос бир фаразни муҳокамага ташлаган эди: тиллар бир-бирида бирор нарсани ифодалай олишлари билан эмас, балки ушбуни ифодалашлари шартлиги билан фарқ қилишлари керак (Jakobson 1987: 433). Айтайлик, айрим ғарб тиллари феъл тизимида мавжуд бўлган плюсквамперфект категорияси мазмунини ўзбек тилида тиклаш учун таржимонлар «аллақачон», «ўшангача», «шундан сўнг» каби равиш бирликларига мурожаат қилишга мажбурдирлар.

Лекин муҳокама қилинаётган масалага оид энг асосий фараз «лисоний нисбийлик» номи билан машҳурдир. Фанда Сепир – Уорф номи билан маълум бўлган ушбу фаразни 1930 йилларда Б.Л.Уорф ўз устози Э.Сепир ғояларига таянган ҳолда шакллантирди (Darnell 1990: 340). Б.Л.Уорф (the Worf Hypothesis) олға сурган методологик ғояларнинг мазмунини қисқа қилиб қуйидагича изоҳлаш мумкин: турли тилларда сўзловчи ва турли маданиятларга тобе шахслар воқеликни бир хилда идрок этишмайдилар. «Биз табиатни (воқеликни –Ш.С.) лисонимиз кўрсатган йўналишда қисмларга ажратамиз. Оламдаги ҳодисалар, категориялар, турларни уларнинг аниқ мавжудлигига нисбатан ажратмаймиз, аксинча, олам бизнинг онгимизда мисли чархпалакдек айланиб турган таассуротлар асосида тартиб топади. Демак, бу тартибни онгимизда сақланаётган тил тизими таъминлайди. Биз оламни у ёки бу йўсинда (бошқача эмас) қисмларга ажратишимиз, тушунчалар воситасида ифодалашимиз ва маъноларга тақсимлашимизнинг сабаби биз ҳам бундай тизимлаштиришга ундовчи келишув иштирокчиларимиз. Бу келишув маълум бир лисоний жамоа учун мажбурий ва бизнинг лисонимиз тизимидан жой олган… Шундай қилиб, нисбийлик тамойилининг янги кўринишига дуч келамиз ва унинг мазмуни қуйидагича: бир хил физик ҳодисалардан таркиб топган оламнинг бир хилдаги тасвирига фақатгина тил тизимларининг бир хил ёки ҳеч бўлмаганда ўхшашлигидагина эришиш мумкин» (Уорф 1960: 174-175).

Лисоний нисбийлик ва унинг муқобили бўлган лисоний детерминизм (тафаккур фаолияти лисон билан боғлиқ) фаразлари ҳақида ҳозирча бирор бир танқидий фикр билдириш ниятида эмасман, албатта. Аммо бу фаразнинг асосий ғояси замирида туғиладиган бир саволни эсламасликнинг иложи йўқ. Юқорида айтилганидек, Б.Л.Уорфнинг фикрича, маълум бир тил ушбу тил соҳибларининг тафаккур фаолияти турини белгилаб беради (детерминизм) ва атрофдаги воқеликни билиш, идрок этиш услуби тафаккур ифода топаётган (фикр юритилаётган) тил тизими билан боғлиқ (нисбийлик). Шундай экан, ўзаро боғлиқликда қаралаётган ҳодисалардан қайси бири (тилми ёки тафаккур) бирламчи ёки қайсиниси иккинчисига таъсир кўрсатади (онгми ёки шахс фаолиятими) қабилидаги саволлар туғилади. Албатта, бундай риторик саволларга аниқ жавоб топиш мушкул, чунки таққосланаётган ҳодисалар бир-бирини тақозо этувчи, бир-бирига таъсир ўтказувчи ўзаро муносабатдаги ҳодисалардир.

Тилшунос ва психологлар қатор йиллар давомида Сепир-Уорф фаразларининг бевосита луғат ва грамматикага оид томонларини қайта текшириш мақсадида тўхтовсиз тадқиқотлар олиб боришмоқдалар. Сўзсиз, тиллар ягона бир тушунчани ифода этишда иштирок этувчи луғат бирликлари миқдори билан фарқ қилиши мумкин. Масалан, эскимослар тилида ягона бир *«қор»* тушунчасининг *«ёғаётган қор», «қуруқ қор», «эриган қор»* каби номларга эга бўлишини ёки хопи тилида ягона бир сўз воситасида қушдан бошқа барча учадиган предметларни (самолёт, ҳашоратлар, учувчи ва ҳоказо) атай олишини қандай изоҳласа бўлади?! Қорнинг турларини фарқлаш тўғридан-тўғри луғат билан боғлиқ бўлмаса керак. Бунинг сабабини кўпроқ турли маданий муҳит вакилларининг ҳис этиш ва идрок қилиш қобилиятлари ҳамда улар фаолият доирасига оид фарқлардан излаган маъқулроқ.

Худди шундай ҳолатни грамматик тизимлар қиёсида ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, Либерияда яшовчи элатлардан бирининг тили бўлган кпелле лаҳжасида қиёслаш мазмунини ифодаловчи «бу (предмет) ундан кейин катта» қабилидаги махсус тузилмага эга, яъни қиёсланаётган предмет доимо эслатилади. Аммо бир предметнинг иккинчисидан

кичиклигини ифодаловчи грамматик тузилмада эса бундай структуравий элемент йўқ ҳамда кпелле элатига мансуб болалар ушбу тузилмаларни ўзлаштириш жараёнида уларни чалқаштирмайдилар. Демак, у ёки бу тил тизимида маълум турдаги грамматик структураларнинг мавжудлиги бевосита уларнинг фикрлаш қобилиятига таъсир қилмайди (Коул, Скребнер 1977: 71).

Сепир-Уорф фаразлари билан қизиқаётган тадқиқотчиларнинг кўпчилиги Уорфнинг тажриба ва тил ўртасидаги алоқани ихтиёрий деб таърифлашини ва айниқса, унинг тил тизими билиш жараёнини қаттиқ назорат қилиши ҳақидаги фикрини инсоннинг лисоний қобилияти унинг билиш қобилиятини чегаралаши борасидаги таъкидларини ҳаққоний танқид қилишади. Тилшунос А.М.Бушуйнинг бу ҳақда билдирган фикрини олайлик: «тил инсонлар томонидан ихтиёрий танланган ва истаган пайтида ўзгартириши ёки алмаштириши мумкин бўлган тизим эмас. Тил атрофдаги моддий оламни акс эттиради» (Абдуллаев, Бушуй 2002: 85; Бушуй 2005). Ҳақиқатдан ҳам, лисоний тизимни билиш фаолиятидан устун қўйиш, тилни барча турдаги ментал ҳаракатларнинг белгиловчиси (детерминанти) деган фикрни олға суриш ниятидаги ҳар қандай ғоя кескин танқидга дуч келиши муқаррар. Уорфнинг ғояси бежиз «фараз» атамасини олмаган бўлса керак, зеро, фаразларнинг кўпчилиги ўз исботини кутганича қолаверади. Тўғри, миллатлар ва элатларнинг тафаккур фаолиятида учрайдиган турлилик, мос келмаслик ҳолатларини инкор қилиб бўлмайди. Лекин бунинг исботини тил тизими хусусиятидан излагандан кўра, атроф-муҳитдаги предмет-ҳодисалар ҳар хиллигидан, ижтимоий фаолият турлари фарқидан изласак, маъқул эмасмикан?! Лисоний тафаккурнинг турли маданий-тарихий шароитларда ривожланишини махсус ўрганган эстон психологи П.Тульвесте ўз устози А.Р.Лурия таклиф қилган методика асосида ўтказган қатор тажриба–синов тадқиқотлари натижаларига таянган ҳолда «турли тилларга турли хилдаги билиш жараёни мос келади» деган фикрни бутунлай инкор қилади. Унинг фикрича, лисоний нисбийлик эмас, балки, «фаолиятлар нисбийлиги» тўғрисида гапирган маъқулроқ. Зеро, турли миллатлар

тафаккур ҳаракатларидаги фарқ «тиллараро фарқдан кўра кўпроқ у ёки бу маданиятда тарқалган фаолият турлари ўртасидаги фарқ ва болаларни ушбу фаолият турларини бажаришга ўргатиш усуллари билан боғлиқдир» (Тульвесте 1988: 299-300).

Кўриниб турибдики, Тульвесте ҳам Сепир – Уорф фаразини батамом инкор қилиш истагида эмас, у фақатгина тафаккурни тил «қарамоғи»дан чиқариб, инсон фаолияти доирасига ўтказмоқчи. Ҳа, тафаккур фаолиятига оид масалалар муҳокамаси ҳеч қачон муаммосиз тугамаса керак. Тафаккур инсонга Яратувчи томонидан инъом этилган энг буюк ва, айни пайтда, энг мураккаб қобилиятдир. Аммо ушбу қобилият ўз қобиғидан ташқарига чиқмайдиган, қотиб қолган ҳодиса эмас, аксинча, у доимо мураккаблашиб, атрофдагилар таъсирида мазмунан ва миқёсан бойиб боради. Шунинг учун ҳам бу қобилият моҳиятини, унинг қудратини билиш учун унга бевосита таъсир ўтказувчи кучларни аниқлаш лозим бўлади.

Хўш, инсоннинг тафаккур фаолиятига таъсир ўтказадиган, уни бошқариш қудратига эга бўлган куч нима ва у қаерда бўлиши мумкин?!

Тилнинг тафаккур билан алоқасини ҳозирча ҳеч ким инкор этган эмас (ҳатто бунга ҳаракат ҳам қилинган эмас). Бироқ, тил ва тафаккур алоқасини «тенг ҳуқуқли ҳамкорлик» даражада кўрмоқ керак. Аслида, тилга ҳам, тафаккурга ҳам таъсир ўтказадиган ҳодиса маданиятдир. Инсон ҳар қандай янги турдаги фаолиятни ўзлаштириши, янги маданий-ижтимоий муҳитга мослашиши мумкин. Бироқ маълум ҳолатларда беихтиёр аввалдан ўзлаштирилган (балки, туғма бўлган, дейиш маъқулдир) кўникмаларига, ўз миллий маданиятига хос бўлган фаолият услубларига мурожаат қилиши турган гап. Бинобарин, мамлакатимизда истиқомат қилувчи рус, украин, белорус, корейс, поляк каби миллат вакилларини олайлик, улар ўз она тили сифатида рус тилини эътироф этишади, аммо бу «русийзабонлар» асосан ўз маданиятларини сақлашган ҳамда ўз маданиятлари меъёрларига биноан яшашади. Натижада, уларнинг воқелик, ҳодисаларга муносабати, уларнинг категориялаштиришида ҳам номувофиқликлар учраб туради.

Этник онгда бундай фарқларнинг мавжудлиги, сўзсиз, когнитив жараёнларнинг барча инсонлар учун (уларнинг қайси миллат ва маданиятга мансублигидан қатъий назар) умумийлиги ҳақидаги таъкидларга шубҳа туғдиради.

Ушбу рисоланинг илк саҳифаларидан бирида концептнинг пайдо бўлиши ва таркиб топиши ҳақида гапираётиб, тафаккур фаолиятининг умумий хислатларга бой эканлигини қайд қилганлигимни унутмаган бўлсангиз керак. Ҳозир ҳам тафаккур жараёнида умумийлик белгилари мавжудлигини, Н.И.Жинкиннинг универсал предмет коди (УПК) ҳақидаги ғояси, когнитив жараённинг умумий ҳолатларини тадқиқ қилиш борасидаги маҳсулдор ғоялардан бири эканлигини инкор этиш ниятида эмасман. Лекин машҳур француз психологи Ж.Пиаже ва унинг издоши П.Дасенларнинг ўтказилган қатор тажрибалари натижасида бу масалага бошқача ёндашиш лозимлигини уқтирганларини эслатмоқчиман. Чунончи, Ж.Пиаже Н.Хомский билан шахсий мулоқот учрашуви пайтида ўз оппонентининг когнитив структураларнинг туғма ва универсаллиги ҳақидаги фикрига билдирган эътирозини олайлик: «Инсонда (онгда –Ш.С.) туғма когнитив структура бўлиши мумкин эмас, фақатгина интеллектнинг фаолияти туғма меросдир. Бу фаолият объектлар доирасида бажарилган ҳаракатларни ташкиллаштириш воситасида структараларни ҳосил қилади. Шу сабабли асосий муаммо бу ҳаракатларнинг қандай бажаралишини ва улар олдиндан режалаштирилган когнитив тузилма натижаси бўлмасдан туриб, тараққиёт жараёнида мантиқан зарур ҳаракатга айланишини аниқлашдадир» (Пиаже 1983: 90).

Менимча, П.Дасеннинг тафаккур фаолиятининг айрим жараёнлари умумий (универсал) бўлиши билан бир қаторда, бу жараёнларнинг бошқа қисми эса индивидуал ва миллийлик хусусиятига эга, деган хулосасига (Dasen 1977: 155) эргашган маъқулроқ. Бунинг исботини когнитив стерсотиплар ва моделларнинг маданиятлараро фарқида кўришимиз мумкин. Изоҳ тариқасида олмон тилшуноси Леонард Липканинг когнитив категорияларнинг Ғарб ва Шарқ маданиятларида турлича идрок қилиниши ҳақидаги бир мисолини

келтирмоқчиман (Lipka 1987: 292). Бу икки маданият вакиллари *«ёзув столи» (desk)* категориясини турлича прототиплар кўринишида тасаввур этадилар. Маълумки, Хитой ва Японияда ёзаётган киши ерга тиззалаб ўтирган, шунинг учун ёзув столи прототипи калта оёқли, паст бўлган (ўзбеклар маданиятига оид «хонтахта» сўзини эсланг). Ғарбда эса ёзув билан машғул шахс курсига ўтирган ва стол тўрт оёқли, ярим белгача келадиган предметдир.

Когнитив стереотиплар, моделлар (фрейм, скрипт, сценарий, гештальт ва ҳоказо) инсон тарбия топган маданий муҳит билан боғлиқ, зеро, когнитив бирликлар маданиятда мавжуд бўлган воқелик идроки асосида шаклланади. Масалан, ўзбеклардаги от ўйини *«кўпкари»* Ғарб мамлакатлари халқлари учун ёт тушунча (худди «крикет» ўйини ўзбеклар учун нотаниш бўлганидек). Когнитив моделлларнинг этномаданий хусусиятлари ҳақида гапираётиб, маданий моделларнинг вақт давомида ўзгариб туриши, бир маданиятдан иккинчисига кўчиши, ўзгача мазмун олиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бир пайтлар ўзбек маданияти учун маълум бўлган *«томда ётмоқ» (ухламоқ)* тушунчаси ҳозирги ёшлар учун нотаниш бўлиб қолди ва архаик концептга айланди.

Замонавий когнитив тилшуносликнинг таниқли вакилларидан бири Анна Вежбицкая (аслида Польшада туғилиб, таҳсил олган, ҳозирда Австралия Миллий университетида кафедра мудири) когнитив моделларнинг миллийлигининг изчил тарғиботчисидир. Маълумки, психолог ва файласуфларнинг кўпчилиги инсоний ҳис-туйғуларни барча учун умумий бўлган «туғма», универсал ҳис-туйғу гуруҳларига ажратиш мумкинлигига ишонадилар. Уларнинг фикрича, қўрқув, ғазаб, қайғу, хурсандчилик бирламчи ҳис-туйғулардир ва улар ҳеч қандай истисносиз барча маданиятлар учун бир хилда хосдир (Kemper 1987). Шу сабабли тилшунослар *«қайғу», «хафачилик», «изтироб», «ғам», «яккалик»* каби тушунчаларни ягона бир синонимлар қаторига жойлаштиришга ҳаракат қиладилар (Plutenik 1994: 57). Аммо А.Вежбицкая бирламчи эмоцияларни барча маданият ва тилларда бир хилда мавжуд бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблайди. Олима ҳис-туйғу категориясини ўзгача тавсифлаш

тарафдори. Инсон ҳис этадиган туйғу тавсифини ушбу туйғу юзага келадиган *когнитив сценарий* таҳлили асосида берган маъқул. А.Вежбицкая олмон тилидаги *Angst (қўрқинч)* ва рус тилидаги *«страх»* тушунчаларини, шунингдек, русча *«грусть», «гнев»* калималарини инглизча *sadness, anger* билан солиштириб, улар воситасида номланилаётган эмоционал ҳолатлар барча маданиятларда ҳам бир хил вазиятлар ифодасини бермаслигига ишонч ҳосил қилади (Вежбицкая 2001). Бу эса когнитив сценариялар миллий-маданий кўрсаткичларга эга эмаслигидан гувоҳлик беради. Бундай фарқларнинг мавжудлиги турли маданиятларда турлича анъаналар, қадриятларнинг фаоллиги билан боғлиқ. Қадриятлар, ҳеч қандай гумонсиз тафаккур жараёнида ўз аксини топади ва шунинг натижасида *«маданий сценарийлар»* (cultural sctipts) юзага келади, уларнинг оламда кечаётган ҳодисаларни фикран ва лисоний воқелантиришда тутган ўрни алоҳида.

Мутахассислар таъкидлаганидек, маданиятнинг барча соҳалари, барча маънавий ва маданий бирликлари инсон онгида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам маданиятда «бирор нарса йўққи, инсон тафаккурида ўз аксини топмаса ва идрок қилинмаса» (Пелипенко, Яковенко 1998: 12). Маданиятнинг инсон онгида акс топишида белги тизимларининг роли катта ва бунинг энг асосий воситаси албатта, табиий тил тизимидир. Аммо маданиятда мавжуд бўлган когнитив бирликларнинг баъзилари лисоний воқеланиш жараёнидан четда қолиши, яъни лисоний ном (шакл) олмасдан қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Масалан, ёлғон сўзловчи шахс ўзбек тилида *«ёлғончи»*, рус тилида *«лгун»*, инглиз тилида *«Liar»* номларини олади, аммо тўғри сўзловчи шахс фақатгина ўзбек тилида луғавий номга эга (*ростгўй, тўғрисўз*) бошқа қиёсланаётган тилларда эса ушбу концептни ифодаловчи алоҳида сўз йўқ. Лекин бундай «камчилик» русий ва инглиззабонлар онгида ушбу концепт мавжуд эмаслигидан дарак бермайди, улар ёлғон сўзловчилар билан бир қаторда тўғрисўз ҳам борлигини биладилар ҳамда ушбу концептуал тушунчани лозим бўлганда бошқа тил сатҳлари бирликлари воситасида (жумла, гап, матн) ифодалай оладилар.

Инсоннинг тафаккур фаолияти ва лисоний воқелик ўртасидаги фарқ лисоний онгни когнитив онгнинг айнан такрори эмаслигидан, улар ўз таркибий тузилиши ва вазифалари миқёси билан маълум даражада фарқ қилишидан дарак беради.

Харьков университетининг профессори Г.В. Ейгернинг таърифича, лисоний онг «нутқий фаолиятни бошқариш (ташкил қилиш – Ш.С.) механизми ва у лисоний белгиларни, уларнинг ўзаро бирикиш ва қўлланиш қоидаларини, инсоннинг уларга (белгиларга) муносабатини ҳамда тил ва унинг бирликлари ҳақидаги қарашларни шакллантиради. Лисоний онг барча бошқа турдаги онглар мавжуд бўлиши ва ривож топишининг асосий шарти (яъни шунга имкон яратади)» (Ейгер 1990: 16-17). Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, лисоний онг когнитив онг билан чамбарчас боғлиқ, зеро, уларнинг ҳар иккаласи ҳам воқеликни билиш жараёнидир ва бу жараённинг маҳсули – билимдир. Шунинг билан биргаликда бу икки турдаги онг шахс фаолияти жараёнида шаклланишини унутмаслик лозим. Лекин ҳар қандай шахс маълум этник гуруҳ, миллат ва маданият вакили. Аммо тадқиқотлар жараёнида биз аввал алоҳида шахслар онгида кечаётган лисоний ва когнитив жараёнларни кузатсак ҳам, пировард натижада, уларнинг умуммиллий хусусиятларини тавсифлашга ҳаракат қиламиз. Когнитив жараёнларни миллий маданият билан боғловчи энг асосий восита тилдир. Шу сабабли когнитив тилшунослик учун лисоний ва когнитив онг жараёнларини миллий маданиятда яратиладиган, ҳосил бўладиган фаолият шарт-шароитлари билан боғлаб ўрганиш муҳимдир (Гудков 2003). Дарҳақиқат, тил ва онг маданиятдан холи ҳолда мавжуд бўлмайди, улар бизнинг ижтимоий тажрибамиз, аждодларимиздан ўзлаштирган анъаналаримиз натижасидир. Агарда тил «қандай фикрлаётганимизни англатса», маданият эса «маълум жамоа *нима қилаётганлигини* ва *нимани фикрлаётганлигини* (ўйлаётганлигини)» билдиради (Красных 2002: 20).

ЛИСОНИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ КОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ

Когнитология – билиш назариясининг асоси, инсоннинг билиш фаолияти ҳақидаги фан эканлиги ушбу рисоланинг илк саҳифаларидаёқ қайд этилди. Шундай экан, когнитив тилшуносликнинг асосий мақсади ҳам тил тизимининг билиш жараёнидаги иштироки ва улушини аниқлашдир. Тил бирликларининг эгалланаётган билимнинг лисоний воқеланишдаги иштироки ҳамда лисоний фаолиятнинг ахборотни шакллантириш ва «қайта ишлаш»даги ролини аниқлаш когнитив таҳлилнинг кўринишларидан биридир.

Лисоний фаолият – когнитив фаолият билан бевосита боғлиқ, унинг ажралмас бир қисми. Аммо когнитив тилшунослик, когнитологиянинг бошқа соҳаларидан фарқли ҳолда, инсон томонидан тил тизимини ва ушбу тизимни ҳаракатга келтирувчи омилларни ўзлаштириши ва улардан фойдаланиш қоидаларини қай йўсинда тартибга солиниши каби масалалар билан шуғулланади. Когнитивист – тилшунос лисоний ҳодисаларнинг тафаккур фаолиятидаги ўрни, бажарадиган вазифалари билан қизиқади. Лекин бу қизиқиш оддий эмас. У (когнитивист) лисоний ва тафаккур фаолиятлари муносабатларининг юзага келтирувчи сабабларни қидиради ва бу сабаблар оқибати бўлган мулоқот матнлари – лисоний тузилмаларни таркибан ва мазмунан англашга, таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Демак, когнитив тилшунослик асосан инсон лисоний фаолиятини сабаб ва оқибат боғлиқлигида тадқиқ этувчи, «тушунтирувчи» фан соҳасидир (Демянков 1994). Бундай тадқиқ икки йўналишда бажарилади: а) нутқий фаолият ижроси ва унинг маҳсулининг пайдо бўлиши; б) ушбу фаолият маҳсулотларининг идрок этилиши.

Кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан танланган йўналиш ва услубнинг бевосита тил материалига тадбиқ этилиши билан боғликдир.

Когнитив тилшуносликнинг тараққий этган соҳаларидан бири когнитив фонологиядир. Ушбу йўналишда фонологик (фонетик) ҳодисаларнинг когнитив фаолият андозалари билан мос ҳолда юзага келиш масаласи муҳокама қилинади.

С.Елиассоннинг қайд этишича, когнитив қолиплар нутқий бирликларнинг мазмун доирасига таъсир ўтказувчи фонетик ҳодисалар ҳаракатини «назорат» қилиб боради, мазмун ва шакл ўртасидаги муносабатлар доирасини аниқлаб беради (Eliasson 1991). Ҳар қандай лингвокогнитив фаолият ахборотнинг инсон онгида фаоллашуви жараёнидир ва бу жараён бевосита нутқий фаолиятда ўз аксини топади. У. Чейфнинг кузатишича, нутқий тузилманинг қандай оҳангда талаффуз этилиши кечаётган воқеа ҳақидаги ахборот инсон онгининг сатҳидан олиниши билан боғлиқ экан.

Масалан, қуйидаги гапларни қиёслаймиз:

1. Аҳмад Тошкентга кетди (воқеа кечаётган замонни ифодаловчи бўлак йўқ, урғу Тошкентга бўлагига тушади).
2. Аҳмад Тошкентга кеча кетди (пайт ҳоли бўлаги мавжуд ва урғу олади).

Биринчи гап таркибида пайт ҳоли ўрнининг бўш қолиши кечаётган ҳодисанинг янгидан ҳосил бўлганлиги ва бу ҳодиса тўғрисидаги маълумотнинг янги эканлигига ҳамда ушбу маълумот хотиранинг устки қисмларида сақланаётганлигидан даракдир. Иккинчи гапдаги ўрин ҳоли («кеча») алоҳида оҳангда талаффуз этилади ҳамда баён қилинаётган ҳодисанинг маълум пайтда содир бўлганлигига ишора пайдо бўлади, бу ахборот инсон хотирасининг анчагина «чуқурроқ» сатҳларидан олинади (Чейф 1975: 6). Уоллес Чейф эслатганидек, «тил ахборотни сўзловчи онгидан тингловчи онгига узатиш имконини яратади» (Чейф 1975: 241) ва бу ахборотнинг маълум бир қисми тингловчи учун янги, у уни биринчи маротаба эшитмоқда. Лекин узатилаётган барча қисмлари ҳам тингловчи учун янги бўлиши мумкин. Масалан, У.Чейф келтирган иккита мисолнинг талаффуз оҳангини солиштирсак, уларда турли мазмун ифода топишини кўрамиз:

а) all elephants like peanuts
b) all elephants like peanuts
а) «Ҳамма филлар ер ёнғоқни ёқтиришади»
б) «Ҳамма филлар ер ёнғоқни ёқтиришади»

Бу икки гапнинг фарқи шундаки, (а)да фақатгина квантификатор all алоҳида урғу олади, иккинчисида эса нутқий тузилма тўлиғича урғу таъкидига эгадир.

У. Чейфнинг фикрича, бу турдаги таъкидлар ва нутқий мулоқотда янги ахборотни олдин маълум бўлганидан («эски» ахборот) ажратиш когнитив асосга эга, зеро, янги ахборот мазмунига эга бўлган концепт сўзловчи хотирасида фаол ҳолатдадир ҳамда унинг нутқий – лисоний воқеланиши нисбатан осонроқ кечади. Янги ахборот тингловчи диққатини бевосита жалб қилади ва нутқий тузилманинг яхлит мазмунини англаш учун асосий мўлжал хизматини ўтайди.

Лисоний ҳодисаларнинг когнитив таҳлили борасидаги уринишлардан яна бири лисоний бирликнинг реал воқелик билан муносабатининг қай йўсинда шаклланишини аниқлаш билан боғлиқдир. Бу турдаги таҳлил когнитив ёки тўғридан-тўғри муқобиллик тамойилига асосланади. Ушбу тамойилга биноан тил бирлигининг мазмуни воқеликни тўғри, ҳаққоний акс эттиради ҳамда мазмун шаклланишида ҳаққонийлик ва қониқиш шартларига (truth conditions and conditions of satisfaction) мос келиши керак. Масалан, Бугун ёққан қор яшил гапининг мазмуни ҳаққонийлик шартини бажармаяпти, чунки у воқеликка мос келмайди. Менинг исмим Кумушбиби гапи, агарда у ҳақиқатдан ҳам исми Кумушбиби бўлган қиз томонидан айтилаётган бўлса, воқеликни рост акс эттирмоқда. Лекин ушбу гап муаллифи бошқа шахс бўлса, (масалан, Барно ёки Наргиза) унда унинг мазмуни тингловчини ва ҳақиқат талабини қониқтирмайди. Қисқаси, сигнификат ва референт ўртасида муқобиллик йўқ.

Машҳур семантиклардан бири таъкидлаганидек, «сўзларнинг маънога эга бўлиши тил соҳибининг фақатгина бирор бир лингвистик ғоянинг тарафдори бўлиши ёки онгда туғиладиган ҳақиқий мантиқий ҳодисани шакллантирувчи ментал фаолият таъсири эмас. «Жон» Жоннинг исми бўлиши учун ушбу ном ва унинг соҳиби ўртасида маълум бир боғлиқлик бўлиши шарт, яъни воқеий дунёда шундай бир ҳодиса мавжуд бўлмоғи даркор» (Fodor 1990: 98-99).

Демак, концепт шакли ва воқелик ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ деган даъво унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди.

Рейжакендорфнинг таъбирича, «тил концептуал тузилмалар билан боғлиқлиги сабабли маъно ифодалаш қудратига эга» (Jackendorff 2004: 306), лекин «тил соҳиби воқеликни ўзи истаганидек тартиблаштиради» дейиш субъективизмнинг бир кўринишидир.

Тўғри, воқелик ва унинг идроки ўртасидаги масофа ва манзил теп-текис ва тўппа-тўғри «йўл» дан ўтмайди, бу «йўл» ўта машаққатли, мураккабдир. Инсон воқеликни идрок этиши учун дастлаб уни кўриши, ҳис этиши лозим. Тасаввур қилинаётган воқеа, ҳодиса бўлса, кўриш ва сезиш органларининг роли ҳам йўқолади. Бунда фақат инсоннинг тасаввур қобилияти, хаёл дунёси фаоллашади, аммо оллоҳ тасаввур ва хаёл қилиш қобилиятини ҳаммага ҳам бир хилда бермаган. Бу қобилиятнинг шаклланиши инсоннинг амалий ва интеллектуал тажрибасининг кўлами билан боғлиқ. Шу сабабли воқеликни идрок этиш ва концептуаллаштириш турли ҳолатларда (айниқса, турли маданиятларда) турлича кечиши эҳтимолини инкор этиб бўлмайди.

Воқеликдаги предмет воқеа - ҳодисаларнинг лисоний номланиши жараёни когнитив босқичдан ўтиши лозимлиги ҳақида юқорида гапирилди. Айнан шу босқичда ҳосил бўладиган когнитив структурани инглиззабон тилшунослар «percept» деб аташмоқда (Jackendorff 2004:307). Русийзабон олимлар ҳам «восприятие» атамасини қўллашдан кўра калкалаштирилган «перцепт», «перцептивный» калималарини маъқул кўришмоқда. Бу нафақат «perceive» феълининг аниқ таржимасини топиш қийинлиги билан боғлиқ бўлмаса керак. Ҳақиқатдан бу сўзнинг изоҳли луғатларда берилаётган мазмунини аниқ таржима қилиш ва она тилидаги муқобил атамани топиш қийин масала. (Қиёсланг: to have or come to have knowledge of something through one of senses or through the mind - Longman Dictionary of Contemporary English,p. 805). Бироқ perseive фақатгина кўриш, сезиш, эшитиш орқали бажарилаётган жараён бўлмасдан, балки содир бўлаётган воқеликнинг мияда акс топиши (through of mind) жараёнидир. Демак, «идрок» физиологик жараёнлардан ташқари англаш, фаҳмлаш, тушуниш каби ақлий жараёнларни ҳам қамраб оладиган когнитив фаолиятдир.

Воқелик ва концептнинг ўзаро муносабати ҳамда референция ҳодисалари билан боғлиқ муаммолар билан узоқ пайтдан буён шуғулланиб келаётган Рей Жакендофф бир нарсада ҳақ: «Идрок қилинаётган дунё воқеликдир…перцепт («идрок ҳосиласи»-Ш.С.) тўлиғича мия (онг) «қопқонига тушган»; улар нейронларга ўрнашган формал структуралардан бошқа нарса эмас. Лекин идрокий тизимлар бизга «ташқаридаги »предметлар ҳақидаги сезгини, ҳисни ва туйғуни уйғотади. Биз борликдаги предметларни тажрибадан ўтказамиз, онгдаги идрокни эмас.Биз шу йўсинда тузилганмиз» (Jackendoff 2004:308). Аммо олимнинг «бу дунё инсоннинг идрок этиш ва концептуаллаштириш (тушунчалар ҳосил қилиш - Ш.С.) фаолияти, услуби маҳсулидир» (Ўша асар, 309) деган фикрига қўшилиш иложини топа олмадик. Сўзсиз, инсоннинг билиш қобилияти қудратли куч, инсон идрок эта олмайдиган объектнинг ўзи бўлмаса керак. Лекин билиш ҳеч қачон абсолютликка интилмайди, воқелик ранг-баранг, унинг заҳираси тинмасдан бойиб боради ва инсон ушбу бойликни ўз тажрибасида ўзлаштиришга, билишга тинимсиз интилади. Шунинг билан биргаликда воқелик инсон онгининг «гумаштаси» эмас, у Оллоҳ томонидан яратилади ва инсон фаолияти натижасида тараққий этади, ривож топади. Бу борада борликнинг ёш болалар томонидан когнитив ва лисоний ўзлаштирилишини олиб кўрайлик. Ёш гўдак воқеликни аста-секин, босқичма-босқич тажрибадан ўтказади, идрок этади. Воқеликни маълум қисми унинг идрокий ва лисоний имкониятидан четда қолиши табиий, лекин бу билан воқелик мавжудлигини йўқотмайди. Воқеликнинг мавжудлигини фақат онг билан боғлаб қўйиш субъектив идеализм хавфини туғдириш эҳтимолидан холи эмас.

Воқеликнинг когнитив ва лисоний идроки жараёнида грамматик тизим бирликларининг ўрни алоҳида. Мавҳумлаштириш-умумлаштириш хусусиятига эга бўлган грмматик бирликлар фикрни шакллантириш ва уни ахборот ташувчи ҳолатига келтирилган нутқий тузилма сифатида адресатга етказишнинг муҳим воситасидир. Аммо бу бирликларнинг мазмун доирасини шакллантирувчи омиллар

ҳамда ушбу мазмуннинг референт, яъни ифодаланаётган воқеликка муносабати масаласи анчагина мунозаралидир.

Одатда, тил бирлиги маъноси лисоний белги, когнитив тузилма ва референт ўртасидаги уч тарафлама муносабат узвийлигида таҳлил қилинади. Барчамизга «Тилшуносликка кириш» курсидан маълум бўлган Огден- Ричардс учбурчагини эслайлик:



Шаклнинг юқори қисмига жойлашган лисоний белги референт (воқелик) билан когнитив жараён маҳсули тушунча ёки концепт орқали боғланади. Тилшунослар кўпинча референтнинг мантиқий рамзи бўлган тушунчани грамматик маънонинг негизи деб биладилар. Грамматик маънонинг бундай тасаввур қилиниши ушбу маънони прототипида (ибтидосида) грамматик шакл турган денотатив хусусиятлар умумлашмасидан иборат, деган қараш дан бошқа ҳеч нарса эмас. Масалан, сон категорияси воқеликдаги объектив миқдорни («бир» ва «бирдан кўп») кўрсатиши ҳақидаги фикр анъанавий равишда бир қўлланмадан иккинчисига кўчиб келмоқда. Худди шунингдек, замон категорияси талқинида умумий (аниқроғи, физик) тушунча «вақт»га нисбат берилади ҳамда бунда оддийгина ҳозирги ва ўтган давр қарама-қаршилиги инобатга олинади (Қиёсланг: Аҳмад Самарқандда яшайди / яшади).

Бундай фикр ва ёндашувларнинг ҳақиқатга қай даражада мос келишини аниқлашга уриниб кўрайлик. Бу мақсадда инглиз тили тизимининг семантик таҳлилини яратишга ҳаракат қилган муаллифлардан бири Жеоффри Лич рисоласидаги мисолларга мурожаат қилайлик. Қуйидаги мисолларни солиштирайлик:

1. а) I like roses « Мен атиргулларни ёқтираман»;
   б) She is tall «У баланд бўйли»;
2. а) He scores a goal «У тўп ураяпти»;
   б) I write a letter «Мен хат ёзаман (ёзаяпман)»;
3. а) He digs his own garden «У боғда ер ағдараяпти»;
   б) All water containes hydrogen «Ҳар қандай сувда водород бор».

Ушбу гапларнинг барчаси формал жиҳатдан бир хил шаклга эга – феъл бўлаклари ҳозирги ноаниқ замон (Present Indefinite Tense) кўрсаткичларини олган, улар вақт категорияси ифодаси жиҳатидан бир хил мазмундадирлар. Аммо бундай денотатив белгилар учала қатордаги тузилмаларни мазмун жиҳатидан изоҳлаш учун етарлимикан? Шу хилдаги саволга жавоб излаган Ж.Лич (Leech 1971: 138-141) ҳозирги замон грамматик шакли уч хилдаги маъно хусусиятга эга бўлишига ишора қилади. Унинг қайд этишича, биринчи қатордаги гапларда «Unrestrictive Present – чегараланмаган ҳозирги замон» ифода топмоқда, чунки бу ерда «ҳозирги ҳолат» (state - now) мавжуд ва ҳолатнинг чегараси йўқ, қачон тугаши номаълум.

Кейинги қатордаги гаплар ташқи кўриниши жиҳатидан биринчи қатордагиларга мос келишса ҳам, аммо мазмун доирасида фарқ қиладилар, бу ерда «воқеа предикативлиги» (event predication) юзага келади ва тасвирланаётган воқеа бир лаҳзада, айнан сўзловчи гапираётган жойида содир бўлаётганлигига ишора мавжуд. Шу сабабли Ж.Лич «Instantaneous Present – лаҳза ҳозирги замони» атамасини қўллашни маъқул кўради. Ниҳоят, учинчи қатордаги гапларда такрорийлик, давомийлик (habitual or iterative) мазмуни ифода топган. Чунки билдирилаётган ахборот ҳозирда умуман мавжуд бўлган ва келажакда давом этадиган воқеадан хабар беради (яъни сув таркибида водород доимо бўлади, футболчининг тўп уриши такрорланиб туради).

Берилган изоҳлардан грамматик бирликнинг мазмун доирасини ифода муқобили – денотат хусусиятлари билан боғлаб қўйиш унчалик маъқул эмаслиги маълум бўлади. Бунинг исботини ягона бир грамматик бирликнинг алоҳида бир синтагматик қаторда денотатив мазмуннинг турли

қисмларига мос келишида кўриш мумкин. Масалан, инглиз тилида ягона бир предлог бир синтагма таркибида «макон» ва «замон» маъноларининг ифодаловчиси бўлиши мумкин: He`ll be back **in** his office **in** no time «У идорасига тезда (кўп вақт ўтмасдан) қайтади». Худди шунингдек, ягона бир олмош бир гап таркибида референтли ва референтсиз қўлланиши мумкин: **It** is necessary to do **it** «Буни бажариш керак».

Бундан ташқари, тил тизимида ягона бир денотатни турли лисоний белгилар билан ифодалаш мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим. Бу ҳодиса ягона бир грамматик категория доирасида юзага келади («Келсинлар»; «Келинг энди»; «Келмайсизми»; «Келаверинг» ва ҳоказо). Аммо бундай вазифавий муқобиллик бу шакллар воситасида ифодаланаётган мантиқий, когнитив мазмуннинг бир хиллигидан ҳеч қандай дарак бермайди.

Шу ўринда ягона бир синтактик тузилманинг турли мазмун ифодалаш имконияти ҳақида ҳам тўхталмоқчимиз. Масалан, «Профессор Ҳамид Неъматов университетда ишлайди» гапининг мазмунини икки хил изоҳлаш мумкин. Биринчисида бу гап мазмунида воқеалар кетма-кетлигига ишора бор («Профессор Ҳ.Неъматов ҳар қачон ишда бўлса, у университетда ишлайди»), иккинчидан эса, бу гапда маълум шахснинг доимий иш жойи борлиги ҳақида маълумот берилмоқда («Ҳ. Неъматов университет профессори - ходим»). Бу мазмуний фарқлар (Эслатамиз: ҳолат ва воқеа предикативлигининг ифодаланишидаги фарқ) аслида Ҳ.Неъматовнинг қандай фаолият билан машғуллиги билан боғлиқ эмас. Ҳамма гап сўзловчининг Ҳ.Неъматовнинг касбий бандлиги (машғулоти)ни қандай идрок этаётганлиги ҳақида: бу иш вақтинчалик фаолиятми ёки доимийми?

Грамматик мазмуннинг денотат хусусиятларидан ажралган ҳолда шакл топишини исботлаш қийин масала. Аммо грамматик бирликларнинг мавҳум-умумлаштирувчи маъноси ҳосил бўлишини денотат хусусиятига таянган ҳолда изоҳлаш унчалик тўғри бўлмаса керак. Маълумки, барча тилларда умумлашган маънони ифодаловчи луғавий бирликлар мавжуд («вақт», «жараён», «макон» кабилар). Агар денотатив маънони

бу турда ифодалаш мумкин экан, унда турли сатҳларга оид бирликларнинг фарқи нимадан иборат?

Бундай саволларнинг туғилиши, табиийки, денотатнинг ташқи моҳияти грамматик бирликлар воситасида ифодаланадиган концептнинг мазмуний асосини ташкил этишига нисбатан бўлган гумонимизни янада кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, ушбу мазмуний асосни топишга, унинг шакллантирувчи омилларни излашга ундайди. Менимча, қўйилган муаммонинг ечимини когнитив жараённинг кечишидан, унинг структурасини ташкил қилувчи қисмларнинг ўзаро муносабатларидан излаган маъқулроқ.

Концепт мазмун жиҳатидан бир томондан воқелик билан муносабатда бўлса, иккинчи томондан эса лисоний белгисисиз бевосита муносабатга киришади. Бу муносабатлар лисоний–тафаккур фаолияти синергетикасининг натижасидир. Когнитив жараёнлар ва лисоний белгиларнинг мазмуний муносабатлари маълум турдаги энергия билан боғлиқ. Бундай энергиянинг манбаи эса инсоннинг муҳит билан ўзаро муносабатидир. Энергиянинг сақланиш қонуни доирасида когнитив жараён ва лисоний бирлик энергияси ўзаро бир-бирига ўтади (кўчади) ва шу аснода лисоний белгининг мазмун синергетикаси ҳаракатга тушади (Алефиренко 2005: 90).

Демак, синергитика қонуниятларига таянган ҳолда концептнинг мазмунан шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш имкони бор. Юқорида айтилганидек, ҳар қандай мазмуннинг шаклланиши инсоннинг воқеликни билиш жараёнида, бошқача айтганда, инсон ва воқелик муносабатида юзага келадиган ментал тасаввур билан боғлиқдир.

Замонавий когнитив психология намояндалари У. Матурана ва Ф. Варелаларнинг фикрича, билимнинг инсон тафаккурида намоён бўлишининг икки асосий усули мавжуд: 1) Когнитив ҳолат ёки жараёнларнинг (бу жараён ҳиссий идрокдан бошланади) акс этиши; 2) маълум ташқи ҳодиса, воқеаларнинг тавсифлаш усули (Maturana 1978: 48-50). Когнитив тақдим ва тавсиф муносабати тил тизимида юзага келадиган грамматика ва луғатининг ўзаро муносабатининг талқинига мос тушади. Ушбу талқинга биноан нутқий тузилмалар таркибидаги грамматик элементлар луғат

бирликлари воситасида ифодаланётган концептуал мазмун (фикр, ғоя, тушунча ва ҳоказо) учун концептуал таянчдир. Ушбу таянчсиз нутқий тузилма грамматик (грамматика қоидаларига мос келмайдиган), мазмунсиз тузилмага айланади. Луғат ва грамматика тизимларининг муносабати инсон томонидан воқеликнинг *қандай идрок этилиши* ва *идрок объекти нима* бўлишидаги фарқ билан боғликдир (Кравченко 1996: 16-17).

Воқеликнинг лисоний билиш назариясига таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, грамматик бирликларнинг мазмуний асоси қандайдир ташқи ҳодисалар, хусусиятлардан ташкил топмасдан, балки инсоннинг ташқи Дунё билан муносабати заминида юзага келадиган когнитив жараён, ҳолатларнинг акс топишидан иборатдир.

Грамматик белгининг моҳиятини когнитив жараёнлар (ифодаланмиш), бу жараёнларнинг онгдаги акси (концепт) ва грамматик бирликнинг моддий шакли (ифодаловчи) ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифатида тасаввур этишнинг назарий ва амалий аҳамиятини алоҳида қайд этиш зарур. Биринчидан, бу ёндашув грамматик шаклни инсон билиш фаолияти маълум босқичларининг маҳсули сифатида талқин қилиш имконини беради. Иккинчидан, нутқий фаолиятда грамматик шаклларнинг ўзаро ўрин алмашиши ҳодисасини (вариативлик) денотатив хусусиятнинг фаоллашуви сифатида эмас, балки когнитив жараённинг у ёки бу мазмун бўлагига тақсимоти, «ихтисослашуви» сифатида талқин қилишни талаб қилади. Учинчидан, грамматикалашув ҳодисасини (луғат бирликларининг грамматик маъно ифодалашга ихтисослашуви) объект ҳақидаги билим (луғавий маъно) тақдимотидан субъект ҳақидаги билим (грамматик маъно) тақдимотига кўчиш жараёни сифатида тасаввур қилиш имконини яратади.

Хуллас, лисоний белгиларнинг грамматик моҳиятини тадқиқ қилишнинг бу йўсиндаги когнитив намунаси грамматика тизимини воқеликнинг мавҳум тасвири – схемаси ҳақидаги анъанавий фикрдан йироқлашишга ундайди. Бу тизим инсоннинг билиш фаолияти натижасида ҳосил бўладиган мазмуний тузилмадир.

ХОТИМА

Ушбу лавҳаларни тугатаётиб, одат тусига кирган «хотима» ёки «умумий хулосалар» ёзиш шартмикан деган фикр хаёлимга келди. Хулосаларга келиш учун бирор бир объектнинг батафсил тадқиқи бўлиши зарур. Хотима эса, изоҳли луғатни очайлик: «бирор нарсанинг охири, сўнгги, тугаши, тамом бўлиши» (Ўзбек тили изоҳли луғати, II т.334-б). Когнитив тилшунослик муаммолари эса ҳали тугагани йўқ. Қўлингиздаги китобча бу мавзунинг охири бўла олмайди, изоҳ берилган масалалар соҳанинг муҳокаматалаб саволларининг сўнггиси эмас. Хуллас, ҳозирги ёзилаётган сатрларни хулоса дейишга ҳаққим йўқ. Хотима дейишга эса тортиниб турибман. Яхшиси, «проспект» деган маъқулроқ бўлармиди? Чунки сўзбошида айтилганидек, асосий мақсад ёш тадқиқотчиларни мавзу муаммолари билан таништириш ва уларни бўлғуси изланишларга ундаш эди.

Қўлингиздаги китобча ҳақиқатдан ҳам соҳадан лавҳалардир. Мен қўйилган масалаларнинг бирортасини ҳам тўлиғича ёритиш имконига эга бўлмадим, зеро, когнитив тилшуносликнинг таҳлил доираси кенг. Бирини қаламга олиб, иккинчисини назардан четда қолдиришдан қўрқасан. Истагим, ўқувчини мавзу билан имкони борича атрофлича таништириш, уни когнитология дунёсини зиёрат қилишга чақириш эди.

Буюк олмон мутафаккири Иоҳанн Гетфрид Гердер (1744-1803) эътирофича, «лисон бизнинг онгимиз муҳридир, унинг шарофати билан онг воқеланади (воқеий сиймо олади) ва авлоддан-авлодга ўтади». Онг ва лисоннинг ҳамоҳанглиги ҳақиқатдир, уларни бир-биридан ажратиб тадқиқ қилиш инсофдан эмас ва бундай тадқиқот ҳеч қандай фалсафий-методологик асосга ҳам, қийматга ҳам эга бўлмайди. Шу сабабли, агарда биз воқеликни объектив таҳлил қилиш ниятида бўлсак, лисоний онг хусусиятларини ўрганмоғимиз даркор. Аммо лисоний онгни шаклантирувчи омиллар кўп бўлганидек, лисоний онг заминида шаклланувчи ҳодисалар ҳам бисёр. Буларнинг ҳаммасини бир «тўрга қамаш» ва кейин «қафасга туширдим-ку» деб қувониш қийин. Биринчидан,

ҳозирча бундай «қафас»нинг ўзи ясалмаган, иккинчидан, шундай катта наҳангни тўрга тушириш осон эмас.

Ҳа, лисон буюк, унинг онг билан ҳамнафасликдаги буюклиги янада чексиз. Бу чексизликни илмий билишнинг ҳам чеки йўқ. Унга интилиш эса доимий орзу ва фан шу орзу йўлида узлуксиз тараққиётда. Янгидан туғилган соҳа-когнитив тилшунослик ҳам шу орзу сари қўйилган навбатдаги қадамдир. Сиз танишиб чиққан лавҳалар лисон ва онг муносабатидан таркиб топган чўққининг устки қисмида турган кичик бир парчасидир. Агарда шу парча сизда қизиқиш уйғотган бўлса, когнитив тилшунослик ҳақидаги дастлабки маълумотларни Сизга етказа олган бўлсам, шунинг ўзи кифоя.

Плиний айтганидек, Quid non miraculo est, cum primum in notiatiam venit? «Наҳотки, илк бор кўзга ташланган ҳар нарсани мўъжиза деб ўйласак? ». Мабодо, сизга ҳам когнитив тилшунослик муъжизадек кўринган бўлса, марҳамат. Навбат сизга.



АДАБИЁТЛАР:

1. Алефиренко Н. Спорные проблемы семантики. М.: «Гнозис», 2005. -326 с.
2. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А. Язык и общество. Т.: Фан. 2002. -370 с.
3. Бодуэн де Куртенэ И.А. О задачах языкознания. В кн.: Избранная труды по общему языкознанию. М.: Изд-во АН СССР, 1963. Т.I –с.203-222.
4. Бушуй А.М. Язык и действительность. – Самарканд: СамГИИЯ. 2005.
5. Бабушкин А.П. Типа концептов в лексико-фразеологической системе языка. Воронеж, 1996
6. Бенвенист И. Общая лингвистика. М.: Прогресс, 1974.
7. Брунер Дж. С. Онтогенез речевых актов. В кн.: Психолингвистика. Москва: Прогресс, 1984. – с. 21-49.
8. Брунер Дж. Психология познания. М.: Прогресс, 1977. -412 с.
9. Вежбицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики. М. : Языки славянской культуры, 2001. -272 с.
10. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. – М.: Изд-во МГУ, 1989. -239 с.
11. Волохина Т.Я., Попова З.Д. Синтаксические концепты русского языка. Воронеж. 1999.
12. Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс. 1989. -312 с.
13. Величковский Б.М. Современная когнитивная психология. М.: Изд-во. МГУ, 1982. -336 с.
14. Вертгеймер М. Продуктивное мышление. М.: Прогресс, 1987. -336 с.
15. Гульыисте Н. Культурно-историческое развитие вербального мышления. Таллин, 1988.
16. Гудков Д. Теория и практика межкультурный коммуникации. – М.: Гнозис, 2003. -288 с.
17. Горский Д.П. Обобщение и познание. – М.: Мысль. 1985. -208 с.
18. Гачев Г. Национальная образы мира. Космо – психологос. М., 1995.
19. Гегель Георг Вильгельм Фридрих. Энциклопедия философских наук. Т. 1. Наука валогика. М.: Мысль, 1974.
20. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретующего подхода // Вопросы языкознания, 1994, №4. – с. 17-33.
21. Диянова Э.В., Щеголева Т.М. Познавательные процессы. Иркутск: Изд-во Иркутского у-та. 2006. -174 с.
22. Ейгер Г.В. Контроль языковой правильности высказывания. Тексты лекций. – Харьков: ХГУ, 1990. -53 с.
23. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982. -157 с.
24. Иванов Вяч.Вс. Четные и нечетные ассиметрия мозга и знаковых систем. – М.: Советское радио, 1978. -184 с.
25. Исследование речевого мышления в психолингвистике. М.: Наука. 1985. -239.
26. Кочергин А.Н. Взаимодействие наук как комплексная проблема. В кн.: Взаимодействие наук как фактор их развития. – Новосибирск: Наука, 1988. – с. 5-20.
27. Красных В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. –М.: Гнозис, 2002. – 284 с.
28. Кацнельсон С.Д. Категории языка и явления. Из научного наследия. Москва: Языкы славянской культура. 2001.
29. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972. -216 с.
30. Кондильяк И. Сочинения. Т.I. М.: Мысль. 1980.

31. Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. Падежная грамматика. В кн. Современные зарубежные грамматические теории. М.: ИНИОН. 1985. –с.68-110.
32. Кубрякова Е.С. Память и ее роль в исследовании речевой деятельности // Текст в коммуникации. –М.: И-т Языкознания, 1991. –с.4-21.
33. Кассирер И. Опыт о человеке: Введение в философию человеческий культуры // Проблемы человека в западной философии. М.: Прогресс, 1988. –с.3-30.
34. Кравченко А.В. Язык и воспирятие: когнитивные аспекты языковой категоризации. Иркутск.: ИГУ. 1996.
35. Коул М., Скребнер С. Культура и мыiление. Психологический очерк. –М.: Прогресс. 1977. -261 с.
36. Лосев А.Ф. Философия имени. –М.: Изд-во МГУ. 1990. -270 с.
37. Линдсей П., Корман Д. Переработка информации у человека. М.: Радио, 1975.
38. Лурия А.Р. Основные проблемы нейролингвистики. М.: Изд-во МГУ, 1975. -253 с.
39. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. М.: Наука, 1969.
40. Лакофф Дж. Лингвистические гештальты. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс. 1981. Вып. X. –с.350-368.
41. Меллер Дж. Магическое число семь плюс и минус два. О некоторых переделах нашей способности перерабатывать информацию// Инженерная психология. – М.: Прогресс. 1964. –с.192-225.
42. Минкий М. Фреймы для представления знаний. М.: Радио. 1979.
43. Матурана У., Варела Ф. Древо познание. Биологические корпи человеческого понимания. М., 2001.
44. Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент.: Фан, 1992. – 233 б.
45. Пиаже Ж. Схема действия и усвоения языка // Семиотика / ред. Ю.С.Степанов. М.: Радуга. 1983. –с. 133-137.
46. Пелепенко А.А., Яковенко И.Г. Культура как система. М.: Наука, 1988.
47. Пиаже Ж. Генетический аспект языка и мышления. В кн.: Психолингвистика. М.: Прогресс, 1984. –с. 325-335.
48. Прибрам К. Языки мозга. М.: Прогресс, 1975.
49. Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М.: Наука. 1983. -319 с.
50. Сафаров Ш. Принципы системно-семантического анализа синтаксических единиц. Тошкент.: Ташкентский пос. пед. и-т, 1983. -97 с.
51. Сепир Э. Язык. М.: -Л.: Соцэкгиз, 1934. -223 с.
52. Телия В.Н. Русская фразеология. М. 1996
53. Уорф Б.Л. Наука и языкознание. В кн.: Новое в лингвистике. М.: Прогресс. 1960.
54. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. –М.: Прогресс. 1988. –с. 52-92.
55. Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, № 3. 26-30 б.; №5. 30-39 б.
56. Хоффман И. Активная память. Экспрементальные исследования и теории человеческой памяти. –М.: Прогресс, 1986. -310 с.
57. Barsalou L.W. Context – independent and context–dependent information in concepts. In: Concepts and conceptual factors in categorization. – Cambridge: Cambr. Univ. 1987. –p. 101-140.
58. Cassirer E. Philosopie der symbolischen Formen: Erster Teil: Die Sprache. Berlin, 1923.

59. Chomsky N. Review: B. F. Skinner's Verbal Bahavior // Language, 1959. v. 35.-p. 26-58.
60. Dasen P.R. Are cognitive processes universal? A contribution to Piagition psiychology // Studies in cross- cultural psychology vol.1. London – N.Y. 1977.
61. Darnell R., Edward Sapir: Linguist, antiropologist, humanist. –Berkley, Los Angeles; London: University of California Press, 1990. -480 p/
62. Eliasson S. An outline of cognitively-based model of fonology // Languages in contact and contrast. –B; N.Y.: Mouton de Gruyter, 1991.-p 155-178.
63. Fillmore Ch.J. The case for case reopened // Grammartical relations.-N.Y.:1977.-p.59-81.
64. Fillmore G.J. The case for the case. In: Back N. and Horms R.T.(eds). Universals in linguistic theory. New York, 1968.
65. Fillmore CH. J. Frames and the semantics of understanding// Quaderni di semantica. Vol. VI, No.2. December,1985.-p.222-254.
66. Fillmore CH. J., Atkins B.T. Toward a framebased lexicon: The semantics of RISK and its neighbors. In: Frames, fields and contrast. –Hillsdale/New-York: Lawrence Erlbaum Assoc., 1992. –p.75-102.
67. Fodor J. A Theory of Content and other Essays.-Cambridge, Mass.: MIT Press, 1990.
68. Fodor J. The Language of Thought.-Sussex, 1975.
69. Gardner H. The mind is new science. A history of the cognitive revolution. USA: Basic Books. 1987.
70. Jakobson R. On linguistic aspects of translation // Jakobson R. Language and Literature. –Cambridge – London, 1987. –p. 428-435.
71. Johnson-Laird Ph.N. Mental models.Towards a cognitive science of language, inference and conscionsness. –Cambridge, 1983.
72. Jackendoff R. Foundations of Language. Brain. Meaning. Grammar. Evolution. Oxford: University Press. 2004.-477p.
73. Kemper T.D.How many emotions are there? Wedding the social and antonomic components// American Journal of Sociology, 1987,v.93.-p.263-289.
74. Katz J. Language and other abstract objects. Oxford: Blackwell, 1981.
75. Katz J. An outline of platonist grammar. In: Talking minds, Cambridge: MIT - Press, 1984.-p.17-48.
76. Lipka L.Prototype semantics or feature semantics: an alternative? In: perspectives in language performance// Studies in linguistics, literary criticism, and language teaching and learning. Tiibengen: Narr, 1987.-P. 282-289.
77. Langacker R. W. Foundations of Cognitive Grammar. V.1. Theoretical Prerequisits.-Stanford, 1987.
78. Lancager R. W. Foundations of cognitive grammar, vol. II: Descriptive application. Stanford / California: Stanford Univ. Press. 1991.
79. Leech G.N. Towards a Semantic Description of English. London: Longman, 1971.-277p.
80. Minsky M. A phramework for representing knowledge. In: P. H. Winston (eds). The psychology of computer vision. New-York: McGraw – Hill, 1975. –p. 211-277.
81. Plutchik R. The Psychology and Biology of Emotion. L.: Harper and Collins, 1994.
82. Rumelhart D.E. Notes for a Schema for stories // Representation and understanding: Studies in Cognitive Science. L.: Academic Press, 1975. –p. 211-236.
83. Rosh E. Principles of Categorization. Hillsdale (N.Y), 1978.–p. 27-78.
84. Rosh E., Mervis C. Family resemblances: studies in the internel structure of categories //Cognitive psychology, 1975, No. 7. –p. 573 – 604.

85. Schank R.C., Abelson R.P. Scripts, plans and knowledge // Advanced Papers of the 4th IJCAL. Tbilisi, 1975. vol.1.-p. 151-157.
86. Schank R. C. and Abelson R.P. Scripts. Plans. Goals and Understanding. – Hillsdale, New York: Erbaum. 1977.
87. Schank R. C. Depth of knowledge and representation. – London: Blackwell, 1982.
88. Sapir E. The status of linguistics as a science. In: Selected writings of Edward Sapir in language, culture and personality. Berkley: Univ. of California Press, 1968.-p.160-166.
89. Schnelle H. Introspection and the description of language use. In: A festschrift for native speaker. The Hague: Monton, 1981.-p 105-126.
90. Talmy L. Lexicalization patterns: Semantic structure in lexical forms. In: Language Typology and syntactic description, vol. 3. –Camridge: Camridge University Press, 1985. –p.36-149.
91. Wardhaugh R. Investigating Language. Central Problems in Linguistics. –Oxford: Blackwell, 1994. – 292 p
92. Wittgenstein L. Philosophical investigations. – Oxford: Blackwell, 1958.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ 3
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ 7
КОНЦЕПТНИНГ ЛИСОНИЙ ВОҚЕЛАНИШ ЖАРАЁНИ 19
СЦЕНАРИЙ 35
СКРИПТ 38
ФРЕЙМ 41
ГЕШТАЛЬТ 47
ПРОТОТИП ВА КАТЕГОРИЯЛАШТИРИШ 53
ЛИСОНИЙ - КОГНИТИВ ФАОЛИЯТНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ 62
ЛИСОНИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ КОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ 75
ХОТИМА 85
АДАБИЁТЛАР 87

2750с

Шаҳриёр Сафаров

КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК

Рисола. Илмий нашр.

Муҳаррир: **Эшқобилов А.**
Мусаҳҳиҳ: **Турниёзов Ф.**
Тех. муҳаррир: **Бердиев Қ.**
Саҳифаловчи: **Иванова А.**

Босишга рухсат берилди: 29. 03. 07.
Формати 30х42. Ҳажми 6,0 б/т. Адади 200 нусха.
Буюртма № 144. Баҳоси келишилган нархда.
СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарканд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93.

Ўз6
4Ч
С34

Шахриёр САФАРОВ

Когнитив тилшунослик

